1986/11



ГУЛИСТОН

11
1986

Дала шийпонида концерт.

КПСС XXVII съезди делегати Тўхтахон Киргизбоева ўғли билан.

Терим кизғин бормоқда.

М. Пенсон фотолари

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

КПСС XXVII съезди инсон омилини активлаштириш социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг асосий шарти деб олға суриб, партия комитетлари ва ташкилотларидан бутун идеология ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни, қайта қуришни амалга оширишни талаб қилди. Унинг моҳияти партия ташкилотларининг меҳнаткашларга очиқ-ошкора, тўғридан-тўғри, ҳалол мурожаат этишидан, ҳақиқатни, ошкораликни, ишларнинг аҳволига ва ўз ишига танқидий нуқтаи-назардан ёндашувни қарор топтиришдан иборат.

(Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III Пленуми материалларидан)

ГБ УзССР ЖК

САФАРБАР ҚАЛБ

Октябрь ғоялари ва ишлари енгилмаслигининг гарови — совет кишилари барча авлодларининг революцион давомийлиги мустаҳкамланаверсин!

Советлар мамлакатининг гражданлари! Қайта қуриш ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши! Экономикада, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида революцион ўзгартишларни фаол қарор топтиринглар!

КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари»дан

Партия халқ сайлаб қўйган вакилларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашни ва шу билан бирга уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини ҳар жиҳатдан оширишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаб келди ва ҳисобламоқда. Депутат деган ном лавозимга қўшимча нарса эмас, фахрли имтиёз эмас, балки Советда, аҳоли орасида катта ва қийин ишларни бажариш демакдир. Депутатлар статуси тўғрисидаги қонун оғишмай бажарилиши учун, ҳар бир депутат ўз ваколатларини реал амалга оширишда ҳамма имкониятларга эга бўлиши учун барча зарур ишларни қилиши лозим.

(«КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий доклади»дан).

— Бу ерлар «Қумбосди» деб бежиз аталмаган. Икки-уч кун оралатиб шамол тургани турган. Кечагина ҳовли қумдан тозаланган эди. Пахта, пахта дейишади-ю, шароитни, ерни ҳисобга олишмайди. — Шомурод ота белбоғини ечиб юз-кўзига, қулоқларига униққан қумни артди.

У шу ерда туғилиб ўсган, ота-боболаридай деҳқончиликни касб қилган. Аммо пахта машаққатини ҳис қилмаган, унинг тилига тушунмаганларнинг, ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, деганини эшитса фиғони фалакка ўрлайди. Мана энди бутун мамлакат бўйлаб чўлларни ўзлаштиришга бел боғлаган ёшлар қатори Қумбосди, Амробод, Оққар, Оққўл қишлоқ ёшлари билан шу отанинг ўғли, 10-синф ўқувчиси Мирзабой ҳам Фарғона область комсомол комитети чақириғига биноан ўз районларини ўзлаштиришга, обод қилишга, чўлни бўстонга айлантиришга қарор қилибди. Ҳой, барака топгур, эзгулик яхши-ку-я. Аммо қизиқ устида ўзини чўғга уриб, зўр келганда жуфтакни ростласанг, нима деган одам бўласан?

Бироқ отасининг ташвишланиши, қишлоқдаги турмуш савиясининг ҳали кўнгилдагидай эмаслиги битириш имтиҳонида ёзувчи Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» асари қаҳрамонлари Уктам, Комила, Тансиқ образлари руҳида юрган Мирзабойга тинчлик бермади. У ҳамиша иншо ёзганда хулоса қисмида: «Албатта, ўзим ҳам Уктамдек чўлқувар, Олег Кошевойдек, А. Маресьевдек довюрак бўламан, она юртимни доимо ардоқлайман, керак бўлса, жонимни фидо қилишга тайёрман», деб якунларди.

50-йилларда оловқалб ёшларнинг кўлига трактор, бульдозерлар ишониб топширила бошланди. Экин майдонлари атрофига зовур қазилди, кучли шамолларга дош берадиган қора тол, жийда ва бошқа иҳота дарахтлари ўтқазилди. Районда бир неча колхозлар бирлаштирилиб, Жданов номидаги совхоз ташкил этилди. Қўқон шаҳрида трактрочилар тайёрлов курсини тугатиб келган комсомол аъзоси Мирзабой Шомуродов қишлоқда биринчи бўлиб трактор рулига ўтирди. Мирзабой биринчи кунданоқ ўзига ишонилган техникани авайлашга кўникди.



О. Бобожонов чизган расм.

1978 йили совхоз партия ташкилоти ва дирекцияси коммунист, суяги меҳнатда қотган Мирзабойни энг оғир участкага бригадир этиб тайинлади. Бригадир чўчимади. Аксинча, қўшни бригадаларда бўлди. К. Маркс номли колхоздаги уста пахтакорлардан маслаҳат сўради. Ўзининг ҳам режалари бор эди. Бригада аъзолари билан бамаслаҳат маҳаллий ўғитларни далага олиб чиқдилар. Отаси доим: «Қўй, ўша кимёвий дориларингни, ҳамма жонворларни қириб ташлади, болалар ариқда яйраб чўмилишолмаса, доим касал бўлишгани бўлишган», дерди. «Қари билганни пари билмас», дейишади. Тўқайзорда тустовуқлар, ўрдаклар, қуёнлар бўларди. Ҳаммаси қирилиб кетди. Самолётда сепилган заҳарли дорилар сабабли бирорта жонивор — на ҳашаротлар, на қушлар қолган. Қиш келиши билан далалар қарғаларнинг бозорига айланади-қолади. Одатда фойдали қушлар бор жойда экин-текинга офат келтирадиган ҳашаротлар урчимас эди. «Ҳашаротга қарши курашамиз деб қушлардан ҳам айрилдик. Бу муаммоларга чек қўйиш керак. Масалан, шу пайтгача қанча ерларни ўзлаштирсак ҳам бирон жойга полиз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 11 (441)
Ноябрь
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Жадаллаштириш — давр талаби

САНОАТИМИЗ МУАММОЛАРИ

КПСС XXVII съездида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масаласига катта эътибор берилди. Партия иқтисодий стратегиясининг асосини ташкил этган фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштиришдан мақсад яқин ўн беш йил ичида халқ хўжалиги ҳамма тармоқларини реконструкция қилиш ва шу асосда мамлакат ишлаб чиқариш қувватини сифат жиҳатидан тубдан янгилашдир. Шу давр мобайнида, миллий даромадни салкам икки баравар кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини 2,3—2,5 баравар ошириш бош вазифа қилиб белгиланган.

Ўн иккинчи беш йилликда республикамизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йигирма тўрт, йигирма етти процент кўпайтирилади. Химия, электротехника, ёқилғи саноати, асбобсозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жадал суръатларда ривожлантирилади. Республикамизнинг газ, рангли металлургия, олтин қазиб чиқариш, машинасозлик, электротехника каби саноат тармоқлари умумиттифоқ аҳамиятига эгадир. Масалан, электр энергияси, ёқилғи, машиналар, қурилиш материаллари, минерал ўғитларга бўлган талабнинг каттагина қисми Ўзбекистон ССР саноати зиммасига тўғри келади. Ўтган беш йилликда саноат ишлаб чиқариш ҳажми юз миллиард сўмни ташкил этган бўлса-да, саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръати капитал маблағ сарфлаш ва асосий ишлаб чиқариш фондларини кўпайтириш суръатларидан анча орқада қолди. Ўзбекистон XI беш йиллик мобайнида 3 миллиард куб метрдан кўпроқ газ, 800 минг тонна кўмир, 1 миллион тонна пўлат ва 1 миллион тонна прокат, 300 минг тоннадан кўпроқ минерал ўғит, 360 та трактор, 2500 та чигит экиш сеялкаси, 1 миллион тонна пахта толаси, шунча цемент, 23 миллион метр ип-газлама ва бошқа маҳсулотларни кам етказиб берди.

Ўзбекистон саноати ўз ривожланиш даражаси ва маҳсулот ишлаб чиқариш турига кўра, республика эҳтиёжлари ва талабларига ҳали тўла жавоб беролмайди. Халқ хўжалигини юритишнинг структурал номукаммаллиги тармоқлараро муносабатларнинг ривожланишида сунъий тўсиқларни вужудга келтирди. Бу ҳол пировард натижада республика ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига салбий таъсир ўтказди. Масалан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ипакчилик, қоракўлчилик каби соҳаларидаги ишлаб чиқариш воситаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бугунгидан анча юқори бўлиши мумкин эди.

Қурилиш материаллари, жумладан ғишт, оҳак, алебастр, қум, шағал ва бошқа хом ашёларга бўлган эҳтиёж ҳам талаб даражасида қондирилаётгани йўқ. Бу материалларнинг етишмаётганлиги республика капитал қурилиш планининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездига қилган Сиёсий докладида бу ҳақда шундай деб таъкидлаган эди: «Биз капитал қурилишни тубдан яхшиламай туриб, техникавий реконструкцияни амалга ошира олмаймиз. Бу эса бутун қурилиш комплексини янги индустриал ва ташкилий даражага кўтаришни, корхоналарни реконструкция қилишда ҳам, шунингдек, янги объектлар

етиштирди. Унинг 520 минг тупи хўжаликларга сотилган. Шунингдек, звенонинг 10 гектар майдондаги пахтасининг ҳар гектаридан пландаги 31,5 ўрнига 35,2 центнердан ҳосил кўтарилган. Хом ашёнинг асосий қисми юқори сортларга сотилган. Шундай қилиб, звено аъзолари ҳамёнига тут кўчати етиштиришдан 30 минг сўм, пахтачиликдан 7 минг сўмдан зиёд даромад тушган. Бир йиллик соф даромад эса 37 минг сўмни ташкил этган. Баҳром ака звеносининг йиллик даромади ҳар доим бундан кам бўлмайди.

Самадовларнинг катта хонадони билан яқиндан танишдик. Баҳром ака ва умр йўлдоши Улжон опа тўрт ўғил, беш қиз — жами тўққиз фарзандни тарбиялаб вояга етказаяптилар. Шундан ўн киши оилавий звено аъзолари ҳисобланади. Ўғиллари Акрам, Илҳом, қизи Ойдин, келинлари Саодат билан Райҳоной — ҳаммаси оила бошлиғига елкадош. Уй бекаси Улжон опа ҳам кўмакдош.

Даромад мўллигининг асосий боисини звено аъзолари кўп жиҳатдан коллектив пудратга олиб бориб боғлашлари бежиз эмас. Меҳнатни ташкил этишнинг бу илғор усули Самарқанд областида жуда суст амалга оширилаётган бир пайтда Баҳром Самадов бошлиқ оилавий звено эришаётган ютуқлар алоҳида салмоқ ва мазмун касб этмоқда.

— Пудрат меҳнат унумдорлигининг кўзини очади, — деди ўз ишининг самарасидан мамнун ҳолда Баҳром ака. — Негаки, бунда коллектив аъзоси далада шунчаки кун ўтказиш учун эмас, балки ғалвир сувдан кўтариладиган палла — кузни ўйлаб кетмон уради. Оила аъзоларининг бири иккинчисига сидқидилдан ёрдам беради.

Ҳаққоний гап. Бундан коллектив аъзолари ҳам, давлат ҳам катта манфаат кўради.

Қорабайир қишлоғида кўрган ва эшитганларимиз бизни чуқур мулоҳазага олиб борди. Йиллар мобайнида пешона тери билан топилган оилавий шахсий жамғармасини Баҳром ака сингари олижаноблик билан хайрли ишга сарфлаш чинакам ватанпарварлик эмасми! Аммо босган қадамини ҳар ким ўз ўлчови билан ўлчайди. Хайрли деган ишимиз ҳам кимнингдир дидига ўтирмаслиги мумкин. Қорабайирлик саховатли инсон Баҳром ака Самадовнинг бу ажойиб иши ҳақида ҳам баъзилар ҳар нима деб гапиришдан тап тортмадилар.

Шу ўринда инсонийлик, олижаноблик ҳақида жиддийроқ мулоҳаза юритишни истардик. Тўғри, Баҳром ака Самадовнинг ҳам ошиб-тошиб ётган сармояси йўқ. Шифохонага сарфланган маблағ эса йиллар мобайнида тежаб-тергаб жамғарилган: қолаверса, Баҳром аканинг ўрнида бўлган ҳар қандай одам шундай йўл тута олармикан?

Биз Баҳром ака оилавий шахсий жамғармаси ҳисобига қурдирган ўша шифохона учун кетган маблағни рамзий маънода қисқа муддатда хаёлан харжлашни тасаввур этиб кўрдик: фараз қилинг, нақд 34 минг сўм пул сизники. Масаланинг моҳияти шундаки, инсоннинг маънавий жиҳатлари пул, бойликка муносабатда яққолроқ кўринади. Биров шу пулга «Волга» олиши, иккинчи бир киши эса данғиллама янги ҳовли қуриши, бошқа биров эса чет мамлакатларга саёҳатга бориши мумкин ва ҳоказо.

Ҳа, биз инсонийлик деб атайдиган фазилатларга ҳам баъзилар ўзича маъно бермоқда. Улар асосан истеъмолчиликни хуш кўрадиган кишилардир. Бундайлар жамиятдан фақат «олсам», «юлсам» деб яшайдилар. Олижаноблик туйғусини сира «ақл»га сигдиролмайдилар. Бинобарин, тўкин-сочин элимизда Баҳром ака сингари йигирма-ўттиз минг сармоя тўплаганлар озми? Маънавий ҳаётимизда кескин бурилиш ясаган республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ҳатто миллионлаб пул, олтин тўплаганларнинг кирдикорларидан воқиф бўлдик. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг аксарияти кетмон чопиб, кўли қаварганлар эмас, балки ўзининг масъул лавозимини суиистеъмол қилиб, текинга молдунё йиққан кимсалар. Улар бирортаси элюрт учун хайрли ишларга сариқ чақа ҳам сарфлашни хуш кўрмадилар. Охир-оқибатда эса бундай очкўзларнинг аҳволи вой бўлди. Оддий қишлоқ ўқитувчиси Баҳром ака Самадов олижаноблигини шундай баднафсларнинг ғирром ишлари билан муқояса қилганимизда, унинг инсоний фазилати янада салмоқлироқ туюлади кишига...

Шийпондан чиқиб, пайкал ораладик. Экинзордан турли гиёҳларнинг хушбўй ҳиди уфуради. Шабада дарахт япроқларини майин қимирлатади.

— Баҳром ака яна бир хайрли ишни бошлаётир, — деди суҳбатимизга йўл-йўлакай қўшилган раис Тинчлик Азимов. — Уз ҳисобидан энди кутубхона қурмоқчи бўлаяпти. Звеноси ҳосилининг бу йилги чўғи ҳам баланд-да...

— Кутубхонани зиёхона деб аташади, — деди Баҳром ака чеҳраси яна ҳам ёришиб. — Фарзандларимизнинг илмли бўлгани эл учун бебаҳо маънавий бойлик эмасми!

Суҳбатдошимизнинг шу кейинги гапи ҳам унинг мурувватли, ўз манфаатини, бахтини халқ манфаатида, кўпнинг бахтида эканини дил-дилидан ҳис қиладиган олижаноб инсон эканини яна бир карра тасдиқлаб турарди.

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ

Пойариқ

қурилишида ҳам инвестиция циклини камида икки баравар қисқартиришни талаб қилади. Қурилишнинг суст суръатларига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди, чунки бунинг оқибатида жуда кўп маблағлар ҳаракатсиз туриб қолмоқда, халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётига тўғаноқ бўлмоқда».

Республикамизда саноат корхоналарини реконструкция қилиш жуда секинлик билан олиб борилмоқда, кўпгина тармоқларда шу мақсад учун ажратилган капитал маблағнинг атиги чорак қисмидан фойдаланилмоқда, ҳолбуки, республика халқ хўжалиги асосий фондларининг қарийб ярми маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган.

Тошкент Тўқимачилик комбинатида, минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда қирқинчи йилларда, пиллакашлик фабрикаларида эллигинчи йилларда ўрнатилган ишлаб чиқариш техникаси ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланиб келинмоқда. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида машина-ускуналарнинг бешдан бир қисми чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён ишлатилади. Айни вақтда планлаштиришнинг ўлда-жўлдалиги оқибатида кўп миллион сўмлик машина-ускуналар ўрнатилмай ётибди.

Бу муаммоларни оқилона ечиш учун республика саноатининг ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун эса, аввало етарли шарт-шароитларни вужудга келтириш керак, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил қилиш, мавжуд асосий фондларни реконструкциялаш ишларини бугунги кун талаби даражасида қайта қуриш лозим.

Маълумки, аҳоли ўсиш суръатларининг юқорилиги, республика меҳнат ресурслари билан тўла таъминланганлиги саноатни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шаҳарчалар, шаҳар типидаги посёлкалар ва район марказларида тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан саноатда кўпроқ фойдаланиш яхши самара бериши аниқ. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидланганидек, мутасадди ташкилотлар меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга асосий эътиборни қаратишлари лозим. Кейинги йилларда ишлаб чиқаришга жалб қилинган кишилар сони аҳоли ўсиши суръатларидан орқада қола бошлади. Шахсий ёрдамчи хўжаликда ёки уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган кишилар салмоғи ўтган беш йилликда кўпайди, мутахассисларнинг фикрича, уларнинг сони салкам бир ярим миллион кишини ташкил этади. Айни вақтда халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ишчилар етишмаяпти, рангли металлургия, машинасозлик, химия ва нефть-химия саноатида эса маҳаллий ишчилар сони секинлик билан ўсмоқда.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида таъкидланганидек, «кичик, ўртача шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида йирик корхоналар билан кооперация асосида маҳсулот тайёрлаш, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни жойлаштириб, уларнинг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланмоқ зарур». Шу сабабга кўра, кичик шаҳарларда турли хил сермеҳнат тармоқларни вужудга келтириш лозим. Ҳозирги вақтда шаҳарчаларимизнинг иқтисодий базаси мустаҳкам эмас, саноатда меҳнат сарфи доираси чекланган. Бундай жойларда индустрия комплексини мақсадга мувофиқ равишда тўлдирувчи ёки катта шаҳарлардаги корхоналарнинг филиалларини, айрим ихтисослаштирилган цехларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий аҳолининг касаначиликка мойиллиги бор. Масалан, аҳолиси зич ҳисобланган Марғилонда кўп болали оналар эндиликда қатнаб ишлашларига ҳожат йўқ. Фарғона область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг ташаббуси билан бу ерда касаначилик — Меҳнат фабрикаси очилган.

Ҳозирча Маҳаллий саноат министрлиги ҳузурида 8 та ана шундай корхона бор.

Енгил саноатнинг айрим тармоқларида халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан кенгайтириш зарур. Шундай қилинганда, республикага енгил саноат моллари, аввало тўқимачилик ва трикотаж товарларини четдан келтиришдек иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлай олмайдиган тадбирлар қисқартирилган бўларди.

Ўтган ўн йил ичида 2 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ асосан янги корхоналарни барпо этишга, кичик шаҳарлар ва район марказларида филиаллар қуришга ва оз миқдорда ишлаб чиқариш иншоотларини жиҳозлашга сарфланди.

Саноатни жадал ривожлантириш жараёнида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидлаб ўтилганидек, энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Инженер, техник ходимлар ва малакали ишчилар тайёрлаш, ишлаб чиқариш фондидан тўлароқ фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш борасида кенг имкониятлар мавжуд. Бу нарса ишлаб чиқаришни мавжуд меҳнат ва материал ресурсларига янада мувофиқроқ қилиб жойлаштириш керак, деган партия кўрсатмаларига ниҳоятда мос келади.

Шавкат ЗОКИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Беруний номидаги ЎзССР
Давлат мукофоти лауреати



КПСС XXVII съездининг делегати Хосият Урумбоева ҳамда Матлуба Тошпўлатова, Мастура Худойберганова Фарғона пойабзал фабрикасининг 1-қуйма цехида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

В. Мосин фотоси

Қамбар ЎТАЕВ

ДАВР НИДОСИ

Давр ғилдираги жадаллаб борар,
Шиддатини илғай олмас оддий кўз.
Нимаики яралди ақл қилмас бовар,
Қалби олмос зеҳн англайди шаксиз.
Ҳаётдан орқада қолмоқлик уят,
Ўрганиш, интилиш, ёнмоқлик керак!
Молпарастлик — қонда жўшувчи
иллат,
Чекил, енгилтаклик!
Бой бўлсин юрак!
Ленин ғоясида онгни поклайман,
Халқим эҳтиёжи — эҳтиёжимдир...
Асрим хоҳишини жондан хоҳлайман,
Бизда коммунистча яшаш лозимдир.
Истайманки, турмуш тенг бўлсин
фақат
Ҳалол меҳнатнинг қиммати билан.
Ортиқча эҳтиёж, исрофли ҳаёт
Шахснинг обрўсини қилгуси яксон.
Бу моддий оламда яшаб ғарбу шарқ.
Топилур пуч умр, маънавий қашшоқ.
Бундайлар даврасин айламасдан тарк,
Умрингни тасаввур қилмагин юксак.
Истайман долғали бўлсин бу ҳаёт.
Халқ дарди саналур бизда зўр юмуш.
Ўзим деб яшаган кимсага фақат,
Қаҳрингни ҳам кўрсат, ленинча
турмуш!



Низомжон ПАРДА

ВАТАН

Билмам, қачон кирдинг қонимга,
Ишқ каби чирмашдинг жонимга,
Бўлдинг қувват, куч имонимга,
Бўлдинг қўшиқ, бўлдинг ҳаяжон.

Билмам, сенсиз қандоқ яшагум,
Билмам, нечун шавқим ошади,
Вужудим сел каби тошади,
Тилга олсам сени ҳар қачон.

Қайси фарзанд тонар онадан,
Ёмон атаб кимдир панадан,
Шаънимга тош отса, яна-да —
Ишонмагил, Ватан — Онажон!..

Денов

Нусрат АБДУСАЛОМОВ

ОҚ ЙЎЛ ТИЛАНГ МЕНГА, ОНАЖОН!

Шижоат олови ёниб дилимда,
Мен узоқ чўл сари отландим букун.
Ғайратим тасмаси маҳкам белимда,
Демак, мен бахтлиман, иқболи бутун.
Бўз ерлар кўксида кашф этай бўстон.
Оқ йўл тиланг менга, онажон!

Ер очар дейдилар йигитнинг марди,
Асрий чўл қўйнида синай бахтимни.
Бормасам бўлмас ҳеч, ортадир дардим,
Меҳнат-ла ундирай ризқу нақдимни.
Жўш урган юракда қолмасин армон,
Оқ йўл тиланг менга, онажон!

Саргардон шамолга кўксим очай мен,
Манглайим терлари унсин ризқ бўлиб.
Сахийлик нурларин элга сочай мен,
Дилларга қуйилсин сўнмас ишқ бўлиб.
Бўз ерлар кўксида кашф этай бўстон,
Оқ йўл тиланг менга, онажон!

Беташвиш яшадим бағрингизда, бас,
Ҳаловат истамам, кечай баридан.
Йўқ, фақат уйданмас, ҳаловатданмас,
Бахтимни излай мен чўллар бағридан.
Меҳнат ва бахт мени кутмоқда бу он,
Оқ йўл тиланг менга, онажон!

ЧУСТ ДЎППИ

Бошимдан тушмайди чуст дўппи доим,
Мен уни фахр-ла кийиб юраман.
«Чуст дўппи ярашар сенга», — дер ойим,
Дўппига қараб гоҳ хаёл сураман.

Тиккан бу дўппини қайси қўли гул,
Қайси бир она ё қайси бир жонон.
У моҳир қўлларга бўлдиму қойил,
Ҳисларим қалбимда кўтарди туғён.

Чуст дўппи кийиб шу йигит ёшимда,
Мен кезиб юрибман ёруғ жаҳонни.
Йўқ, дўппи эмас у, азиз бошимда
Кўтариб юрибман Ўзбекистонни.

Андижон

Ҳуррам МАҲМУДОВ

ҚУЁШ ЮРТИ ҚИЗЛАРИ

Лаблари қирмизи, асалдир сўзлари,
Чўлпондек гўзалдир қоп-қора кўзлари.
Жамолин кўрсангиз хонатлас кийганда,
Юртимга безакдир ўзбегим қизлари.
Табассум қилганда ўхшайди қуёшга,
Ибоси шунчаки уялар сўзлашга,
Жаҳонда кўрмадим бундайин гўзални,
Бундайин кўрмадим етиб мен шу ёшга.
Қалбини менгзадим сеп ёйган баҳорга,
Қип-қизил ёноғин мисоли аноргa,
Бормикин армони йигитлик даврининг,
Бир пари ишқи деб, етишса шу ёрга.
Юздаги холлари очибдур минг чирой,
Уйинга тушганда дейсиз бу тошкин сой.
Баркамол юзларин гул каби очсалар,
Уялиб беркитар ҳаттоки юзин ой.
Андалиб хонишин қиёслаб сизларга,
Достон битсам арзир сиз каби қизларга.
Оламни тўлдириб қувончу завқларга,
Бир қиё боқингиз жилмайиб бизларга.

Қашқадарё

ҲАМКОРЛИК

Авжи кўклам. Ҳаво очиқ. Экиш қизғин давом этаяпти. Машинанинг олди ўриндиғида совхоз директори, орқасида райком секретари. У кишининг ёнида нуроний меҳмон. Суҳбат мавзуи кўкламнинг келиши, экиш-тикиш ишлари ҳақида эди. Меҳмон эса бу дам суҳбатдошларини унутгандай атрофга мафтун бўлиб боқарди. Иўл четида яшнаб турган қатор толларга ҳавас билан қараркан: «Хўп экишибди-да, азаматлар!» деди.

— Омон аканинг иши-да, — изоҳ берди директор.

— Ким у Омон ака? — қизиқсинди меҳмон.

— Шу ернинг бригадири...

Шу пайт йўл четида турган одамни кўриб, директорнинг чиройи очилди:

— Ана, Омон аканинг ўзлари.

Меҳмон рўпарада тортиниб турган киши билан қўл олишиб сўрашди.

Райком секретари Омон акага кулиб, меҳмонга ишора қилди:

— Танийсизми бу кишини?

— Таниймаи, — жавоб берди Омон ака, — бу киши академик Мирзаали Муҳаммаджонов бўладилар. Бундан ўттиз йил олдин даламизга келган эдилар. Хуш келибсизлар. — Ҳаммалари ҳангу-манг бўлиб қолишди. Академик ҳайратини яширолмади.

1956 йилнинг эрта ёзи. Ленинград районидаги Ленин номли колхозда область пахтакорларининг ғўза парваришига бағишланган кўргазмали семинари давом этаяпти. Шивир-шивир: «Бугунги семинарда қишлоқ хўжалик министри ўртоқ Муҳаммаджонов қатнашаётганмиш». Охунбобоев номли колхознинг илғор бригадирларидан Омонбой Узоқов барча қатори бўйлаб қарарди...

Ўшанда Мирзаали Валиевич йиғилганларга пуштага экилган ғўзага ишлов бериш йўллари ҳақида батафсил, деҳқончасига сўзлаб берганди. Гап шундаки, пахтакорларимиз ҳозир анча кенг тарқалган пуштага экиш усулининг ўзига хос томонларига ўша йиллари тушунмаган, баъзи бир жойларда эса ғўзага ишлов беришнинг агротехника қоидалари бузилаётган эди. Ҳатто бу усулга ошкора шубҳа билан қараб: «Бўлмайди, ортиқча даҳмаза!» дея қўлини ювиб қўлтиғига урганлар ҳам бўлган эди.

Раҳбарлар ўзаро кенгашиб қолишди. Давра тўзиди. Кетмонига суяниб турган Омонбой кутилмаганда ҳушёр тортди: «Сизни чақиришаяпти». «Мени?!» У раҳбарлар турган томонга қаради. Таажжуби ошди. Муҳаммаджоновнинг ўзи: «Бу ёққа келинг», ишорасини қилди. Омонбой кетмонини елкасига олиб, ўша томонга юрди.

— Саломатмисиз, ука? — унга қўлини узатди олим. — Қарасам, битта сизда кетмон бор. Қани, келинг, мана шу пуштадан икки туп ғўзани таг-томири билан кўчириб беринг.

Омонбой унинг айтганини ўринлатди. Культивациядан кейин ғўзанинг ўқ томирига зиён етганди.

— Ана, айтмадикми? — дейишди Муҳаммаджоновни ўраб олган кишилар.

— Бу — эҳтиётсизлик, агротехникани бузиш оқибати, — ўз фикрида қолди Мирзаали Валиевич. — Биринчи культивацияни — ғўза ҳали озиқ томир отмасдан туриб бажариш, уни кўзғатиб, қимирлатиб олиш, кейинги культивацияларни эса ғоят эҳтиёткорлик билан юзароқ ўтказиш керак. Ана шунда кутилган самарага эришиш мумкин.

— Ўша кунлар эсимда, — деди Омон ака Муҳаммаджоновга юзланиб. — Ўшанда сизни унча тушунмадилар. Кейинчалик ҳам ерни эъзолаш, асраб-авайлаш, фақат шу йўл билангина ҳосилдорликни ошириш ҳақидаги фикрларингиз айримларга ботмаганини ҳам биламан...

— Биласизми-а?! — кўзлари чақнаб кетди академикнинг.

— Ҳаммасини биламан, устоз. Сиз ҳақ эдингиз. Биз ерни эъзослаш ҳақидаги китобларингизни яхши кўриб ўқиймиз.

— Раҳмат, биродар, ўттиз йиллик воқеани эслаб юрган бўлсангиз, мен ҳам энди сизни унутмайман... — Овози тўлқинланиб кетди меҳмоннинг.

Улар эмин-эркин гурунглашиб боришар, академик энди Омон аканинг елкаларига қўлини ташлаб олган эди.

Улар шийпон рўпарасига келишди. Шийпон олди сарҳовуз. Атрофи мевазор боғ, кўчатзор... Муҳаммаджонов боққа тикилган кўйи туриб қолди. Омон ака ҳам, секретарь билан директор ҳам унинг ҳозир боғдан гап очишини кутишган эди. Аммо академик кутилмаганда:

— Пахта қалай, пахта? — деб сўраб қолди.

— Яхши. Кейинги икки йилда айниқса яхши бўлди. 25—30 центнернинг устида турибмиз.

— Илгари-чи?

— Планни бажаролмасдик.

— Биласизми, бу ниманинг шарофати? — ҳамсуҳбатига синчиклаб қаради меҳмон. Сўнг Омон аканинг жавобини кутиб ўтирмай, ўзи гапириб кетди. — Ана шу эккан толларингиз, дов-дарахтларингизнинг шарофати. Қаранг, бир туп тол бир йилда 43 тонна сувни тўзган тозалайди. Ахир толни биологик дренаж, деб бежиз айтишмайди. Хўп экибсиз, раҳмат. Сиз яхши биласиз, тол, дов-дарахтлар ўсган жойда пахта ҳам яхши битади. Энг муҳими, сиз билан биз — ҳаммамиз табиат мувозанатини бузмаслигимиз керак... Мевазорларни ҳам кенгайтираётган экансиз. Дўстлигимиз ҳурмати сиздан битта илтимос, ана шу чўлда 10 гектар яхлит ўрикзор яратинг. Сархил ўриклардан экинг. Ўрик жонивор етмиш икки дардга даво, шифобахш неъмат. Ҳиндистонда одамлар юз ёшдан ошиб умр кўради, дейишади. Сабаби ўрик кўп, ўрикзор кўп. Ҳиндистонликлар ўрикни кўп истеъмол қилишади. Жудаям тўғри қилишади. Ўрик ошқозонда овқатни ҳазм қилишга ёрдам беради. Юрак фаолиятини яхшилайди. Ростини айтсам, биродар, ўзим ҳам ўрикни кўп ейман. Ишонсангиз, бир йилда 1,5—2 коп ўрик ейман. Менга қаранг-чи, чамангизда юзга кирадиганга ўхшайманми-а?

Кулишади.

Академик сўзида давом этди:

— Гапнинг очиғи, биродарлар, ўрикзорларимиз камайиб кетаётганидан, ўрик тобора қимматлашиб бораётганидан, бу ажойиб неъмат кўпчилик назаридан четда қолаётганидан ташвишдаман. Болаларимиз оқ ўрик нималигини билмай ўсишаяпти. Сархил ўрикзорларимиз кам. Яхши одам экансиз, мулла Омонбой, илтимос, сархил ўриклардан экинг. Янаги гал, эсонлик бўлса, ўша янги ўрикзорда учрашайлик. Келишдикми?

— Келишдик!

Шу кунларда Поп районидаги «Навбаҳор» совхози 2-бўлим 1-бригадаси бошлиғи Омон ака Узоқов Муҳаммаджоновга ваъда бергани — ўрикзорни яратиш тараддудида юрибди.

— Қувага бориб «Исфара қантаги», «Оқ ўрик» навли ўрик кўчатларидан тўрт минг туп буюртма бериб келдим. Ваъда қилинган боғни яратаман. Бу «Дўстлик» боғи бўлади, — дейди у.


Ортиқали НОМОЗОВ

ЖАҲОН МАТЕМАТИКЛАРИ ТОШКЕНТДА УЧРАШДИЛАР

Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида халқаро анжуманларнинг ўтиши ажойиб анъанага айланиб қолди. Шу йил 8—14 сентябрь кунлари бу ерда Бернулли номидаги Эҳтимоллик назарияси ва математик статистика жамиятининг биринчи жаҳон конгресси бўлиб ўтди. Унда 42 мамлакатдан келган олимлар қатнашдилар.

Конгрессни Совет ташкилот комитетининг раиси, академик Ю. В. Прохоров очди.

— Мазкур конгресс эҳтимоллик назариясини ва математик статистикани ривожлантиришда муҳим босқич бўлади, — деди у. — Бундан беш-олти йил муқаддам биз йигирмага яқин турли йўналишни тилга олар эдик. Тошкентда эса 35 та секция тузишга тўғри келди. Буларнинг ҳар бири математик усулларнинг назариясида ҳам, татбиқида ҳам салмоқли натижаларни ифода этади. Бунда муаммолар доираси кенгайганлиги эмас, балки вазифаларни ўртага қўйиш ва ҳал этиш даражаси анча юқори поғонага кўтарилганлиги ҳам кишини қувонтиради.



Конгрессниг секция йиғилишлари ҳам қизиқарли ўтди.

Бернулли номидаги жамиятнинг президенти Крис Хайде (Австралия) ва Халқаро программа комитетининг раиси Клаус Крихеберт (Франция) ўз маърузаларида конгресснинг аҳамияти ва вазифаларини изоҳлаб бердилар.

— Илм-фаннинг тинчлик ва фаровонлик йўлидаги роли учун меҳнат қилайлик, деган мазмунда бир хил назар билан қаралганлиги ҳам конгресснинг аҳамиятини оширди, — деди Крис Хайде ўз нутқида. — Бу ерда «Шарқ» ва «Ғарб» деган тушунчаларни қарама-қарши қўйишга барҳам берилди. Биз конгресс кунларида бир-бирига зид икки воқеа: ядро портлатишларини тўхтатиш хусусидаги Совет мораторийси тасдиқланганлиги ва АҚШда ядро қуроли яна синалганлиги хусусида ҳам якдил бир фикрни айтдик. Жаҳон куч ва маблағини кўпроқ бунёдкорликка сарфлайдиган бўлишини истаймиз. Бу ишга математиклар ҳам ҳисса қўшишга тайёрдирлар. Тошкент конгрессини ўтказиш тажрибаси Якоб Бернулли номидаги жамият қатнашчиларининг 1990 йилда Шимолий Америкада ўтказиш мўлжалланаётган навбатдаги учрашувида фойдали бўлади, деб умид қиламиз.

Эҳтимоллик назарияси совет мактабининг асосчиси, замонамизнинг энг йирик математиги А. Н. Колмогоровнинг конгрессга йўллаган мактуби анжуман қатнашчиларининг эътиборини тортди. «Олимларнинг халқаро ҳамдўстлиги эҳтимоллик назарияси ва математик статистика асосчисининг ғояларини изчиллик билан чуқур ривожлантириб, бойитиб бормоқда, — деб таъкидланади олимнинг мактубида. — Бернулли номидаги жамиятда қатнашувчи олимлар назарияга ва унинг турли амалий тадқиқларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жуда мураккаб системаларни тадқиқ қилиш математика фанига нисбатан замонамиз қўяётган асосий талаблардан бири эканини ҳис этиб турибмиз. Худди шу соҳада бизга математик методлар қўл келади».

А. Н. Колмогоров билан В. А. Успенскийнинг эҳтимоллик назариясининг асосий тушунчаларини ҳозирги шароитларда ривожлантиришга бағишланган «Алгоритм ва тасодифият» мавзуидаги маърузаси анжуман иштирокчиларида чуқур таассурот қолдирди.


Қарийб бир ҳафта давомида ўттиздан ортиқ секцияларда, «давра столи» атрофида уюштирилган суҳбатларда, мунозараларда, ўқилган кўпгина маърузаларда эҳтимоллик назарияси ва математик статистиканинг амалий аҳамияти, унинг ҳозирги шароитдаги ривожланиш хусусиятлари хусусида қизғин ва мазмунли баҳслар бўлди.

Жаҳон математиклари анжуманининг республикамиз пойтахтида ўтказилиши бежиз эмас. Ўрта Осиё қадимдан фан ва маданияти билан жаҳоннинг эътиборини ўзига тортиб келган. Бу ерда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари улуғ зотлар фан ва маданият тараққиётига беқиёс ҳисса қўшдилар. Ҳозир жаҳон миқёсида математика фанида оммавийлашиб, тилларда кўп зикр этилаётган ифода — «алгоритм» тушунчаси ҳам аслида ал-Хоразмий номининг лотинча бузилган шаклидир.

Маълумки, республикамизда Совет ҳокимияти йилларида бошқа фанлар каби математика фани ҳам кенг тараққий этди. Бунда шубҳасиз Тошкент Давлат университетининг асосчиларидан бири Всеволод Иванович Романовскийнинг, йирик олим Тошмуҳаммад Қори Ниёзийнинг хизматлари катта. В. И. Романовский эҳтимоллик назарияси ривожига катта ҳисса қўшди. Республикамиздан Т. А. Саримсоқов, С. Ҳ. Сирожиддинов, ёшлардан Шавкат Аюпов сингари истеъдодли математик олимлар етишиб чиқдилар.

Жаҳон математикларининг республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган биринчи анжумани «Тошкент руҳи» тобора кенгроқ миқёсда амал қилаётганлигини, халқаро алоқаларни, жумладан, илмий мулоқотларни йўлга қўйиш, фанни ривожлантириш тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳизмат қилишини яна бир марта яққол кўрсатди.

Мазкур конгресснинг СССРда, хусусан, Тошкентда ўтказилиши эса эҳтимоллик назарияси ва унинг иловаларининг тараққиётида Совет математика фани етакчи мавқеининг эътироф этилишидир.



Швейцариялик профессор Ф. Хаимпель ахборот бермоқда.

Л. Гусейнов фотолари

МЕҲНАТ ҚЎШИҒИ

Қизман буви ҳузурига кириб келган келини Зулфиянинг саломига алик оларкан, унинг куйдипишдилигидан севинди. «Қуш тинади, қумурсқа тинади, аммо келин бўлиб тушибдики, бир кунгина оёқ узатиб ўтирганини кўрмадим. Маккажўхори экиб юргани ҳам бир нави экан, бўлимга бошлиқ бўлди-ю, на ётарида, на турарида ҳаловат бор. Эр-хотин иккаласи бунчаям далани яхши кўрмаса. Болалари ҳам онасининг қачон кетиб, қачон қайтганини билмайди. Яхшиям катта келинларим кунимга оро киради. Бу овсинимнинг боласи, буниси меники, деб ажратишни билишмайди. Бошлари омон бўлсин».

Икки кундан буён шивалаб ёққан ёмғир эрталаб тинди, қуёш чарақлаб кетди, ямяшил дарахтлар, йўл четидаги тўпиққа уриб қолган майсалар қуёш тафтидан ҳарорат олиб, майингина тебранади. Зулфия қишлоққа туташиб кетган даласига меҳр билан қарайди. Шудгорланган ер хамирдай кўпчиб ётибди. Бироз олисда радио карнайидан қўшиқ таралади:

Пешонамни ялтиратган чўл шамоли, ёр-ёр,
Юрагимни зирқиратган ёр жамоли, ёр-ёр...

Зулфия ҳар сафар шу қўшиқни эшитганда кулимсираб қўяди, ўзининг узоқ Тожикистондан Қашқадарёга келин бўлиб тушгани ёдига келади. Чўл шамолида тобланган, севимли келинга айланганидан фахрланади. У эгилиб кафтига тупроқ олди. Ҳидлади. Баҳорнинг хушбўй ҳиди анқиб кетди. Сўнг тупроқни кафтлари орасига олиб эзғилай бошлади. «Ҳали экишга эрта, ер етилмаган», ўйлади у. «Ҳа демай экиш ишлари бошланади. Бригадани қабул қилган Тўлғоной ҳам анойи қиз эмас. У ҳам агроном, икки йилдан буён маккажўхоридан яхши ҳосил кўтараяпти. Қишлоқдошлари ишонч билдириб уни область Советига депутат қилиб сайладилар, бу бежиз эмас. Деҳқончиликнинг қозонида қайнаганлардан. Бундан кўнглим тинч. Мени ўйлантираётган нарса одамлар билан муомала қилиш, уларнинг кўнглига йўл топиш. Иш жараёнида ҳар хил вазият рўй беради. Улар мени тушуна олармикан. Ишни нимадан бошласам экан?»

Зулфия шундай хаёллар гирдобида бригада шийпонига яқинлашди. Тутлар орасида кўй боқиб ўтирган қарияга кўзи тушиб, саломлашди.

— Ваалайкум-ассалом, умрингдан барака топ, қизим, — деди у, — далангни соғинибсан-да-а, саҳар-мардондан йўлга чиқибсан?

— Даланинг оҳанрабоси бор, баҳор келди, дегунча тортаверади, бува, — жилмайди Зулфия. У даласини бошқа бировга топшираётганини айтмади. Бу ҳақда бугун ёлғиз ўзи фикрлагиси, ўзи билан ўзи баҳслашиб, бўлажак ишларни чамалаб кўргиси келарди. Шунинг учун гап очилиб қолмасин, деб мавзуни бошқа ёққа бурди. — Бугун неваралар дам бериб сиз-да?

— Дам бериш нимаси, болам, қўй боқишнинг ҳам гашти бор. Ёшлик ўтган жойларда юришнинг завқи бўлакча.

Зулфия қариянинг суҳбатини олгиси келди.

— Наҳот шунинг учун қўй боқсангиз-а, бува?

— Сенга иш ташвиши тинчлик бермагандай, менга ҳам ўтмиш тинчлик бермайди-да, қизим. — Қария узоқ жим қолди. Атрофда қовжираган дарахтларга ўйчан тикилганча, дардини ёрди. — Бир вақтлар бу атроф шиғил тутзор эди. Кўрган кўз қувонарди. Одамлар узоқ-узоқлардан Қорабоғнинг тутмайизи учун келишарди. Мана бу томонда от чопиларди, — у қўли билан Зулфиянинг маккажўхоризорини кўрсатди.—Сайиллар ҳам шу ерда ўтарди. Э, нимасини айтасан, урушнинг касри ҳатто дарахтларга ҳам урди-ёв. Қишлоқда хотин-халаж, бола-чақалар қолганди холос. Дарахтларга қараш, парваришлаш хаёлига сиғармиди уларнинг. Аслида уруш пайтидаги қаҳатчиликда ҳам қишлоқ аҳлининг кунига шу тутзор яраган.

Зулфия қариянинг ҳикоясидан англадики, қорабоғликлар азалдан деҳқон, ҳунарманд кишилар бўлишган экан. Самарқанду Бухородан тортиб, қўшни Тожикистон, Туркманистондан одамлар келиб, Қорабоғ бозоридан савдо қилиб кетишган. Чимнинг ҳусайни узумидан тортиб, Қамайнинг лалми қовунтарвузигача, Баландчайланинг тилни ёрар қовунқоқисигача сотилган бу ерда. Ҳунармандлари кунжутли ҳалводан тортиб, кесакиси пишиқ тандиргача, жилоси минг турда товланувчи дўппидан от анжомларигача халққа етказган.

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

— Шу боғлар яна тикланаяпти, — деди қария ич-ичидан севиниб. — Мана бу ерлар ҳам қанча вақтлар бекор ётганди. Савоб ишга қўл уриб, маккажўхори экдинглар, ҳосил ёмон бўлмаяпти. Қорабоғнинг илгариги шуҳратини тиклашни ҳам сиз ёшлардан кутамизда, қизим. Ҳа, айтганча, қишлоқда бозор қурилармиш, деган гап бор, шу чинми?

— Ҳа, бува, бозорлик қилиш учун ўн беш чақирим йўл босиб, Қамашига бормайдиган бўласиз энди.

Зулфия қария билан хушнуд хайрлашди. Йўл-йўлакай дала кезиб, баҳри-дили очилди. Янги келган кезларини ўйлади. У 1973 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тугаллаб, ўз районига қайтганди. Йил ўтмай, Қашқадарёга келин бўлиб тушди. Ўзи билан бирга ўқиган курсдоши Хуррам Абдуллаевга турмушга чиқди.

Кўпчилик Зулфиянинг олий маълумотли агроном эканини эшитиб, хурсанд бўлди, айримлар эса: «Этик кийиб, далама-дала кезиш аёлнинг ишими», деб юришди. «Дипломни сандиққа ташлаб, боғчадами, кутубхонадами ишласа керак», деб ўйлаганлар ҳам бўлди. Раҳбарлар унга агрономликни таклиф этганларида Зулфия маккажўхоричилик бригадасини сўради. Ёш мутахассиснинг истаги инобатга олинди. Дастлабки йилиёқ ҳосил ёмон бўлмади. Меҳнатда пишган деҳқонлардан маслаҳатлар сўради, ер табиатини, юқори ҳосил олаётган бригадаларнинг тажрибаларини ўрганди.

Ўша йили қурғоқчилик бўлди. Совхоз ғўзани ҳам сув билан кўкартириб олди. Маккажўхори тиззага уриб қолганда сувсизлик тинкани қуритди. Яна бир ҳафта сувдан кечикса, бутун ҳосил барбод бўлиши аниқ эди. Зулфия ўйлаб ўйига етолмади. Тўғри совхоз директори ҳузурига борди. Директор узоқ мулоҳазадан сўнг:

— Сувни сизга берсак, пахтани бой берамиз. Бермасак, чорвага қийин бўлади, — деди куйиниб.

— Унда нима қилиш керак, бир ҳафтадан кейин ҳеч нарсанинг фойдаси йўқ.

Ёрдам сўраб район партия комитетига мурожаат қилишди. Қўшни Яккабоғ районидан илтимос билан сув олишди. Ер айни обитобига келганда механизаторнинг тоби қочиб қолди. Шундай долзарб пайтда трактор рулига ўзи ўтирди. Намни сақлаб қолиш учун ҳар бир дақиқа ғанимат эди. Ҳориб қолганида турмуш ўртоғини ёрдамга чақирди. Яхши гаплар билан ишчиларнинг кўнглини кўтарди.

Елиб-югурди. Ишчилар сут-қатиқ ичсинлар, деб шийпонга сигир келтириб боғлади, уни йилдан-йил кўпайтириб ёрдамчи хўжаликка айлантирди. Шийпон атрофини тўлдириб сабзавот, қовун-тарвуз экди. Дастлаб тўрттагина одам билан иш бошлаган бўлса, йилдан-йил ишчилар сони кўпайиб, гектарлар ошиб борди. Ҳосилнинг салмоғи ҳам шунга яраша бўлди. Ҳар бир йил бошқа йилларга ўхшамади. Гоҳ қурғоқчилик, гоҳ серёғин, гоҳ сув танқис. Ҳар бир йилнинг ўз ташвишлари, ўз қийинчиликлари бўлди. 1978 йили эришилган муваффақиятлар учун бригада бошлиғи «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланди. Йилдан-йил ҳосилдорлик ошиб борди. Бригада 1980 йилда маккажўхори етиштиришда республикада етакчи ўринни эгаллади. Шу йили Зулфия Пардаева Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўргазмаси медаллари билан мукофотланди.

Зулфия Пардаева самарали меҳнат қилиб кам бўлмади. Қишлоқдошлари, ҳамюртлари олдида юзи ёруғ бўлди, обрў-эътибор топди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Зулфия Пардаева ўн йилдан ошиқроқ муддат давомида ерга ишлов беришни ўрганди.

Одамлар кўнглига йўл топди. Ер ҳам меҳрибонликка ташна эканлигини сезди.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Зулфия ҳам халқ суйган, эъзозлаган аёл, халқнинг тиниб-тинчимас вакиласи. Унинг меҳнат қўшиқлари авж пардаларда жаранглайверсин.

Шарофат АШУРОВА

Қамаши райони, «Қорабоғ» совхози



ИККИ ЮРАКЛИ ОДАМ

Кремс шаҳрида яшовчи Лоренц Хипфль иккита юрак билан туғилмаган, албатта. Бундан икки ярим йил муқаддам инсбруклик профессор Раймунд Марграйтернинг операциясидан сўнг у икки юракли одамлардан бири бўлиб қолди.

27 ёшли Хипфль 1984 йилнинг 5 февралида юракни кўчириб ўтказиш операциясини бошидан кечирди. Бу кунни у: «Иккинчи бор дунёга келган куним», деб ҳисоблайди. Ўшандан бери Хипфль икки юрак билан яшаб ўзини жуда яхши ҳис қилаяпти. Велосипедда сайр қилади, ўзининг севимли ўйини пинг-понг ўйнайди ва баъзан ҳатто конток ҳам тепади.

Хирург Р. Марграйтер фақат Австриядагина эмас, балки кўпгина чет элларда ҳам машҳур. У қилган 17 та операциянинг 13 таси муваффақиятли чиққан. Ўша 13 нафар бошқа юракли одамлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Жарроҳлар даъвати



Жарроҳлар медицина ходимларининг масъулиятли тоифаси сифатида халқимиз соғлиғини муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Шу йил 17—19 сентябрда жарроҳларнинг Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ XXXI съездида уларнинг кейинги беш йил давомида қилган ишлари сарҳисоб этилди. Навбатдаги ишлар аниқ режалаштириб олинди.

Съездда мингдан ортиқ делегатлар, шунингдек, Болгария, Вьетнам, Афғонистон Демократик Республикаси, Италия, Франция ва Чехословакиядан таклиф қилинган мутахассислар қатнашдилар.

Съездни СССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари А. Г. Сафонов очди.

Бутуниттифоқ Хирурглар илмий жамияти правлениесининг раиси, академик Б. В. Петровский жамиятнинг беш йиллик фаолияти ҳақида доклад қилди.

— Совет медицинасининг бошқа соҳаларида бўлганидек, хирургия соҳасида ҳам жиддий муваффақиятларга эришилди, — деди нотиқ. — Юрак, мия, ўпкада қилинадиган мураккаб операциялар методикаси ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш ходимларининг олдида энг яхши хирургларнинг тажрибаларини барча врачларнинг кундалик ишида жорий этишдек муҳим вазифа турибди... Биз хирургия хизматига бугунги талаблар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳали медицина техникасининг кўпгина типлари жаҳондаги энг яхши намуналар даражасига етмаган. Илмий марказлар қошида энг замонавий медицина ускуналарини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун устахоналар ва заводлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бутуниттифоқ хирургларининг съездида мазкур соҳанинг навбатдаги беш йилликдаги ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш, жарроҳлик хизматини уюштиришни такомиллаштириш, турли беморларнинг касалликларини аниқлаш ва уларни даволаш масалаларида яхлит тактикани ишлаб чиқиш, хирургия соҳасида илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Съездда ўринли эътироф этилганидек, республикамизда ҳам хирургия хизмати соҳасида бирмунча ютуқларга эришилди, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази Тошкент филиалининг мутахассислари ўн минглаб мураккаб операцияларни муваффақиятли амалга ошириб, кўплаб оғир беморларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар. Республикамизда совет хирургия мактаби тажрибаларини ўзлаштирган ажойиб жарроҳлар етишиб чиқдилар. В. Воҳидов, С. Аъзамхўжаев, М. П. Постолов, В. Охунжонов Р. Нурмуҳамедов, Б. Л. Гамбарин, Р. Омеров, Л. Хачеев сингари етук хирурглар шулар жумласидандирлар.

— Тошкентда КПСС XXVII съезди талаблари асосида бутун хирургия хизматини қайта қуриш йўллари хусусида очиқ-ойдин гаплашиб олдик, — деди академик Б. В. Петровский анжуманга якун ясаб. — Эришилган муваффақиятларга қарамай, хирургия хизмати эндиликда анча яхшиланиши ҳаётий зарурият бўлиб турибди. Оператив даволашнинг илғор усулларини тезроқ жорий этиш, янги асбоблар ва ускуналардан янада самарали фойдаланиш хирурглар олдида турган муҳим вазифалардандир.

Жарроҳларнинг Бутуниттифоқ съезди ўз ишини муваффақиятли якунлади. Бундай йирик анжуманнинг Ўзбекистонда, Тошкентда ўтказилиши медицина тараққиётига бемисл ҳисса қўшган ватандошимиз Абу Али ибн Сино анъаналарининг давомчилари бўлмиш бутун мамлакатимиз, жумладан, республикамиз хирургларининг илми, тажрибасига катта бир эҳтиром ифодасидир. Съезд хирурглари съезди эмблемасига улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Сино сиймоси тасвири чекилгани ҳам мана шу чексиз эҳтиром рамзидир.



Хирурглар съезди делегатлари — қўстанайлик тажрибали хирург, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Исмагулов ўз ҳамкасби Қўстанай область соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош хирурги А. Илёсов билан суҳбатлашмоқда.

А. Жумаев фотоси

Совет хирурглари ўз зиммаларидаги халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилишдек олий масъулиятни тўла-тўкис адо этиш истаги билан иш жойларига жўнаб кетдилар.

С. ШОМУРОД



Суратда: съезд делегатлари (биринчи қатор, ўнгдан чапга) — академиклар Б. В. Петровский, М. И. Кузин, В. С. Савельев, СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари А. Г. Сафонов, академик В. И. Стручков, академик А. А. Шалимов, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси М. И. Перельман, профессор В. С. Маят, ЎзФА академиги В. В. Воҳидов, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси В. И. Федоров.

А. Жумаев фотоси

Ҳар тўғрида бир шингил

Тиши бутунлик сабаби

Тибетда тадқиқот ишлари олиб борган италиялик тиш докторлари кутилмаган натижага дуч келдилар. 150 коҳинни текширишда шу нарса аниқландики, уларнинг 70 фоизида, ҳатто қари-қартангларда ҳам бирорта огриқ тиш учрамади. Негаки, Тибет коҳинлари гўшт емайдилар, қанд истеъмол қилмайдилар. Уларнинг асосий овқати арпа нон, қўтос сути, чой ва сувдан иборат. Ез ойларида улар лавлаги, сабзи, картошка ва бироз гуруч ҳам истеъмол қиладилар.

Шаҳарнинг номи ўзгарди

Ҳиндистондаги Бихар штати ҳукумати шу штатнинг маъмурий маркази бўлган Патна шаҳрининг номини ўзгартиришни сўраб федерал ҳукуматга мурожаат қилди. Илтимосномада шаҳарнинг эски номи билан, яъни Паталапутра деб аталиши сўралган. Мазкур таклиф инобатга олинса, Патна ўзининг тўғри номига эга бўлган бешинчи ҳинд шаҳри бўлади. Ахир, инглизча талаффузда кўпгина шаҳарларнинг қадимги номлари бузилиб кетган эди-да.

ВАЗА



Виктор ТЕЛЬПУГОВ

Ҳикоя

БУ АЖОИИБ ваза ҳақида Ленинга Луначарский хабар етказди. Маориф комиссари Владимир Ильичнинг чинакам истеъдод билан ясалган нарсаларни жуда қадрлашини аввалдан сезиб юрарди. Анатолий Васильевичга вазани кўрсатганларида, у маҳлиё бўлиб, шу заҳотиёқ Ленинга қўнғироқ қилди ва албатта вақт топиб, бу мўъжизалар мўъжизасини кўриб кетишни ундан илтимос этди.

Бир якшанбада Ленин, бугун кун бўйи уйдагилар билан бирга бўлишини, фақат бир соатга, узоғи билан бир ярим соатга бир жойга бориб келишини билдирди. Қариндошлар қувониб кетишди: ниҳоят, Владимир Ильич озгина бўлса-да, ҳордиқ чиқаради.

Бироқ уни тушликда кутганлари бекор кетди. У фақат қош қорайгандагина эшикдан гуноҳкорларча жилмайиб кириб келди.

— Бир вақтнинг ўзида жазога ҳам, афвга ҳам лойиқман. Лекин нима сабабдан ушланиб қолганимни эшитгач, ишонаманки, гуноҳимдан ўтасизлар.

Сўнг ечинмасданоқ, даҳлизда турган жойида ваза ҳақида ҳикоя қилишга киришди.

— Бу ҳақиқатан ҳам мўъжиза! Луначарский бутунлай ҳақ. Ҳа, ҳа, ҳақиқий мўъжиза! Ҳеч қандай муболағасиз!

Владимир Ильич ҳеч нарсага тушунмай турган қариндошларига бир-бир қараб чиқди.

— Тоғ биллуридан ясалган чиннигул дастасини кўз олдингизга келтира оласизми? Даста ҳам эмас — биллур гулларнинг бутун бир боғлами! Кўзингизни ўйнатиб, шундай авраб-сеҳрлаб оладики улар. Нега у ерда узоқ қолиб кетганимни биласизларми? Айтсам, ишонмайсизлар. Қуёшни кутдим! Анатолий Васильевич ваза, айниқса, қуёш нури тушганда жилваланишини айтган эди: аксига олиб кун булут бўлди, фақат кечқурунга яқин ҳаво очилди. Шунда биз тасвирлаб бўлмайдиган ғаройиб манзарани кўрдик. Ҳар битта гул худди қақнусқушнинг парлари каби товланади. Офтоб нури қайси бир қиррасига тушса, шу заҳоти гул янгича чарақлаб, ҳатто шакл-шамойили ўзгариб кетади. Қанчалар хаёлийлик, шу билан бирга қанчалар уйғунлик касб этади! Ҳар бир гулбаргда, шохчаларнинг ҳар бир бўғимида ўлик, совуқ материалга жон инади. Шу нарсаларни инсон қўли яратганлигига ақлинг бовар қилмайди! Вазани томоша қилишга сизларни, албатта, олиб бораман.

Вазани ўз яқинларига кўрсатиш учун Ленинда қулай бир имконият бўлмади, лекин вазанинг тақдирини ҳал қилишда унинг ўзи бевосита аралашишига тўғри келди.

«Рус мўъжизаси» ҳақидаги гаплар тез орада баъзи бир чет эллиқлар қулоғига ҳам бориб етди. Ҳар хил ноёб нарсаларни йиғиб юрувчи бадавлат одамлар бу хазинани қўлга киритишни орзу қила бошладилар. Бир ажнабий корчалоннинг шунчалик ҳаваси қайнадики, у қизиқ устида ваза учун... бешта яп-янги паровоз таклиф этди.

Бу ҳақда Ленинга билдирдилар.

— Бешта паровозми?

— Бешта! Бунинг устига қувватини, тезлигини айтмайсизми?

Ленин хонада асабий юра бошлади.

— Шундай денглар... Бу ҳақда ўйлаб кўришга тўғри келади.

— Ҳамма гап шунда-да, Владимир Ильич. Россия учун бу ҳозир бутун бир дунё-ку.

— Бутун бир мол-дунё эканлигига қўшилишаман. Хўш, сизлар қандай фикрдасизлар?

— Биз сизга маслаҳат солишни лозим топдик.

— Мен бир ўзим буни ҳал қилолмайман. Келинг, «рози» ва «қарши»ларнинг ҳаммасини тарозига тортиб кўрайлик. Сиз, хўжалик ходимлари, биринчи бўлиб гапиринг.

— Россия харобага айланган, Владимир Ильич. Транспортсиз нафас ҳам олиб бўлмайди. Беш паровоз дегани ҳазилакам гап эмас. Бундан ортиқ баҳо бўлмайди.

— Ҳм-м... Нимасини айтасиз, баҳо чиндан ҳам жуда баланд.

— Биз ҳам шундай қарорга келдик-да, Владимир Ильич. Ахир, Россия — қашшоқ. Ҳозир биздан қашшоқроқ мамлакат қолмади ҳисоб.

— Қашшоқ дедингизми? — Ленининг чеҳраси тундлашди — Тўғри... Беҳад даражада ўғирланган, талаб кетилган. Қанчалар оғир бўлмасин тан олишимизга тўғри келади. Лекин... сиз ўзингиз вазани кўрганмисиз?

— Унинг қандайлигидан қатъий назар, Владимир Ильич, паровозга муҳтожроқмиз.

— Бари бир кўрганмисиз? Еки кўрмаганмисиз?

— Кўрдик.

— Ёқдими?

— Ёқиш ҳам гапми, Владимир Ильич. Мўъжиза-ку!

— Шундай экан, келинглар, уни қимматроқ сотиш тўғрисида эмас, эҳтиётлаб сақлаш ҳақида ўйлайлик. Тушунинглар бу — бизнинг халқимиз орасида жуда кўплаб топиладиган қўли гул истеъдодлар яратган нодир санъат асари.

Хўжалик ходимлари Ленинни берилиб тинглашди, у эса меҳри товланиб, сўзида давом этди:

— Уралдаги каслинлик усталарни эсга олинглар. Чўяндан қуйган буюмларини кўриб ҳайрон қоласиз! Заргарлик буюмларини айтинг. Лок билан ишланган палехликларнинг ҳайратланарли даражада нақшинкорлиги-чи? Волга бўйидаги Хохлома-чи? Мстёра, Федоскинолар-чи? Русда халқ истеъдодларининг бутун бир оилалари, бутун бир қишлоқлари бор. Шундай экан, синчиклаб изланадиган бўлсак, қашшоқ ҳолимизга биз улкан бойликларнинг, ҳудудсиз хазиналарнинг эгаси бўлиб чиқамиз. Нима қилсак ҳам, шуларнинг барини авайлаб асрашимиз, сақлаб қолишимиз шарт. Албатта, ҳозирги муҳтожлик бизни янги-янги қурбонларга мажбур этади. Лекин оқил хўжайинлар бўла билмоғимиз лозим. Хуллас, ҳар хил имкониятларни излаб кўринг, аммо вазани сота кўрманглар.

Хўжалик ходимлари чиқиб кетишгач, Ленин тўнглаб ётган деразага яқин келди, унинг муз қатламига ҳуҳлади, ҳосил бўлган доирадан қор босган Москвани томоша қилди.

«Ҳа-а... Қийин давр. Очарчилик. Совуқ. Вайронагарчилик. Одам яшаши учун энг зарур нарсалар етишмайди. Совнарком йиғилишининг учинчи кунида мажлисда ўтирган кўйи ўртоқ Цюрупанинг аҳволи оғирлашиб қолди. Врач, оч бўлганлиги учун ҳушдан кетган, деб қайд қилди. Озиқ-овқат бўйича халқ комиссари, бутун мамлакатнинг таъминотини бошқарувчи одам сурункали тўйиб овқатланмаслик туфайли йиқилиб ётса! «Қандай даҳшатомуз зиддият!» — дейишлари мумкин билмаганлар. Бу ерда зиддият нима қилсин! Ана шундай бетаъма, ўз ишига содиқ, руҳан собит инқилобчилар бор бўлганлигидан биз тик турибмиз-да. Вазани ясаган мўъжизакорларни айтинг! Бугун шу дўзахий шароитларда яшаб, ана шундай нарсаларни ясаётган одамлар эртанги кунда оламга қандай дурдоналарни туҳфа қиларкинлар?!

Ленининг хаёлини кириб келган секретарь бўлди:

— Владимир Ильич, сизни телефонда сўрашаяпти.

— Кечирасиз, кимлар экан?

— Яна ўшалар-да. Ваза хусусида тушунилмай қолган ўринлар бор экан, шекилли.

Владимир Ильич телефонни олди.

— Эшитаман... Ҳа, шунақа эканми ҳали? Нега шуни аввалроқ айтмадингиз? Буни ҳозир бирга ташкил қилиб юборамиз. Ёзаяпсизми? Ёзинг! Ваза сотилмайди. Бешта паровозгаям, йигирма бештасигаям. Жаноб харидор шуни билиб қўйсинки, бу бебаҳо хазинадир... Ёзингизми? Жуда соз. Ҳа, яна шуни қўшиб қўйинг, вазани замонамизнинг энг даҳо ижодкори — Россия ишчилар синфи ҳазрати олийлари яратган. Энди, марҳамат қилиб, нималар деб ёзганингизни бир ўқинг-чи... Шундай... Шундай... Раҳмат. Сизларга қарши фикрлар борми? Бўлмаса, ҳаракатга тушинг. Демак, бу масала юзасидан чиқарилган қарор бир оғиздан маъқулланди, деб ҳисоблаймиз.

Қадимий БИТИК

СТОЛИМ устида семиз китоб турибди. Агар унинг аллақачонлар қорайиб, вақт ўтиши билан тоб ташлаган муқовасини диққат билан ўқисангиз... Яхшиси, олдга қараб югуравермасдан, ҳаммасини бир чеккадан гапириб бера қолай.

Мен бир пайтлар сапёрлар хизматини шаҳардан ташқари сайрга чиқиб келишдай осон иш деб билардим. Бу тасаввурим мен иштирок қилган биргина жанговар операция мобайнидаёқ тумандай тарқалиб кетди.

Улуғ Ватан уруши кунларида

Ўрта Осиёда, Эронга яқин ерга жойлашган қисмимизга чегара бўйлаб марш ўтказиш буюрилган эди. Бу топшириқни бажариш учун саҳрода бир неча километрни пиёда босиб ўтишимиз керак. Фақатгина юриб ўтиш бўлса экан — жанговар техникаларни машиналарга юклаб, кўчириб кетишимиз лозим, бу машиналар эса қумда юришга кам мослашган эди.

Машиналар бирин-кетин сафдан чиқар, ғилдираклар чўғдай қизиб ётган қумга ўқларигача кириб, кўмилиб қолар эди. Бунинг устига, шамолни айтмайсизми?! Лаънати қумтепалар бизни ютиб юбораман, дерди. Бироқ, биз сапёрлар қандай йўллар билан бўлмасин, автоколоннанинг тўхтамай юришини таъминлашимиз керак эди.

— Албатта, ўз муддатига етиб бориш шарт! — Олий қўмондонлик вакилларининг қисқача оқ йўл тилаб айтган сўзлари шундай тугалланди.

Етти кеча-ю етти кундуз барханлараро юмалаб-ошиб йўл юрдик. Худо-ку, етти кун ичида осмон билан заминни яратган экан, биз ана шу заминда ночор қурт-қумурсқалардай судралиб, белгиланган йўлнинг ярмини ҳам ўтолганимиз йўқ. Ҳатто ҳамиша қувноқ юрувчи, темирдай чидамли старшинамизнинг ҳам кўзлари қиртайиб қолган, овозлари хириллаб, кекса одамнинг овозига ўхшаб чиқар эди. У ҳолдан тойган одамларни руҳлантириш учун ўзини зўрмазўраки мажбурлаб, оғизларини қийшайтириб қисқа-қисқа сўзларни айтиб қоларди:

— Бир, икки, олдик...

Лекин бу ҳам кўмак бермади. Ҳатто менга у «олдик» эмас, «қолдик» дегандай туюларди:

— Бир, икки, қолдик...

Ҳақиқатан ҳам биз тизза бўйи қумларда қолиб кетган эдик, бу саҳронинг ниҳояси, поёни борми-йўқми, билиб бўлмасди.

— Ҳақиқий саҳроларда сароб учрайди, дейишарди. Қани, олдимизда хурмони, ариқми кўриниб турса экан, бу ерда ҳатто сароб ҳам йўқ, — деб аччиқ билан ҳазиллашди кимдир дам олиш учун тўхтаганимизда.

— Мумкин эмас, — деб қўйди старшина кулмаёқ.

Сафаримизнинг тўққизинчи куни на одамларда, на машиналарда қўзғолгани мажол бор эди. Оёқлар ва ғилдираклар остидаги қум худди эриган ойнага ўхшарди. На олдга юриб бўлади, на орқага. Колонна тўхтади. Сапёрлар маъюсланиб, руҳлари тушиб кетди.

Шунда бирдан кимдир барҳан орасидан чиқиб турган сариқ тош парчасига тасодифан эътибор бериб қолди. Курақларни ишга тушириб, силлиқ тарашланган чўзинчоқ тоштахтани қазиб чиқаздик. У билан ёнма-ён иккинчи тоштахта ётган экан, учинчиси... Командирга хабар етказдик. У қазув давом эттирилсин, деб буйруқ берди.

— Бу жуда ажойиб иш бўлди-ку, оғайнилар! Биз бу ерда бутун бир автострада қурамиз!

Тоштахталарни ғилдираклар остига икки қатор ётқиза бошладик. Яна моторлар гуруллаб, юк машиналарига жон кирди, тош рельсларга чиқиб олиб юра бошлади...

Сўнгги машина остидан чиққан тоштахталарни олдинга ташиб ўтиб, қайтадан йўл ясаймиз.

Бу пайтда ҳали қазув давом этарди. Белкуракларнинг ҳаракат қилгани сайин, кутилмаган янгиликлар лоп этиб кўзга кўриниб қоларди. Тошларни қазиб олганимиз сайин эса қумда... қандайдир бир қадимий иншоот пайдо бўла бошлади. Аввалига қат-қат бурмали гумбазнинг япаски қуббаси кўринди, кейин эса худди шундай сариқ тошдан қурилган бинонинг бурчаги намоён бўлди.

— Сароб-ку учрамади, аммо ҳар қандай мўъжизага арзигулик топилма-ку! Бу қалъа-ку, оғайнилар! — ҳаяжонланиб кетди старшина.

Кўз олдимизда қачонлардир завол топган, энди эса қайта туғилган қадимий шаҳар қум ичидан деворма-девор чиқиб келди ва қад ростлади.

Қалъа ҳақиқатан ҳам иккинчи марта ҳаётга қайтди.

Радио орқали Тошкентга хабар юборилди. Тез орада у ёқдан: «Топилма билан табриклаймиз. Сизларга Фанлар академиясининг экспедициясини юбораётирмиз», деган жавоб келди.

Уруш минг қилсаям — урушда. Колоннамизнинг узоқ вақт туриб қолиши мумкин эмас. Лекин шундай бўлса ҳам, командир то олимлар етиб келгунларига қадар қалъада алоҳида пост ташкил қилиб, соқчилар қолдириш ҳақида буйруқ берди.

— Сизни қалъа коменданти қилиб тайинлайман, — деди у мен томонга мамнун бош силкиб. — Мана сизга лашкар ҳам. — У киевлик Саня Стебуннинг кўкрагига бармоғи билан туртди. — Икки сапёр ва иккита белкурак — бутун бир куч бу! Академиклар келгунга қадар қалъа намунали тартибга келтирилсин. Тушунарлими?

— Тушунарли, — деб жавоб қайтарди мен учун ҳам лашкарим.

Парпираган уфқ чизиғидан нарида, узоқ-узоқларда уруш гумбурлаб турибди. Аллақаерларда шаҳарлар ва ўлкалар харобазорга, кулга айланмоқда, бу ерда, худо қарғаб, қора қозондай қайнаб-тутаб ётган қумда эса, ҳаёт уйғонмоқда! Бунга гувоҳ бўлишдан ҳам эзгу нарса борми дунёда!

Бошқа бировлар томонидан бир неча аср муқаддам тикланган қалъани қазиб олиш эндигина бошланган бўлса-да, биз ўзимизни жуда улкан қурилиш бунёдкорларидай сезабошладик.

— Урушдан олдин Киев ҳам шундай маҳобатли эди, — деди соғинч билан Саня. — Хрещатикнинг худди ўзи! Бу ерда фақат каштанлар етишмайди, холос.

— Тўғри айтасан, — деб маъқулладим мен ҳам ярим ҳазил, ярим чин.

Биз тинимсиз тер тўкиб, билқиллаб ётган қум тагидан тошларни бирин-кетин чиқаришда давом этдик.

Шаҳар эмас, эртакнинг худди ўзи! У бизга осиёча, тор дарчаларининг қийғос кўзлари ила ўйчан боқиб ётган бир пайтда, Саня янги бир ғаройиб топилмадан ҳаяжонга тушиб, саҳрони бошига кўтариб бақирди:

— Топдим! Топдим! Топдим!

Белкурак беихтиёр қўлимдан тушиб, Саняга қараб чопдим:

— Қаердан топдинг? Нима топдинг? Тушунтириб гапирсанг-чи!

— Эски битик! — Ҳаяжонга тўлиб бақирди у. Санянинг ҳаяжондан қалтираётган қўлларидаги нарсани бир кўришдаёқ мен ҳам муқаддас буюмни қўлга олаётгандай титраб кетдим: у кафтида ҳамма томонига қум ёпишиб қолган китобни тутиб турарди!

Биз шу заҳоти фан учун фавқулодда қимматли ҳужжат топдик, унинг ёрдамида олимлар шу пайтгача қоронғу бўлиб келган муаммоларни ўрганадилар, деган қарорга келдик. Сирли саҳифаларга ёпишиб қолган тупроқ қатламларини тушириб қўйишдан қўрқиб, биз китобни тоштахта устига авайлаб жойладик, гимнастёрка билан устини ёпиб, яна қум сепдик. Қадим донишмандлар ёзиб қолдирган битик олдида ҳатто нафас олишга ҳам қўрқардик. Олимлар етиб келгунларига қадар навбатманавбат ухламай қоровуллашга аҳд қилдик...

Кунлар ўтаверди. Канистрдаги ранги айниган сув ҳам тугади, ўзимиз ҳам бор-йўқ кучларимизни сарфлаб бўлдик. Академиянинг экспедициясидан эса, ҳануз дарак йўқ.

Хуллас-калом, бир куни тонгда Тошкентдан учиб келган самолёт бошимизда чарх уриб қолди. Биз эса, унга қўниш мумкин эмаслиги ҳақида сигнал бера бошладик. Саня ҳатто мотор товушини ҳам босиб кетгудай бўлиб ўшқирди:

— Қаерга қўнмоқчисан, шайтонкалла! Қўндинг — ҳамма ишни барбод қиласан!

Кейинчалик маълум бўлишича, учувчи умуман ерга қўнмоқчи эмас, у фақат қари академикни ва озиқ-овқатлар осилган юк парашютини ташлаш учун қулай жой қидираётган экан. Қария ярим очилган гумбаздан биз қазиётган деворга юмалаб тушганда, суякларини синдириб олишига оз қолди. Ипак тўрда ўралиб қолган оёқларини чиқариб, ўрнидан турар-турмасдан қичқирди:

— Қани топган шаҳарларинг? Кўрсатинглар!..

Биз уни қазилмалар ёнига олиб келдик. У чўккалаганича, болғача ва лупа билан узоқ вақт сариқ тошлар ёнида эмаклаб юрди, тошларни худди соатсоз устадай диққат билан кўриб чиқди. Сўнг ўрнидан туриб, қўлларимизни қисди:

— Ажойиб. Миннатдорман. Табриклайман, дўстларим!

Академикни бутунлай ҳайратга солиш учун биз эски битикни яшириб қўйилган жойидан қазиб олиб, қарияга тантанали сукут ичида топширдик. Ҳаяжондан ҳатто қариянинг кўзлари қисилиб кетди. У яна чўккалаб ўтирганича лупасини олди, яна соатсоз устанинг ўзи бўлди-қолди.

Бу дақиқаларнинг тарихий эканлигини таъкидлаётгандай, гўё улуғ бир ишни амалга ошираётгандай, у узун тирноқларини китоб ўртасига авайлаб тиқди ва асрлар деразасини қоқаётган донишманд сингари саҳифаларни шалдиратиб очди... Кўз олдимиздан аллақандай иероглифлар, чизмалар, суратлар лип-лип ўтди.

Қария кўзойнакларини артди ва... қаҳ-қаҳ уриб юборди. У кулгидан тўхтагач, ҳеч қанақа эҳтиёткорликсиз китобни сариқ кумдан тозалаб чиқди ва шундай баланд овоз билан ўқидики, ҳатто қалъанинг тоштахталари акс-садо бергандай бўлди:

— «Ўрта Осиёда полизчиликнинг ривожланиши. «Шарқ тонги» нашриёти. Тошкент. 1929 йил...»

Қадимий Осиё тарихининг қоронғу нуқталарини ёритиши керак бўлган нодир топилма ҳужжатнинг тақдири ана шундай тугади. Саня иккимиз бўшашиб, жим бўлиб қолдик. Қария бизларга назар ташлаб, яна кулди:

— Сизга нима бўлди, йигитлар! Ахир, сизлар ҳақиқий қаҳрамонларсиз-ку!

Кечқурун қария бизларни юпатиш мақсадида, қўй боқиб юриб, қум тўзонидан сақланиш учун қалъа ёнида ўзи қазиган чуқурга яшириниб, шу ерда ўзига кераги бўлмаган китобни унутиб қолдирган (ахир, у саҳрода шолғом ва лавлаги етиштира олмасида) ўзбек чўпони ҳақида ҳозиргина тўқиб чиқарган ривоятини айтиб берди. Гармсел бу китобни қум билан кўмиб, устига қум барханини уюб ташлаган.

Ривоят давомида, шунингдек, яна навқирон ва қадимий шаҳарларга ҳаёт қайтиб бераётган солдатлар бу китобни қазиб олганликлари, мана шу китобдан ҳам тўрт-беш баробар кўпроқ яшаб қўйган бир олим Тошкентдан етиб келгунга қадар уни қанчалик авайлаб-асраб қўйганликлари ҳам айтиб ўтилди...

— Бир сўз билан айтганда, хафа бўлманг, — кулиб гапини тамомлади академик. — Агар ихтиёр менда бўлса эди, мана шундай қалъалар ҳақида Совинформбюро маълумотларида бутун дунёга: мана, бизникилар янги шаҳарни қўлга киритдилар, деб хабар берардим...

У бир пас жим бўлиб қолди-да, кейин жуда жиддий қолда:

— Ҳали биз қадимий битикларни албатта топамиз! Ишонинглар менга, — деб қўшиб қўйди.

Қария сариқ тошлар орасидан яна бирон нима топдими-топмадими, билмайман: эртасига эрталаб бизлар хайрлашдик.

Менинг сафар халтамда эски битикка айланолмай қолган китоб учун жой топилди. Мен уни асраб қўймоқчи бўлдим. Бу китобни фақат эсдалик сифатида, бир пайтлар ер юзидан ғойиб бўлиб кетиб, энг даҳшатли уруш кунларида бизнинг кўз олдимизда, янги дунёнинг янги одамлари туфайли қайта топилган қалъадан бир хотира сифатида олиб қўйдим.

Музаффар АҲМЕДОВ
таржималари

ХАЛҚАРО ОЛТОЙШУНОСЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ
XXIX
ТОШКЕНТ-86

ИЛМУ ДЎСТЛИК ДАВРАСИ

Республикамиз пойтахти Тошкентнинг халқаро адабий, илмий, маданий марказлардан бири сифатидаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Яқинда бу ерда Халқаро олтойшунослик доимий конференциясининг XXIX сессияси бўлиб ўтди. Анжуманни кириш сўзи билан очган СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Солнцев, шунингдек, Э. Юсупов (Тошкент), Д. Синор (АҚШ), Э. Тенишев (Москва), С. Кляшторний (Ленинград), А. Рона-Таш (ВХР), Б. Назаров (Тошкент) конференция иштирокчиларини қутладилар. Мазкур обрўли илмий йиғиннинг лингвистика, фольклор, адабиёт ва санъат, тарих секцияларида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган олимлар олтойшуносликнинг муҳим масалалари бўйича фикр алмашдилар.

«Бу конференциянинг Тошкентда ўтаётгани бежиз эмас, — деди филология фанлари доктори, Москва Давлат университети профессори Х. Кўрўғли журналист Б. Эгамқулов билан суҳбатда, — Ўзбекистонда кейинги йилларда олтойшунослик, туркология соҳасида анча ишлар қилинди. Ўзбек олимларининг бу соҳага қўшаётган ҳиссалари беқиёс.

Конференциянинг ташкилий томонларига келсак, менинг баҳом битта: жуда ажойиб! Анжуманнинг кўнгилли ўтиши учун барча шароит муҳайё. Мен Ўзбекистонда кўп бўлганман. Лекин доим ўзбек халқининг меҳмондўстлигига қойил қолиб кетаман. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Партия ва ҳукуматимиз олимларимизнинг янада самаралироқ ишлашлари учун катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Мен Тошкентда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг биноси менга жуда ёқди. Бу ерда барча имконият мавжуд. Фақат ишлаш керак».

Олимларнинг илмий докладлари ва ахборотларида туркий халқлар ижодига мансуб — жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган адабий ёдгорликлар хусусида ҳам кенг фикр алмашилди. Бу адабий ёдгорликларни илмий теран тадқиқ этиш, уларнинг бадиий кашфиётларини бугунги ўқувчилар тўла-тўкис англаши учун кўмаклашиш замондошларимизни маънан янада бойитишга хизмат қилади, албатта.

Қуйида илк бадиий достонимиз ҳисобланмиш «Қутадғу билиг» тадқиқига бағишланган икки мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



Суратда: халқаро олтойшунослар конференцияси иштирокчиларининг бир гуруҳи.
С. Маҳкамов фотоси

ИЛК ДОСТОН

Ўн биринчи асрнинг атоқли шоири, файласуф олими ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ҳамда унинг «Қутадғу билиг» достони В. В. Радлов, С. Е. Малов томонидан анча пухта ўрганилган. Филология фанлари кандидати Қаюм Каримов достоннинг Наманган, Ҳирот, Вена, Қоҳира нусхаларини узоқ йиллар жиддий қиёсий ўрганиб, 1971 йилда мукаммалроқ нашрини тузди. 1976 йилда эса «Илк бадиий достон» асарини ёзди. Бундан ташқари, «Қутадғу билиг»нинг поэтикаси ва тил хусусиятларига бағишланган кандидатлик диссертациялари ёқланди.

Маълумки, Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар ниҳоятда кам. Шу сабабли юқоридаги олимларнинг тадқиқотларида Юсуфнинг 1019—20 йиллар орасида Қорахонийлар пойтахти Болосоғунда туғилгани, «Қутадғу билиг»ни 50 ёшида, яъни 1069—70 йиллар орасида ёзиб тугатгани таъкидланади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди:

Тегурди манга элги эллик яшим
(Эллик ёшим менга қўлини тегизди),
Уқир олтмиш менга эмди кел тею
(Эмди олтмиш менга кел дея
чорлаётир).
Йил алтмиш йки эрди тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура.
Тугал ўн саккиз ойда айтдим бў сўз,
Ўдурдум, адирдим сўз эвдиб тера.

Асарни шоир Қашқарда тугатиб, қорахоний ҳукмдорларидан Буғрахонга тақдим этади. Китоб хонга манзур бўлгани учун унга Хос Ҳожиблик лавозимини беради. «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») туркий тилда ёзилган илк дидактик достон, пандномадир. Муқаддима ҳамда хотимадан ташқари 73 бобдан иборат бўлган бу асарда шоир ахлоқ-одоб, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондорчилик қоидаси, турмуш тарзи, маънавият оламининг кўп масалалари хусусида бир маърифат жарчиси сифатида фикр юритади. Айрим синфий чекланганлигига қарамай Юсуф Хос Ҳожиб достонда марказлашган давлат учун кураш, донишманд, адолатли ҳукмрон ғоясини илгари сурган, халқ ва давлат, давлат бошлиғи ва фуқаро, олимлар ва ҳоким, қўшни давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар, ҳукмрон табақаларнинг ҳокимият, халқ олдидаги бурчи ҳақида даври учун ғоятда тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий мушоҳадалар юритади, деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорларни жамиятнинг моддий неъматларини яратувчи тоифалар сифатида алоҳида таърифлайди. Мавжуд тадқиқотларда шоир ҳаётининг охирги йиллари ҳақида «маълумотлар йўқ» деган фикр билан чегараланилади. Лекин, асарнинг айрим бобларидаги мулоҳаза ва қайдларни синчиклаб кузатилса, Юсуф Хос Ҳожиб умрининг сўнгги йилларини хор-зорликда ўтказганлигини илғаб олиш қийин эмас. Жумладан «Китоб эгаси Юсуф Улуғ Ҳожиб ўзига панд беради», «Замона бузуқилигини, дўстлар жафосини айтади» бобларида шоирнинг моддий аҳволи, у яшаган ижтимоий ҳаёт ҳақида жиддий фикрлар бор. Ўқувчиларда тўла тасаввур ҳосил қилиш мақсадида «Қутадғу билиг»нинг Қ. Каримов ҳозирги адабий тилга табдили билан нашр этган нусхасидан ўша ўринларнинг мазмунини келтирамиз.

Турайин, борайин, оламни кезайин,
Вафоли ким экан оламда,
қидирайин...
Кимни севган бўлсам, ширин жон
каби тутдим,
Ундан жафо келди, бас, кимни
севайин.

Шундан сўнг шоир энг севикли кишилари, ёру биродарлари, қариндош-уруғлари, ош-тузини ичганлар ҳам ундан юз ўгирганларини бирма-бир санаб ўтиб, чин одам топа олмай ёлғиз изтироб чекаётганини, одам ҳам, олам ҳам бузилганини баён қилади:

Чаёндек чақадилар, чивиндек
сўрадилар,
Кўппакдек қопадилар, қайси бирини
урайин.
Жабру жафо барчаси менга тегмасин,
Тубан, бевафо(лар)дан четроқда
юрайин.

Кўриниб турибдики, шоир мавжуд ижтимоий муҳитдан, замондан, ўзи мансуб бўлган ижтимоий табақалардан қаттиқ шикоят қилмоқда. Афтидан, Юсуф Хос Ҳожиб ҳаётининг сўнгги йиллари марказлашган Қорахонийлар давлати парчаланиб, ўзаро феодал урушлар авж олган бир даврга тўғри келган. Чунки юқоридаги парчаларда автор зулм-зўрлик кучайган, вафо ва садоқат, осойишта турмуш, дўстлик қаҳати бўлган замона, «чивиндек чақадиган», «кўппакдек қопадиган» кишилар билан тўлган давр ҳақида гапирмоқда. Тўғри, ўтмишдаги барча инсонпарвар санъаткорлар ҳам чархнинг каждафторлигию, зулм-зўрлик, вафосиз, беоқибат дўстлардан шикоят қилишган, мавжуд тузум иллатларини қаттиқ танқид этишган. Лекин Юсуф Хос Ҳожибнинг шикояти бошқача. Шоир ўтмишидаги осойишта даврни, қўлдан кетган мавқени қўмсамоқда, марҳум маслакдошларини изламоқда. Демак, бу даврда Юсуф Хос Ҳожиб барча имтиёзлардан маҳрум бўлган. Энди ҳеч ким уни назар-писанд қилмайди, таҳқир этади, камситади, баъзи яқинлари, дўст деб юрганлари

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

Меросимизни ўрганамиз

МАЪЛУМКИ, халқимиз маданиятининг тарихи жуда қадимий даврларга бориб тақалади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ҳам ана шу сўзимизга далил бўла оладиган қимматли адабий обидалардан бири саналади. Бу асар Қорахонийлар сулоласининг йирик шаҳри Болосоғунда ёзила бошланиб, Қашқарда тугатилган. Қорахонийлар давлатининг адабий тилида битилган ва ҳажм жиҳатидан анча катта (6645 байтдан ортиқ) бўлган «Қутадғу билиг»нинг қиммати яна шу билан белгиланадики, у қардош туркий тилларда гаплашувчи халқларнинг ҳозир бизгача етиб келган биринчи муштарак ёзма ёдгорлигидир.

«Қутадғу билиг» ҳижрийнинг 462 санасида, милоднинг 1069-70 йилларида ёзилган бўлиб, Ўрта асрлар Шарқида кенг тарқалган дидактик асарлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Асар композицион тузилиши, ёзилиш услуби, характерига кўра Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» ва Унсур-ул-Маолий Кайковуснинг «Қобуснома» асарини эслатади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини туркий тилда ёзгани ўша давр учун ўзига хос жасоратдир.

Юсуф Болосоғуний ўз асарида давлатни бошқариш, одоб-ахлоқли бўлиш, илму фанни эгаллашнинг фойдаси, жамият аъзоларининг, хусусан қорахонийлар давлатидаги турли мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида фикр юритади. Муаллиф қорахонийлар авлоди ҳарбий ташкилотининг муҳим масалаларини ҳал этишга ҳаракат қилади ва сиёсатни этика масалалари билан боғлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб Ўрта Осиёда илм ва маданият хийла равнақ топган бир даврда яшади. VIII—XI асрларда Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний сингари буюк қомусий олимларнинг жаҳоншумул илмий кашфиётлари юзага келди. Юсуф Хос Ҳожиб ўзигача яшаб ижод этган алломаларнинг асарлари билан яхши таниш бўлган, албатта. Унинг адабиёт, тарих, фалсафа, жуғрофия, риёзиёт, тиббиёт соҳаларидан бохабар эканлиги достондан кўриниб туради.

«Қутадғу билиг» асарини атрофлича ўрганиш Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқининг узоқ ўтмиши, уларнинг маданий-маънавий ҳаёти ҳақида тарихчиларга, археологларга, этнографларга, тилшунос ва шарқшуносларга қимматли материал беради. «Қутадғу билиг» ҳақидаги хабар фан оламига маълум бўлгандан буён бу асарни ўрганиш соҳасида ўзбек ва рус олимлари, чет эл мутахассислари томонидан кўп ишлар амалга оширилди. Айниқса, асарга бўлган қизиқиш XIX аср бошларида кучайди.

Маълумки, бизгача мазкур достоннинг учта — Вена, Қоҳира ва Наманган нусхалари етиб келган. Асарнинг ҳижрий 843 (1439) йилда Ҳиротда Ҳасан Қара Сайил Шамс томонидан кўчирилган нусхаси Туркиянинг Тугот шаҳрига, бу ердан эса ҳижрий 879 (1474) йилда Истамбулга келтирилган. Сўнгроқ бу нусха Вена сарой кутубхонасига олиб кетилган. 1823 йилда шарқшунос Амадее «Жорнал азиатик» («Осиё журнали»)да «Қутадғу билиг» ҳақида дастлабки маълумот бериб, ундан айрим намуналарни француз тилида нашр эттирди. Айтиш мумкинки, ана шундан Юсуф Хос Ҳожибнинг жаҳон бўйлаб «саёҳати» бошланади.

1890 йилдан бошлаб «Қутадғу билиг»ни машҳур рус шарқшунос олими В. В. Радлов тадқиқ қилишга киришди. Ҳозирга қадар «Қутадғу билиг»нинг асли ва таржимаси тўлиқ ҳолда тўрт марта нашр қилинди. Булардан бири Россияда: 1890—1910 йиллар В. В. Радлов томонидан немис тилида чоп этилди. Мазкур нашр икки томлик бўлиб, ундан текст, транскрипция ва таржима ўрин олган. В. В. Радлов томонидан амалга оширилган нашр асарга нисбатан қизиқишни янада кучайтирди. Бу нашр Вена нусхасига асосланган эди. Бироқ достоннинг таржимаси нашрга тайёр бўлганда, асарнинг Қоҳира нусхаси топилиб, В. В. Радлов ўз нашрида ушбу нусхадан ҳам фойдаланди. Лекин у Қоҳира нусхасини тўғри баҳолай олмайди, натижада ундан кўнгилдагидай фойдаланмайди.

Шунга қарамасдан достоннинг ушбу немисча таржимаси аввалги таржималарга нисбатан анча мукаммаллиги билан олимларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Афсуски, В. В. Радловнинг «Қутадғу билиг» учун грамматик очерк ва индекс-луғат тузиш каби ниятлари амалга ошмай қолди. У йўл қўйган нуқсонлар совет олимлари — Радлов ишининг давомчилари — С. Е. Малов, А. И. Самойлович ва К. Х. Юдахин томонидан тузатилди.

«Қутадғу билиг» танқидий текстининг иккинчи тўлиқ нашри Туркияда 1947 йилда амалга оширилди. Мазкур нашрга асарнинг учала нусхаси асос қилиб олинди. Тузувчи А. Р. Аратнинг ёзишича, нашрда 1946 йилда Истамбул университетининг адабиёт факультети томонидан ишлаб чиқилган транскрипция системаси қўлланилган. Бу транскрипция эса, «Қутадғу билиг» тилини ҳозирги замон турк тилига яқинлаштириб қўйган. Туркшунос олима А. А. Валитова мазкур транскрипция XI аср қорахонийлар даврида Қашқар ва Болосоғунда мавжуд бўлган ва Юсуф Хос Ҳожиб асари яратилган адабий тилни ўзида акс эттира олмаганлигини кўрсатиб ўтади.

1959 йили Анқарада «Турк тарих жамияти» томонидан «Қутадғу билиг» туркча таржимада нашр этилди.

Англиялик олим Ж. Клосон «Қутадғу билиг» нусхаларининг генеалогик системасини тузиб чиқади. Олим асарнинг Наманган нусхаси бевосита муаллиф қўлёзмасидан кўчирилганлигини, Қоҳира нусхаси нусхадан қилинган кўчирма эканлигини, Вена нусхаси эса бошқа бир нусхадан олинганлигини аниқлайди.

Туркшунос олима А. А. Валитова учала нусха асосида асарнинг танқидий текстини, баъзи бобларнинг русча таржимасини беради. С. Е. Малов ҳам асардан айрим парчаларни русчага таржима қилиб, ўзининг «Қадимги турк ёзма ёдгорликлари» китобига киритади. Бироқ бу китоб устида олиб борилаётган изланишлар ҳозиргача тўхтагани йўқ.

«Қутадғу билиг» асарининг тузилиши ва шакли ниҳоятда мукаммаллиги туфайли унинг тексти ва таржимасининг нашр этилиши адабиётшунослар, тилшунослар, педагоглар, умуман илм аҳлларини ўзига ҳамон жалб этиб келмоқда. Филология фанлари кандидати Қаюм Каримов 1971 йили «Қутадғу билиг»нинг рус графикаси билан транскрипция қилинган тексти ҳамда ҳозирги замон ўзбек тилига таржимасини нашр эттирди.

Достоннинг биринчи русча шеърий таржимаси Наум Гребнев томонидан амалга оширилди.

1983 йилда «Қутадғу билиг»га яна бир бор мурожаат этилди. Бу гал «Қутадғу билиг» асари Чикаго университетида инглиз тилида чоп этилди.

Ленинградлик шоир ва туркшунос олим С. Н. Иванов достоннинг биринчи тўлиқ русча таржимасини яратди. С. Иванов достоннинг номини ўзига хос усталик билан «Благодатное знание» деб ўгирганки, бу асарнинг асосий ғоясини аниқ акс эттиради, шеърий таржима ўлчовига ҳам мос тушади. Шунингдек, С. Иванов таржимаси мукаммаллиги билан ҳам бошқа русча таржималардан алоҳида ажралиб туради.

Юқорида айтилганлардан маълумки, туркий халқлар ёзма маданиятининг ёдгорлиги «Қутадғу билиг»га бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Биз ўйлаймизки, Юсуф Хос Ҳожиб асарининг жаҳон бўйлаб саёҳати яна давом этаверади ва биз янгиянги таржималар гувоҳи бўлаверамиз.

Ўғилой КАРИМОВА

ҳам душманлик қиладилар. Шунинг учун у ўзи яшаётган муҳитни рад этади, дашту саҳроларга бош олиб чиқиб кетгиси келади, бундай ҳаётдан ўлимни афзал кўради.

Адабиёт тарихида бу хилдаги фактлар кўп учрайди. Чунончи, юз элининг юқори табақаларидан бўлмиш Турди Абдулазиз даргоҳида хизматда эканида катта обрўга эга эди. Ҳокимиятни Субҳонқулихон эгаллагач, шоир саройдан четлаштирилади. Энди унинг илгариги дўстлари, қариндош-уруғлари Турдидан юз ўгирадилар. Шоир халқ томонига ўтади, қўзғолонларда иштирок этади, зулм-зўрлик, номардликни лаънатлаб, ўзбек элатларини бирликка чорлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам мансабмартабадан маҳрум бўлгач, феодал зодагонлар назаридан қолади. Эзгу мақсадларини амалга ошира олмай «мудом мунг чекиб», ҳасрат-надоматда, ҳаётдан қатъий норози бўлиб яшайди.

Шундай экан, Буғрахонга тақдим этилиб, Хос Ҳожиблик мансабига сазовор қилган «Қутадғу билиг» таркибига бу шикоятнома қандай қўшилиб қолди, деган савол туғилади. Бизнингча, асарнинг бир нусхаси шоир тасарруфида турган. Ҳаётининг ғам-ҳасрат тўла кунларида китоби унга ҳамдаму ҳамроҳ бўлган. Ана шу пайтларда асарнинг охирига ҳасбу ҳол характеридаги мазкур боби — исёнкорона шикоят илова қилинган. Достоннинг бизгача етиб келган кўлёзмалари шоир қўлидаги дастхатдан кўчирилган нусхалар бўлиши мумкин, деган фараз туғилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, маълум даврда Хос Ҳожиблик лавозимида ишлаган Юсуф умрининг охирги йилларини азоб-уқубатда, сарсон-саргардонликда ўтказган; мавжуд ижтимоий муҳит иллат-разолатлари унга ҳам ўз жабру ситамларини солган.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари кандидати

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАБ...

10 ноябрь — Совет милицияси куни

Фан-техниканинг беқиёс тараққиёти кишиларимизнинг турмуш тарзини мутлақо ўзгартириб юборди. Бугунги кунда газдан, электр энергиясидан фойдаланмаган бирорта хонадонни кўрмайсиз. Айниқса, хонадонларда электр қувватидан фойдаланиш миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Бирорта хонадон йўққи, телевизордан, радиодан, магнитофондан, дазмолдан, кир ювиш машинасидан, кондиционер каби турли механизмли ускуналардан фойдаланмаётган бўлсин. Буларнинг ҳаммаси эса электр қуввати билан ишлайди. Қанчадан қанча завод-фабрикалар, қудратли мартен печлари, йирик иншоотларнинг ҳаммаси энергия билан ишламоқда.

Уша кўлами кенг, миқёси беҳисоб жараёнларда техника хавфсизлиги ва ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига қатъий риоя қилинмаса, фалокат юз бериши мумкин: давлат ва халқ мулкига, айрим хонадонлар бойлигига ёнғин катта зиён етказиши табиий.

Мамлакатимизда давлат ва халқ мулкини ёнғиндан муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ҳам улуғ доҳиймиз В. И. Ленин номи билан боғлиқдир. Бундан роса 68 йил бурун у тўнғич социалистик мамлакатда ёнғинга қарши курашиш хизматини ташкил этиш ҳақидаги Декретга имзо чеккан эди. Мана шу ўтган давр ичида ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тадбирлари кенг такомиллашиб борди. Бу соҳада малакали кадрларнинг катта отряди етишди, давлат ва халқ мулкини ёнғиндан муҳофаза қилишда фойдаланиладиган техника ва механизмлар тобора такомиллашди. Ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш техникасидан самарали фойдалана биладиган олий маълумотли малакали кадрлар тайёрлашда СССР Ички ишлар министрлиги Ёнғинга қарши курашиш техникаси олий инженерлик мактабининг хизмати катта. Шу олий мактабнинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР учун кадрлар тайёрлайдиган Тошкент филиалининг 1978 йилда ташкил этилиши жуда мақсадга мувофиқ бўлди. Факультетда кундузги ва сиртқи бўлимлар мавжуд. У яхши моддий-ўқув асосига эга. Химия, физика, қурилиш материаллари, инженерлик графикаси, иситиш ва шамоллатиш техникаси, ёнғинларни ўчиришнинг физикавий-химиявий асослари, иссиқлик динамикаси ва иссиқлик узатув техникаси, электроника ва саноат электроникаси, ишлаб чиқариш жараёнлари технологияси каби йигирмата лабораториясида курсантлар билан машғулот ўтказилмоқда. Бу лабораториялар ва ҳисоблаш маркази замонавий механизмлар ва ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳар бир машғулот мана шу лабораториялар ҳамда ўқув телевизион комплекси заминида кўргазмали равишда ўтказилади.

Курсантлар 36 та ижтимоий, умумилмий, умуминженерлик ҳамда оператив-техникавий, ёнғин ва унинг олдини олиш фанларини тўрт йил (сиртқи бўлимда беш йил) давомида пухта ўрганадилар.

Шу нарса эътиборга моликки, ўқитувчиларимиз орасида 19 киши ўз ихтироси учун авторлик гувоҳномаларига эга. Улар томонидан ишлаб чиқилган 16 та рационализаторлик таклифи халқ хўжалигига муваффақиятли жорий этилди. Фан ва техника бўйича СССР Давлат комитети томонидан факультетнинг ихтирочи ўқитувчиси В. И. Фоминнинг «Ёнғин даракчиси» деган аппарати учун шу йил авторлик гувоҳномаси билан тақдирланиши ҳам коллективимиз ютуғи бўлди. Ёнғиннинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу механизм ҳозир барча ёнғинга қарши курашиш муассасаларида кенг фойдаланилмоқда.

Факультет ўқитувчилар коллективи ўз фаолиятларини КПСС XXVII съезди қарорлари асосида қайта қуришга интилиб, полимер материалларнинг ўтга чидамлилигини ошириш, сув қувурларининг босимдан ёрилиб кетиш хавфининг олдини олиш, заводларда, пахта пунктларида ва хирмонларда пахтани ёнғиндан муҳофаза қилишнинг самарали усулларини қидириб топиш каби муҳим масалалар устида изчил текшириш ва тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Масалан, коллективимиз томонидан ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ қилинган қўшимча сув насос станцияларида қайтарма клапанларнинг босқичма-босқич жорий этилиши ҳисобига бир йилда 300 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилмоқда.

Ўқитувчи олимларимиз Москва, Ленинград, Киев, Рига каби марказий шаҳарлардаги етакчи олий ўқув юртларининг коллективлари билан мунтазам илмий мулоқотда бўлиб турибдилар. М. Х. Маҳмудов, Б. З. Шатохин, А. В. Горчинский, А. Ю. Биковцов, Р. Н. Ширяева, Н. П. Филипов, В. И. Пешеходко, В. И. Банников сингари маҳоратли ўқитувчиларимиз курсантларга ёнғинга қарши курашиш техникасини ўргатишда, уларда жисмоний бардош ва чаққонлик фазилатларини тарбиялашда алоҳида жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

Ёнғинга қарши курашишдек масъулиятли ишда кишининг жисмоний чиниққан бўлиши асосий омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли биз курсантларимизнинг спорт ва физкультура билан оммавий равишда мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Курсантлар турли спорт тўгаракларида фаол қатнашмоқдалар. Улар билан спорт ва физкультура машғулотларини баскетбол бўйича Европа чемпиони, фан кандидати Г. Е. Авдеев, отиш бўйича СССР Ички ишлар министрлиги чемпиони И. Ю. Абросимов, спортнинг бошқа турлари бўйича СССР терма командаларининг аъзолари С. М. Ананьев, В. И. Пешеходко сингари таниқли спортчи-педагоглар ўтказмоқдалар.

КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди қарорларида қўйилган талаблар нуқтаи назаридан ёнғинга қарши курашиш муассасаларининг ишига танқидий кўз билан қарайдиган бўлсак, биз ёнғинга қарши курашиш ва унинг олдини олишда ишлатиладиган техника воситаларини янада такомиллаштириш жуда зарурлигини ҳис этамиз. Маълумки, ҳозир шаҳарларда кўп қаватли — 10, 15 ва ҳатто 20 қаватли бинолар қурилмоқда. Кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларида ёнғин юз берган ҳолларда ўт ўчирувчилар учун ёнғинга қарши курашиш механизмлари (масалан, юқорига олиб чиқадиган) такомиллашмаганидан бирмунча қийинчиликлар туғилмоқда. Демак, ўт ўчириш техникаси ишлаб чиқариладиган ва лойиҳаланадиган муассасаларнинг коллективлари, инженер-мутахассислари ўз фаолиятларини бугунги талаб ва эҳтиёжлар асосида қайта кўриб чиқишлари лозим.


Ёнғинга қарши курашиш техникаси олий инженерлик мактаби Тошкент филиали коллективи Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда ўзларининг куч ва ғайратларини аямайдилар.



Ички хизмат майори Н. П. Филипов ҳисоблаш марказида тингловчилар билан машғулот ўтказмоқда.

Э. Зборовский фотоси

Баҳодир ҚОСИМОВ,
Ёнғинга қарши курашиш техникаси олий инженерлик мактаби Тошкент факультетининг бошлиғи, юридик фанлари кандидати



ДНЕПРДАН СИРДАРЁГАЧА

Совет воқелигининг ўзига хос бир фазилати шундаки, кўпмиллатли мамлакатимиз халқлари ҳамиша бир жону бир тан бўлиб яшайдилар. Бир халқнинг шоири барча қардош совет халқларини ўз онасидек севади. Украин шоири Микола Нагнибеда (1911—1985) ҳам ана шундай интернационал шоир эди.

У: «Мен инсон қалбини сўз билан, лекин оловдан ҳам кучлироқ ёқа оламан», деб ёзган эди. Бу муқаддас олов — шеърият, эзгулик олови, албатта. Шеърият эса доимо замона билан ҳамнафас, ҳамқадам. Бадиий сўзнинг қудрати ҳам ана шу замонавийлик, ҳақиқатгўйлик, гражданликдадир. Микола Нагнибеданинг бутун ижодини яхлит тарзда тасаввур қилар эканмиз, унинг поэзияси бу фазилатларни ўзида мужассам этганлигини кўрамиз. Унинг асарларида меҳнат кишисининг гўзаллиги, буюдкорлиги, мамлакатимиз халқларининг доҳиймиз В. И. Ленинга, Коммунистик партияга бўлган самимий муҳаббати ёркин тарзда ифодаланган.

М. Нагнибеданинг самарали ижодий фаолиятини партия, ҳукуматимиз муносиб қадрладилар. Бу таниқли шоир СССР Давлат мукофоти, Т. Г. Шевченко номидаги Украина ССР Давлат мукофоти лауреати эди.

Совет халқларининг бузилмас дўстлиги украин шоири учун бир умрлик илҳом манбаи бўлди. У кўпмиллатли Ватанимиз барча халқлари ва элатларини ўз шеърлари, балладалари, достонларида шарафлади, совет кишисини ўз ижодининг бош қаҳрамони деб билди. Бу туйғуни биз шоирнинг Ўзбекистонга бағишланган шеърларида ҳам яққол ҳис этамиз. Гўзал, серқуёш Ўзбекистон тупроғида муҳтарам оқсоқол билан суҳбатлашиб, унинг доно сўзлари мағзини чақар экан, М. Нагнибеда лирик қаҳрамони совет халқларининг қардошлик қудратини яна бир марта теран идрок этади:

Менга мезбон ўзбек тилаб омонлик,
Сўнг дастурхон ёзиб сийлагани он:
— Боғни ҳам чўл қилар, — деди, — ёмонлик,
Яхшилик саҳрони айлар гулистон.

Шу гапни айтдию, ёришди юзи,
Дераза ёнига чорлади ёна:
Мен учун кашф этди донишманд ўзи —
Буюк қардошликни: номи — Фарғона...

Бу мисраларни битган шоир тирик бўлганида, ҳозир 75 ёшга тўлган бўлар эди. Аммо, умид қиламизки, тинчликни, қардошликни куйлаган шоирнинг номи унутилмайди. Микола Нагнибеданинг гўзал шеърлари ҳамиша янграйверади.

Днепрдан Сирдарёгача бўлган дўстлик йўлини шоир Нагнибеда қўшиқлари ҳам яқин қилади, Украина ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат этади. Барҳаёт украин шоирининг номини унинг ўзбек ҳамкасб дўстлари ва ўқувчилари ҳам асло ёддан чиқармайдилар.

Мария НАГНИБЕДА-ПАДАЛКО

Киев

АФРИКА МАУГЛИСИ

Бундан бир неча йил муқаддам Уганда мамлакатининг заҳкаш ўрмонларидан ёввойилашган бир бола топиб олинди. Врачлар чиқарган хулосага кўра, бу бола ана шу ўрмонларда бир неча йил яшаган. Боланинг исмини Роберт деб атадилар. Роберт тахминан етти ёшда; у тўрт ёшида ўрмонга адашиб кетган. Топиб олинганидан кейинги ўн ой давомида бирорта ҳам сўзни талаффуз этмаган.

Ҳозирги пайтда Роберт Кампаладаги давлат болалар уйида ҳаёт кечирмоқда. У ҳар замонда гиёҳларни, новдаларни чайнаб қўяди. Боланинг юзлари қорайиб кетган, бадан терилари ғоят хунуклашиб, қўполлашгани кўзга ташланади. Тўғри юриш, қоматни тик тутиш ёки мўътадил ўтириш унинг учун қийин. Оёқларини қийшайтириб, гавдани эгиб туриш унинг учун энг қулай ҳолатдир. Тахминларга кўра, болани гўдаклигида, ўрмон ҳайвонлари олиб қочишган. Бола бамисоли Ридьярд Киплинг қиссасининг қаҳрамони сингари ҳайвонлар орасида бир неча йил яшаган.

Кичкина Роберт ўзини ўргатиш учун кийим кийдирганларида ечиб ташлайверади, ҳамиша йиғлагандек мунгли овоз билан инграйди, бошқа болаларга ва болалар уйининг хизматчиларига эътибор ҳам бермайди. Болалар унинг ювинишига, кийим кийишига кўмаклашадилар. Роберт одатдаги овқат-таомларга унча аҳамият бермайди, фақат мева-чева, сабзавот ва жўхори бўтқа истеъмол этади. Бундан бирмунча муддат муқаддам у ўпка шамоллаши касаллигининг оғир шаклини кечирди. Бироқ унинг организми кучли экан, шу боисдан касалликка яхши бардош берди — соғайиб кетди. Бугунги кунда мутахассислар бу боланинг одамлар орасида яшай олиши ҳақида бир нима дейишга қийналмоқдалар. Врачларнинг муттасил олиб бораётган муолажаю тадбирларига қарамасдан ҳозирча боланинг ҳолатида, хатти-ҳаракатида умидлантирувчи ўзгаришлар содир бўлмаётир.

САККИЗ ТОННАЛИК ОЛМОС

Бразилиянинг Минас-Жерайс штатидаги Карай деган жойдан баландлиги 2 метр, эни 1,8 метр ва ҳажми 5 тоннадан 8 тоннагача бўлган улкан топаз (олмоснинг бир тури) топилди. Кончилар бу бебаҳо тошни яхлит кўтариб олиш учун 80 метр чуқурликда тоннел ковладилар. Олмос қидирувчилар миллий касаба союзининг ижрочи котиби Алмир Батиста ди Соуза: топилган қимматбаҳо тош (топаз) оқ рангдаги шундай минералларнинг бебаҳоси деб айтди. Шу турдаги қимматли тошга шакл берилганидан кейин у лазер нурлари билан зарбаланади. Шундан сўнг у денгиз тўлқинларидек шаффоф яшил рангга эга бўлади. Мазкур йирик топилма 15—20 миллион доллар атрофида баҳоланмоқда.

ҚАДИМГИ ҚУШ

АҚШнинг Техас штатидаги Пост шаҳарчасида бундан 225 миллион йил илгари яшаган қушнинг қолдиғи топилганини «Нью-Йорк таймс» газетаси хабар қилди.

Техас университетининг палеонтология экспедицияси қатнашчилари парранда қолдиғини чўкма жинслар орасидан топдилар. Қолдиқларни пухта ўрганиш асосида қушнинг ташқи қиёфаси тикланди. У нимаси биландир қаргани эслатарди. Топилма қушга «протоавис», яъни «тўнғич қуш» деб ном беришди.

Экспедиция раҳбари, университет профессори С. Чаттержи мазкур топилма қушлар эволюцияси назариясига тубдан ўзгариш киритиши мумкин, деган фикрда. Ахир, ҳозирги вақтда палеонтолог олимлар археоптерикс давридаги қадимги қушни бундан 150 миллион йил илгари яшаган, деб ҳисоблаб келмоқдалар.

Профессор Чаттержининг кўпгина ҳамкасблари унинг топилмасига жуда қизиқиб қарамоқдалар. Бироқ уларнинг орасида топилма парранданинг энг қадимий эканлигига иккиланиб қараётганлар ҳам бор. Масалан, Коннектикут штатидаги Йэль университетининг палеонтология бўйича профессори Ж. Остром: «Топилма қолдиқлари жуда майда элемент. Тўғри, булар қадимги қуш қолдиқларига ўхшайди. Лекин мен бунга юз фоиз ишона олмайман. Албатта, баъзи қушлар археоптерикс даврига ҳам яшаган бўлиши мумкин. Бироқ 75 миллион йил фарқ бўлишига ақлим бовар қилмайди», деди.

Топилма қуш қолдиғи энг қадимийми? Буни кейинги тадқиқотлар кўрсатади.

Бир жанг тарихи

Вали ҒАФУРОВ

Воқеий ҳикоя

Бу воқеа 1942 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган эди. Ростов-Дон фронтидаги танк қўшилмаларининг 5-Армиясини Ставка жангдан олиб Сталинград мудофаасиға ташлашга буйруқ берди. Яқиндагина ташкил топган бизнинг 534-полкимизга 5-Армияни душман ҳужумидан мудофаа қилиб бориш топширилган эди. Армия юришига параллел йўл босмоқдамиз. Бундан хабар топган душман қўшинлари йўлимизга катта куч ташлаб, Сталинградга келаётган қўшинни кучсизлантириш учун жон-жаҳди билан жанг қиларди. Йўл ниҳоятда хавфли, ердаги каламушлар камлик қилгандек қирувчи ва бомбардимончи самолётлар ҳам тепамиздан ҳужумга ўтиб, тез-тез бизга ажал ўқи ёғдириб туришарди. Қуёш ботиб, туннинг қора чойшаби қалинлашгач, дам олиш учун тўхтадик. Ҳаво совуқ. 7 ноябрга ўтар кечаси ёққан қалин қорнинг игна каби баданга санчилувчи совуқ заҳри Россия бўйлаб ҳукмрон. Фуфайка билан пахтали шим устидан шинель кийиб олганимизга қарамай, баданларимиз жунжикади. Доим ҳаракат қилиб турмасак, оёқ-қўлларимиз совуқдан қотиб, тишимиз тишимизга тегмай такиллашга тушади. Машина тўхташи билан, биз, батарея расчетидаги жангчилар «виллис»дан сакраб тушдик-да, бир-биримиз билан худди ёқалашаётгандек олиша кетдик. Чопиб келиб, елкани елкага уриб, бир-биримизни қорга агдарамиз, кураш тушамиз, шундай қилиб танимизни иситамиз, йўқса, совуқ енгиб қўйиши табиий эди. Шу пайт батальон командири старший лейтенант Подимоцкий бизга яқинлашиб тўхтади-да, бироз томоша қилгандек бўлди. Сўнгра овозини кўтармай: «Балли, азаматлар! Бу яхши, лекин ҳандақ қазисанглар бундан ҳам яхши бўларди. Биз шу ерда тунаймиз», — деди.

Ишга тушиб кетдик. Кўп уриндик, терлаб кетиб устимиздаги шинелимизни ҳам ечиб ташладик. Лекин ўзимизга ҳандақ қазишнинг иложи бўлмади. Ер бети қалин музлаганди, белкурак эса ўтмасди. Белкурак ерга ботмай, бетонга урилаётгандек жаранглаб овоз чиқаради, холос. Бир соатлар чамаси қилган меҳнатимиз зое кетди. Шунда взвод командири лейтенант Баринов биринчи буйруқни ўзгартирди. «Бас қилинглар, жангчилар, бир иш чиқмайдиганга ўхшайди. Яхшиси, — у қўли билан йўлнинг чап томонини кўрсатиб, — 200 метрча юрсаларинг, усти похол билан ёпилган ёлғиз уй бор, ўша уйда дам олиб келинглар, қани, ўртоқ Жалолов, бошла дўстларингни!» — деди. Мен расчетимдаги Аҳмедов Нуриддинни пушкамиз ёнида қолдириб, қолган жангчиларни бошлаб кетдим. Четан билан ўралган ҳовлига яқинлашиб, атрофга назар ташладик. Ҳамма ёқ жимжит. Эҳтиёткорлик фронтда ҳаводек зарур. Ичкари сув қуйгандек жимжит бўлишига қарамай, панада ётиб, кузатишни давом эттирдик. Ҳеч қандай шарпа сезилмагач, йигитларни қолдириб, четан девордан ошиб ўтдим. Уйга етиб бориб, эшикни тортдим. Очилмади... Демак, кимдир бор, ичкаридан занжирлаб олган. Қўлимни мушт қилиб эшикни ура бошладим. Шу вақтда ҳовлининг у четидаги похол гарамидан тариллаган автомат овози эшитилди. Бир неча ўқ атрофимдан чийиллаб ўтиб, уй эшиги билан деворларига михланди. Зўрға қочиб қутулдим. Жангчиларимни бошлаб орқага қайтдим. Лейтенант Баринов пушкамиз олдида турган экан. У душман эгаллаган уйга ўқ узишимизни буюрди. Тўпни тахминан уйга тўғрилаб, иккита ўқ уздим. Снаряднинг биттаси мўлжалга тегди. Уй қарсиллаганича қулаб, ёнғин кўтарилди. Немис жангчилари билан отишма бошланиб кетди. Биз кўпчилик эдик. Қўшни батарея жангчилари ёрдамга келишиб, немисларни ўраб олишди. Жанг узоқ давом этмади. Душманнинг иккита жангчиси асир олиниб, қолганлари қириб ташланди.

Асирларнинг айтишига қараганда, улар 5-танк армиясининг йўлини тўсиб чиқиш учун келаётган немис қўшинларининг разведкачилари экан. Бу хабар шу тундаёқ Армия штабига маълум қилинди. Яна йўлга тушдик. Чир дарёсига яқинлашгунимизга қадар душман билан бир неча бор тўқнашишга тўғри келди. Улар энди фақат пиёда қисмларини эмас, ўнлаб танкларни ҳам бизга қарши ташлаётган эди. Азамат пушкаларимиз немис танкларини яқинлашишга қўймасди. Отишма даврида ё ишдан чиқиб ёнбошлаб қоларди, ё алангаси кўкка чирмаб ёниб кетарди. Чир дарёсига етиб келгунимизга қадар полкимиз ўнга яқин батарея ҳамда «виллис» машинасидан маҳрум бўлди. Колоннанинг олди дарёдан ўта бошлади. Бу вақтда биз йўлимизни тўсиб чиққан душман кучларини яқин келтирмай, жангни давом эттириб турдик. Гал бизнинг батареямизга етиб келди. «Виллис» пушкамизни аста судраб қирғоққа яқинлашди. Дарёнинг эни 40—50 метрдан ошмас эди. Дарё юзасини қоплаб ётган муз устига машинамиз тушиши билан батарея жангчилари душман билан олишувни тўхтатишиб, «виллис»га чиқиб ўтиришди. Худди шу вақтда душманнинг «Хенкель» маркали тўққизта бомбардимончи самолёти билан ўнга яқин қирувчи самолёти тепамизда пайдо бўлишди. Улар дарёнинг у томонига ўтиб олган батареяларимизни бомбардимон қилишга тушди. Қирувчи самолётлари эса, дам ерга шўнғиб бизни ўққа тутарди, дам бомбардимончи самолётларга қарши ҳужумга келган бизнинг қирувчи самолётларимиз билан жанг қиларди. Ана шундай хавф-хатар остида дарёдан ўтишга киришдик. Машинамиз қирғоққа 5 метрча қолганида муз қарсиллаб синди. Чўка бошладик. Муз биздан илгари ўтиб кетган батареялар оғирлигига бардош беролмай, афтидан, дарз кетиб ёрилган бўлса керак. «Виллис» машинамиз ҳам, замбарагимиз ҳам сув ичида қолди. Усти-бошимиз билан яхлаб ётган муздек сув ичида қолган биз жангчилар бир амаллаб қирғоққа чиқиб олдик. Комбат Подимоцкий қаёқдандир пайдо бўлиб, тўхтамай югуришга, бир-биримиз билан олишишга буюрди, хуллас, бир нафас ҳам ҳаракатсиз турмаслигимизни таъкидлади-да, узоқлашди.

Ҳаракат қилиш қийин эди. Устимиздаги шинелимиз билан фуфайка ҳамда пахтали шимларимиз шам мойидек қотиб қолганди. Юрганимизда шалдирайди. Аммо танимизга ҳарорат йиғиб олдик. Ҳар гал қирғоққа яқинлашганимизда тумшуғини сувдан чиқариб турган тўпимизга кўзимиз тушади, юрагимиз ачиб бир оз тикилиб турамиз-да, яна югуриб кетамиз.

Бир гал мен қирғоқ яқинига келиб, тўпимиздан кўзимни узмай тикилиб турганимда, комбат Подимоцкий яна пайдо бўлди. Қўлида сафар халта тўла оғир юк. У юкни ерга қўйди-да, осмонда душман самолётлари изғишиб бомба ва ўқ ёғдиришларига қарамай, сувга ботган батарея расчетидагиларни чақирди. Жангчилар етиб келишгач, ҳаммамизга ярим литрданароқ ва газак тутқазиб ичишга ундади, ҳар бир жангчи идишдагиароқни батамом ичиб тугатмагунча ёнидан жилмади. Мен идишни зўрға бўшатдим. Музлаб қолган эканман.

Бироздан кейин қўлим билан юзларимга жон кирди. Биз шунда ҳам ҳаракатдан тўхтамай, жойимизда туриб югурардик, сакрардик. Нигоҳимизни сувга ботган қуролимиз тортарди. Ахир, қанчадан-қанча жангларда биз билан бирга фашист галаларини ер тишлатган жанговар дўстимиз сув ичида қолиб кетаверадими?! Қуёшнинг нимжон нурида ялтираб товланаётган стволи гўё бизга умидсиз қўлини чўзаётгандек туюлди.

— Йўқ, сени қолдириб кетмаймиз, — бу нидо кўкрагимдан отилиб чиққандек бўлди. Батарея командири Подимоцкий сезди, у ҳам сув ичидан тумшуғи чиқиб турган тўпдан кўзини узмай, «виллис» шофёри Бессоновни туртиб:

— Машинангни келтир! — деб буйруқ берди-да, менга қаради. — Сержант Жалолов, қани сувга туш, садоқатли дўстимизни қутқариб оламиз!

Россия қишида музлаб ётган сувга қайта тушиш... Лекин илож қанча. Вазият шуни талаб этарди. Енгилроқ ҳаракат қилиш учун шинелим билан фуфайкамни ечиб ташладим. Бессонов «виллис»ни орқаси билан юргизиб келиб сувга туширди. Қиш кезларида машина баллонларига боғлаб қўйиладиган занжирни олиб мен ҳам сувга тушдим. Муз парчаларини итариб ўзимга йўл очиб, «виллис»нинг орқасига ўтдим. Икки марта шўнғишда занжирнинг бир учини биринчи «виллис»га, иккинчи учини иккинчи «виллис»га уладим. Бессонов машинани ҳаракатга келтирди. «Виллис» ҳарчанд ўкириб олдинга сапчимасин,тортиб чиқаришга кучи етмади. Қирғоқда бизни кузатиб турган Подимоцкийнинг буйруғи эшитилди:

— Жалолов, замбаракни «виллис»дан ажратиб ташла!

Бу вақтда мен ҳолдан кетиб, ўзимни зўрға ушлаб турардим. Ростини айтганда, буйруқни бажаришга менда заррача куч қолмаганди. Совуқ жон-жонимдан ўтиб, суякларим қақшарди. Номус ўлимдан кучли эканлигини шунда билдим. Яна муздек сувга шўнғиб, «виллис»ни тўпдан ажратиб ташладим. Бессонов тортиб чиққан машинани қирғоқда қолдириб, тўп ёнига етиб келгунимча бўларим бўлди. Оёқ-қўлларим гўё акашак бўлиб, ҳаракат қилишдан тўхтаб қолаётгандек туюлди. Тишим тишимга тегмай қалтирайман. Машина яқинлашиб келгач, шофёр Бессонов тутқазган қалин қайишни қўлимга олдим. Унинг бир учи «виллис»нинг орқасига боғлаб қўйилган эди. «Виллис»ни судраб чиққан занжир калталигидан замбарак илгагига етмас эди. Подимоцкий буни илгарироқ пайқаб, қайиш келтириб қўйган экан. Сувга шўнғиб, қайишнинг иккинчи учини тўпга уладим. Бор кучимни тўплаб, яна сувга шўнғидим. Яхшиямки, замбаракнинг илгаги кўлимга тушиб қолди, акс ҳолда иккинчи марта шўнғишга ҳолим йўқ эди.



Ш. СЕИТУМЕРОВ. ДОЛЗАРБ ПАЛЛА.

Меҳнатнинг таги роҳат.

М. Пенсон фотоэтюди



Тоҳириддин Мамадалиев — Избоскан районидаги Мичурин номли боғдорчилик совхози бош агрономи.

«Шарқ» навли шафтолилар болдан ширин...

А. Киршин фотолари



РАССОМ МУБОРАК ЙЎЛДОШЕВ АСАРЛАРИДАН



ОҚ ОЛТИН ХИРМОН-ХИРМОН.



ДАРЁ.



ЧЎҚҚИЛАРДА ҚОР...



СЎҚМОҚЛАР.



Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афшона қишлоғи.

М. Пенсон фотоси

Батареямизни сувдан тортиб чиқариб олдик. Бу вақтда дарёнинг иккинчи томони ҳақиқий жанг майдонига айланган эди. Осмонда икки томоннинг самолётлари яна кўпайган, даштнинг ичкарисидан ҳужумга ўтган немис солдатлари тўхтовсиз ўт очиб келишмоқда. Полкимиз жангчилари 37 ммли тўпларни ишга солиб, душманни тўхтатишга ҳаракат қилишар, батареяларимиздан учиб чиқаётган снарядлар душман бостириб келаётган майдонда портлар эди. Немис босқинчиларининг сони борган сари сийраклашиб қолаётганига қарамай, ҳамон бостириб келишарди. Чап ва ўнг қанотларда уларнинг танклари пайдо бўлди. Тўрттаси пиёда аскарлар олдига ўтиб, бало-қазодек ўрмалай бошлади.

Мен батальон командири сувдан чиққунимга қадар қаёқдандир топиб қирғоқда қолдириб кетган қуп-қуруқ фуфайка билан пахтали шимни кийдим. Олдин болдиримга ўралган обмоткани, кейин америка ботинкасини ечиб ташлаб, ҳали тутилмаган паҳмоқ пайтавани оёғимга ўраб, ўзимизнинг солдатча этикни кийиб олдим. Подимоқкийга балли. У қуп-қуруқ қишки қалпоқ билан жун қўлқоп ҳам қолдириб кетган экан. Муалаб ётган шинелни энди кийишга тутинганимда, расчетимизнинг жангчиси Абдулаҳатов Абдусамад югуриб келди-да, устимга шинель ташлади. Шинелни олмай, ўзига қайтардим. У рад этди. Талашиб-тортишиб ўтиришга фурсат йўқ эди. Душман яқинлашиб келмоқда эди. Тезроқ замбаракни «виллис»га улаб, қулайроқ жойга олиб чиқиш ва ҳужумга киришиш керак эди. Бундан сал наридаги замбарак расчетидагиларга бир йўла команда бериб турган лейтенант Баринов югуриб келди-да, шошилинч буйруқ берди: «Сержант Жалолов, зудлик билан тепаликда ўт очиш нуқтаси эгаллансин».

Абдулаҳатов Абдусамад икковимиз замбарагимиз илгагини кўтариб «виллис»га улаётганимизда, душман томонидан отилган снаряд орамиздаги торгина масофадан ўтиб, «виллис» орқасида илиғлиқ турган челакни юлиб кетди. Тасодиф икковимизни ўлимдан олиб қолди. Иккаламиз яна жангга киришиб кетдик.

Батареяларимиз тортаётган наъраю кетма-кет ёрилаётган снарядлар душманни шаштидан туширди. Қирувчи самолётларимиз душман калхатларини жанг майдони устидан қувиб юборди. Сталинградга йўл олган 5-танк армиясини кучсизлантириш учун жангга ташланган душманнинг бу тўдаси ҳам кучсизланиб орқага қайтди.

Шу куни биз ҳам анчагина жанговар дўстларимиздан, қуролларимиздан ажралдик. Абдулаҳатов Абдусамад ҳам ушбу жангда ҳалок бўлди. Биз уни Чир дарёсининг қирғоғида бомбалар портлашидан ҳосил бўлган чуқурга дафн этдик.

Кеч кириб, қоронғулик тушганда, дам олишга буйруқ олдик. Шундагина сувга ботган батарея расчетидагилар печи бутун қолган бир уйни топиб, усти-бошларини қуритишга вақт топишди.

Редакция почтасидан

БОҒБОН

Ўттиз йилдан кўпроқ чўпонлик қилган Соат ака Ирисбоев бир куни совхоз директори ҳузурига кириб, энди пенсияга чиқмоқчи эканини айтди. Ҳар йили планни ва социалистик мажбуриятни ошиғи билан ўринлатиб келаётган тажрибали чўпоннинг бу илтимоси совхоз директорини ҳайратлантирди. Бироқ чўпоннинг раъйини кўриб, қарорининг қатъийлигига ишонч ҳосил қилди.

— Қўшимча ёрдам берамиз, сиз маслаҳатгўй, мураббий бўласиз, — деди директор синовчан тикилиб.

— Коллективдан ажралгим келмайди, ука. Лекин нима қилай: кўкрагимда қолган осколка парчаси бутун аъзои баданимни зирқиратгани-зирқиратган.

Бу гапдан директор яна ҳайратга тушди. Наҳотки, Соат ака билан шунча йил ишлашиб, унинг уруш қатнашчиси эканлигини билмаса. У ўзини койиди. «Биз ишга берилиб кетиб, планнинг орқасидан қувиб, одамларни унутиб қўймаяпмизмикин?»

— Ҳа, икки марта яраланганман. Иккинчи группа...

...Соат ака боқимидаги қўйларини санаб топширди. Сўнгра елкасига чакмонини ташлади-да, Ғубдин қишлоғига йўл олди. Йўл тоғ ён бағирларидан ўтарди. Саратоннинг жазирамасидан унинг лаблари қуруқшади. Даралар орасидаги қадрдон чашма томон бурилди. Бу ерларни яна қачон қайтиб кўради-ю... Баҳорда барқ урган турфа кўкатларнинг жизғинаги чиққан. Фақат чашма атрофигина кўм-кўк.

Соат ака ер бағридан қуббақуббa бўлиб отилиб чиқаётган булоқ сувидан ҳовучлаб тўйгунча ичди, вужудига ҳаловат, тетиклик югурди. У булоқбошидан қайтар экан, шунча сувнинг бекорга тошлар орасига сингиб кетаётганини ўйлади-да, тинчини йўқотди. «Энди оёқни узатиб ётадиган пайт келди», деган хаёлларидан ўзи ҳам ийманиб кетди. «Йўқ, мен ҳали одамларга керак бўламан, чўпонликка ярамай қолган бўлсам, бошқа ишларни эпларман». Соат аканинг қалби дара орасидаги булоқларнинг сувини тўплаш, ниҳол экиб боғ яратиш ишқи билан тепа бошлади. Илгарилари бу ерлар боғ бўлган. Ана, ҳали ҳам яккамдуккам жойларда уларнинг қолдиқлари: тош орасида чирмашиб ётган токлар, садакайрагочлар, тутлар... Ғубдин тоғларини яна бир марта қор босди. Лекин Соат акани боғ яратиш ҳақидаги ўй тарк этмади. У қадрдон «Ғаллаорол» совхозининг маъмуриятига учрашиб, фикрини айтди.

— Биздан нима ёрдам зарур бўлса, бажо келтиришга ҳаракат қиламан. Раҳмат, отахон, саховатли ишга қўл урибсиз. Боғ қилганнинг умри боқий бўлади, — дейишди идорадагилар.

Эрта баҳорда Ғубдинсойнинг бағрида тракторлар гуриллай бошлади. Қия, эниш, суғорилиши қийин бўлган жойлар терраса усулида тайёрланди. Ниҳолларни суғориш учун булоқларнинг суви иккита қўлбола ҳовузга қуйиладиган бўлди. Сув 2—3 кун йиғилади. Сўнг расамадига қараб ниҳоллар тагига қуйилади. Соат аканинг бу ташаббусига дастлаб Ломоносов номли мактаб ўқувчилари «лаббай» деб жавоб беришди. Уларнинг айниқса, кўчат ўтқазишда ёрдамлари катта бўлди.

Ишнинг асосий қисми олдинда экан. Ер ҳайдаган, ниҳол экқан билан боғ бўлавермас экан. Соат аканинг айтишича, ниҳол бола бўлса, боғбон она бўлиб, беҳаловат яшаши керак.

Мана, орадан тўрт йил ўтди. Бугунги кунда Соат ака яратаётган 10 гектар ер «ям-яшил олам»га айланган. Енғоқлар, ўрик, олмалар, писта-бодомлар саратонда ҳам енгил чайқалиб, киши кўнглига ҳузур бағишлайди.

Соат аканинг боғи кўриқхонага ўхшаб кетади. Кийик ўти, анзур пиёзи, Қизил китобга киритилган анвойи гуллар, гиёҳлар инсон ардоғида. Уларга гард юқтирмай келаётган Соат ака ўз меҳнатидан мамнун.

Унга бу хайрли ишда ўғли, табиат шайдоси — педагог Эсон, келини Улбусин яқиндан кўмаклашаяптилар. Ўқувчилар ҳам боққа тез-тез келишиб, ўсимлик олами билан танишадилар, отахонга ёрдам берадилар.

Ўн нафар фарзандининг отаси Соат ака Ирисбоев 65 баҳорни қаршилаяпти. У ўзи туғилиб ўсган совхоз чорвачилигини ривожлантиришдаги ишлари учун «Меҳнат ветерани» деган шарафли номга сазовор бўлди. Жангу жадалларда кўрсатган жасорати учун жанговар медаллар ҳамда I даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени билан тақдирланган. Бу камтарин инсон эндиликда ўзи яратган боғнинг одамлар дилига қувонч, дастурхонларга қут бағишлашини жуда-жуда истайди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

МЕЪЁРИДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

Бақаларнинг назоратсиз, меъёридан ортиқча ов қилиниши баъзи Осиё мамлакатларида экологик муаммони туғдирмоқда. Бақанинг панжали оёқлари гурманлар учун энг тотимли еймлик ҳисобланганидан биргина ўтган йилнинг ўзида Ҳиндистон ва Бангладешдан АҚШга, Австралияга ва Ғарбий Европага 150 миллиондан ортиқ бақа ташиб кетилди. Бу бақалар тирик бўлганида улар ҳар куни миллиардлаб пашшага ва бошқа хил зараркунандаларга қирғин келтирган бўларди. Ҳозир Осиёдаги мазкур мамлакатларда турли зараркунандаларнинг кўпайиб кетиши юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш хавфини ҳамда қишлоқ хўжалигида жиддий муаммоларни туғдирмоқда.



Шерқўзи Абдуқодиров Фрунзе районидаги Карл Маркс номли колхозда соғувчи бўлиб ишламоқда.

В. Мосин фотоси

БУЮК МЎЪЖИЗА МУҲОФАЗАСИ

Табиатни ифтихор билан онага қиёслаймиз. Унинг мусаффо ҳавосидан, шаффоф сувидан симириб, мўъжизакор манзарасидан завқланиб вояга етамиз. Бу жараён авлоддан авлодга ўтиб келади. Инсон йўққи, табиат гўзаллиги олдида лол қолмаган бўлса. Табиат инсонни тўйинтиради, кийинтиради. Маънавий дунёсини ёритади, кишида меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади.

Тафаккур олами кенгайган, фан-техника тараққиёти жадаллашган сари инсоннинг табиат неъматларига бўлаётган муносабати ҳам ўзгариб бораяпти. Турмушимиздаги мана шу миқдор ва сифат ўзгаришлари табиатни муҳофаза қилиш вазифасини кескин кун тартибига қўйди.

Ҳозир Иттифоқимизда 450 дан зиёд шаҳар, 1 минг 900 та сунъий сув иншооти, ички ва ташқи дарёлар, ўрмон ва воҳалар давлат назоратига олинган. Улар табиат бойлиги сифатида кўз қорачиғидек асралмоқда. Бу соҳада талайгина ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Шу ютуқ ва камчиликларнинг объектив ва субъектив сабаблари КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида умумлаштирилди, чуқур таҳлил қилиб берилди, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ўртага ташланди. Табиатга кўр-кўрона эмас, онгли муносабатда бўлиш зарурати алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Партия XXVII съездига қилинган Сиёсий докладда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев: «Табиатни муҳофаза қилиш ишида фан-техника ютуқларидан йўл қўйиб бўлмас даражада суст фойдаланилмоқда. Янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турганларини реконструкция қилиш лойиҳаларига ҳали ҳам эскириб қолган ечимлар асос қилиб олинмоқда, чиқитсиз ва кам чиқиндили технология жараёнлари суст жорий этилмоқда. Фойдали қазилмаларни қайта ишлашда қазиб олинаётган нормаларнинг аксарият кўпчилиги чиқитга кетиб, теварак муҳитни ифлослантирмоқда. Бу борада иқтисодий, ҳуқуқий, тарбиявий характердаги янада қатъийроқ чоратадбирларни кўрмоқ зарур. Биз, ҳозирги даврда яшаб турувчилар табиат учун авлодлар олдида, тарих олдида жавобгармиз», деб жуда тўғри таъкидлади.

Табиатни қонун билан муҳофазалаган бўлсак ҳам, унга нисбатан қилинаётган кўнгилсиз воқеаларга дуч келаяпмиз. Сув ва ҳавонинг ифлослантирилиши тупроқ таркибининг ўзгариб кетишига олиб келмоқда, ёввойи ҳайвонлар қирилиб кетаяпти, ўрмонларда дарахтлар беаёв кесиб юборилмоқда. Бу, энг аввало, қонунга зид бўлган жиноятлардир. Масалан, Андижон Гидролиз заводида, Андижон нефть конида, Андижон Ип-газлама комбинатининг бир қатор филиалларида ва паррандачилик фабрикасида тозалаш иншоотлари жиддий камчиликлар билан қурилган. Ильичевск ғишт заводида, Марҳамат ва Чинобод ип-йигирувтикув фабрикаларида, Андижон Ёғ-мой комбинатида ана шундай нуқсонлар туфайли атроф-муҳитга келтирилган зарар учун 1985 йил областда 105 кишига 5230 сўм жарима солинди, 26 мансабдор шахс мукофот пулидан маҳрум қилинди, Қорадарёнинг ифлосланишига йўл қўйганлиги учун «Андижоннефть» корхонасидан 22770 сўм, ёғ-мой комбинатидан 22267 сўм жарима ундириб олинди.

Атроф-муҳит муҳофазасини янада яхшилаш учун давлат назоратини қандай тартибда амалга ошириш керак? Биринчи навбатда халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ва кўрсатма берувчи идоралари, шунингдек, давлат муассасалари томонидан бу ишни бажаришга вакил қилинган масъул шахслар орқали бажарилади. Демак, барча министрликлар, тармоқлар, давлат, кооператив ва жамоат ташкилотлари табиатни муҳофаза қилиш бўйича зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашлари керак.

Табиатнинг ўз мувозанати бор. Унинг бузилиши жамиятга катта зарар келтиради. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги лоқайдлик, айниқса, қишлоқ хўжалигида тез кўзга ташланади. Баҳор, ёз, куз фаслларида дала йўллари четидаги дарахтлар ва экинларни чанг босиб ётади. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда заҳарли химикатларни гоҳ у, гоҳ бу тарзда ишлатиш ҳамон давом этаяпти. Биологик усулни қўллаш ҳақидаги гаплар, қарорлар амалда суст қўлланилаяпти. Баъзи хўжалик раҳбарлари дефолиацияни ОВХ пуркагичлари ёрдамида аҳолидан маълум масофадаги узоқликда ўтказамиз, деб ваъда берадилару муддат етиб келганида ўз билганларидан қолишмайди. Атроф-муҳитни назорат қилиш ташкилотлари эътиборсиз бўлгач, аҳвол шу тарзда давом этаверади.

Бундан йигирма йил аввал қишлоқда оқар сувларни истеъмол қилса бўларди. Ҳозирги кунда бу мутлақо мумкин бўлмай қолди. Негаки, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилган оқава ариқларга, каналларга шарқираб тушиб турибди.

Чорвачилик комплекси ва фермаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва ишлатишда уларнинг экологик таъсири эътиборга олинмаяпти. Ачинарлиси шундаки, ҳозир қонунчиликка зид равишда айрим чорвачилик комплекслари тозалаш ва қайта ишлаш иншоотларисиз ишга туширилмоқда. Мутахассислар иштирокида ўтказилган текширишлардан маълум бўлдики, Андижон областининг Ленин районидаги Ленин номли, «Коммунизм» ва бошқа хўжаликларнинг чорвачилик ҳамда паррандачилик фермаларидан чиққан сизот сувлар канал ва дарёларнинг оқин сувларини муттасил ифлослантириб келган. Бу жойларда тозалаш (зарарсизлантириш) иншоотлари ўрнатилмаган.

Асрлардан бери зилол Шаҳрихонсой, Аравонсой, Қорадарё сувлари эндиликда инсон истеъмолидан чиқиб қолди.

Шу ўринда ўта ташвишли бир кўринишга эътиборни жалб этмоқчимиз: қўриқ Комсомолобод чўллари ўзлаштирила бошланганда «В. И. Ленин 100 йиллиги» ва «Комсомол» совхозлари оралиғида тозалаш иншооти қуришга киришилди. Мана, ўн йилдирки, қурилиш ўқтин-ўқтин давом этиб, тўхтаб қолади. Қурилиш учун ажратилган маблағнинг эндигина салкам ярми ўзлаштирилди. Сарфланган маблағ ҳисобига бажарилган ишлар ҳам ремонталаб. Бепарволикни қарангки, ўн йилдан бери тозалаш ҳавзаси ишга туширилмади.

Атроф-муҳитнинг тозалиги — жамият бойлиги, инсон саломатлиги, ҳуш кайфият ва куч-ғайрат манбаи. Унинг бузилишига йўл қўймаслигимиз керак.

Кейинги вақтда Андижон областида атмосфера тозалигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган беш йилликда ана шу мақсад йўлида кўплаб маблағ сарфланди. Янгидан 60 та газ ва чанг тутгич қурилма ишга туширилди. Мавжуд 100 таси реконструкция қилинди. Ҳаво муҳофазаси билан боғлиқ 80 та тадбир ишлаб чиқилди. Аммо, айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари партия ва совет ташкилотлари томонидан қайта-қайта огоҳлантирилишига, жарималар солинишига қарамасдан тегишли хулоса чиқармаяптилар. Айниқса, саноат марказларида бу ҳол кўпроқ учраяпти. Бунга корхона раҳбарлари, айниқса бу иш билан боғлиқ бўлган ходимлар ўз бурчларига ўта масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Давлат автоинспекциясидаги ўртоқлар эса автокорхоналарнинг ишини қониқарсиз назорат қилаяптилар.

Халқ депутатлари шаҳар, район, қишлоқ Советлари, санитария-эпидемиология станцияси ходимлари, давлат идоралари томонидан вакил қилинган ходимлар ўз бурчларига масъулиятсизлик билан қарашлари оқибатида юқоридаги аҳвол ҳамон ҳукм суриб келмоқда. Қонун бузилишларининг кенг тарқалишига чек қўйиш мақсадида маъмурий жавобгарлик, айрим ҳолларда жиноий жавобгарлик характеридаги чоралар билан мустаҳкамланиши лозим, деб ўйлаймиз.

Табиат муҳофазаси қонунчилиги қўпол равишда бузилиб, жиноий характер касб этган ҳолларда ҳам ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари табиатга озор берувчиларга ортиқча илтифот кўрсатиб, уларни огоҳлантириш ёки жарима солиш билан кифояланмоқдалар.

Табиат — буюк мўъжиза, инсон эса унинг бир бўлагидир. Шу боисдан ҳам инсон табиатни онага қиёслайди. Оналарини ўкситганлар эса бир умр дилозор деган тавқу лаънатга маҳкумдирлар.

Турсунбой МИРЗАЕВ,
Андижон шаҳар прокурори
ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси

Эргашали АБДУЛЛАЕВ

ДЎРМОН КЕЧАЛАРИ


Хумор кечаларда йўқдир кадарим,
Мен бир шайдойи жон, мен бир ҳақ бағир.
Фақат сибизғангиз, чигирткаларим,
Қалбимда бир нафас титрасин, ахир!

Бу мушкин ҳаволар офатмас кимга,
Товланиб турса жон, сукун ҳам малол.
Ёрнинг сочларидек тўлғон қўйнимда,
Боғлар бўсасидан энтиккан шамол.

Қонимда рағбатнинг исёнлари бас,
Лутфигўй боғ аро хурсандлиғ пайтим.
Мен ҳам сибизғамни чалмасам бўлмас,
Менга ҳам ҳайратнинг ўзи етмайди!

Энди ой гапирсин,
Юлдуз гапирсин,
Арғувон гапирсин, навбатлар беринг.
Рангин лаҳзаларнинг сеҳрига кирсин
Настарин Дўрмонни қучоқлаб шеърим...


Кўқон




Шаҳрисабзлик машҳур полвон Эркин Холиқов Испанияда бўлган жаҳон кубоги учун курашда олтин медаль олди. У Ленинградда ўтказилган мусобақаларда Европа чемпиони бўлди. Суратда: Э. Холиқов (чапда) устози Р. Бобоёров ва ёш курашчилар даврасида.

(ЎзТАГ фотохроникаси)

Қурилажак театр



М. Горький театрининг қурилаётган янги биноси (макет).



Бўлажак театр фойеси. Л. Глауберзон фотолари

Редакция почтасидан

ҚИШЛОҚ МУЗЕЙИ

— 1928 йил 8 Март куни эди. Гўё қуёш нури қора булутларни парчалаб юборди. Қишлоқ хотин-қизлари чеҳрасида мунаввар, табаррук ёғду порлади... Паранжи ёпинган 20 нафар хотин-қиз қишлоқ марказига йиғилди. Олов қалбли Офтобхон гулхан ёқди. Унинг шуъласи қора чиммат ичидаги гулгун чеҳраларга самимий илиқлик, журъат ва эркин нафас бахш этди. Комсомол аъзоси Офтобхон Орипова биринчи бўлиб паранжисини оловга итқитди. Ёруғ юз билан Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳурриятни улуғловчи шеърини баланд овоз билан ёддан ўқиди:

Келди очилур чоғинг, ўзлигинг
намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар
томон паришон қил, —

деб тенгқурлари юрагига оташ солди.

Офтобхоннинг бу жасоратидан ибрат олган Зумрад Ашурова, Иқбол Халилова, Тўхта Пирмуҳамедова, Қўйсин Зокирова, Тожи Ашурова, Шарифа Қодирова каби 13 нафар хотин-қиз ўша куни паранжиларини оловга ташладилар. Улар биринчилар қаторида тантанали равишда комсомолга аъзо бўлиб кирдилар...

«Москва» колхозининг Туркманқишлоқда очилган Шоншуҳрат музейи мудираси Зиёда Тоҳированинг ҳикояси кишилар кўз ўнгида ана шу ўтмиш лавҳаларини гавдалантирди.

Бир пайт музей биносига ёши 80 дан ошган бир отахон кириб келди. Мудира уни бизга: «Коллективлаштириш ветерани Кенжа бобо Қудратов, 1916 йилги мардикорликка қарши воқеалар иштирокчиси, 1921 йилдан КПСС аъзоси, қишлоқнинг биринчи коммунисти», деб таништирди. Отахон музейга қўйилган турли экспонатларни қизиқиб томоша қилар экан, Зиёда опага юзланиб деди:

— Қизим, бир вақтлар биз уй-рўзғор ва иш қуроли сифатида ишлатган самовар, мис ва сопол, кўза, бўз тўқув дастгоҳи, чарх, омоч энди музей мулкига айланибди-да. Ҳай-ҳай, қайноқ йиллар эди. Мана, бу сиймони жуда яхши танийман, бирга ишлаганмиз, — деди отахон нуроний чеҳрали суратни кўрсатар экан. — У бу қишлоқда ташкил этилган қалдирғоч «Қизил қўшин» колхозига 1931 йилдан 1945 йилгача раислик қилган эди. Ўрин Жўраев ташкилотчи, тадбиркор раҳбар сифатида хўжаликни оёққа турғазиб, номи эл оғзига тушди.

Сўнг отахон бир зум жим туриб, қалбига муҳрланган хотираларни тилига кўчирди.

— 1935 йили Ватанимиз пойтахти Москвада — Бутуниттифоқ Халқ Хўжалик Ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон ССР бўлимининг очилишига бағишланган тантанага Ўрин Жўраев ҳам таклиф этилди. У ўша ерда кўргазмани очиш лентасини қирқишдек юксак шарафга муяссар бўлган. Ўшанда колхозимиз 50 минг сўм пул билан мукофотланган. Ана шу мукофот пулига идора биноси ва клуб (ҳозирги болалар боғчаси) қурдирганмиз. 1936 йилда ҳам У. Жўраев кўргазмага қатнашиб, Москвага борди ва мукофот пулига колхоз учун 2 та юк автомашинасини олиб қайтгани ҳамон ёдимда...

Ҳа, бугунги ҳаётнинг қадрига етиш учун ўтмишни билиш лозим. Музейнинг тарбиявий хизмати ҳам ана шунда.

Эркин ҲОЖИҚУРБОНОВ

Самарқанд райони



ҲАЙВОНОТ БОҒИДАГИ ҲОДИСА

Бу воқеа Англиянинг Жерси оролидаги ҳайвонот боғида содир бўлди. Беш ёшли Левин Меррет исмли бола ҳайвонларни томоша қилаётиб олти метрли кўтарма баландликдан ичкарига — Жамбо лақабли ҳайбатли горилла маймуни олдига йиқилиб тушди. Боланинг ота-онаси чўчиб кетдилар. 159 килограммли горилла эса боланинг олдига чопиб келиб, уни авайлаб ҳидлаб кўрди, кейин елкасига қоқиб, болани қўриқлагандек ёнида турди. Ҳайвонот боғининг ходимлари келишиб, болани тўсиқ ичидан чиқариб олгунча шу ҳолат давом этди.

ЭНГ ЙИРИК ДИНОЗАВР

Ҳозиргача фанга номаълум бўлган қадимий ўтхўр динозаврни америкалик палеонтологлар «сейсмозавр» деб атадилар. Бу сўз «ерни титратувчи» деган маънони билдиради. Шундан ҳам билиш мумкинки, палеонтологларнинг янги топилмаси қачонлардир Ер юзида яшаган динозаврларнинг энг йириги бўлса, ажаб эмас. Бу қадимий жонивор думининг саккиз бўғимдан иборат думғаза суяги Нью-Мексико штатида олиб борилган қазилмалар пайтида юра қатламларидан топилди. Топилманинг ёши 135—180 миллион йил деб фараз қилинмоқда. Фаразларга кўра, сейсмозаврнинг бўйи 30 метрдан 36 метргача бўлган, оғирлиги эса 80 тоннани ташкил этган.

Мирпўлат МИРЗАЕВ

АБИТУРИЕНТЛАР

Шом кириб ҳовридан тушар саратон,
Пойтахт кўчалари кўмилар зарга.
Икки йигит,
қўлларида чамадон,
Кириб келмоқдалар шаҳарга.
Қадамлари шахдам,
суҳбатлари гангир-гунгур,
Кўзлари ҳайратга, умидга лим-лим.
Улар истараси қалбга тарар нур,
Термулиб қоламан ортларидан жим.
Учирмаларига
хилват қишлоқнинг бу дам
Пешвоз чиқаркин ким шошиб, соғиниб?
Улар,
дадил ёки истиҳола билан
Босарлар қайси уй қўнғироғини?
Илҳақ қаршилагай уларни балки
Йўлаклари қадар сариштa хонадон.
Йўқ, улар ҳали билмаслар манзиратни,
Кирар уйга улар-ла
бир фариштa ҳаяжон.
Эсланади шу кеч қишлоқ одамлари,
Олис хотиралар,
болалик кезлар.
Йигитларнинг эса тушларига киради
Бўлажак имтиҳонлар, талаба қизлар.
Шаҳар, кибрланма ортиқ — ранжитма
Дили пок, содда, ўжарлиги борларни.
Беш йил мобайнида
Кўтариб яшарлар улар
Сенинг юрагингдаги ғуборларни!

УМРИМИЗ ТАРЗИ

Дўстим, шундоқ кезар умримиз тарзи:
бериб қўярканмиз отани бир чоқ.
Қадни букаркан бу мусибат дарди,
қолмайин на умид,
на бир овунчоқ.

Йўқ, яна унаркан юракда матлаб, —
азалдан шу экан
ҳаётнинг иши.
Бу ёғига сени кетар етаклаб
масъум, ҳимоясиз боланг ташвиши.

КЎЧАЛАРДА...

Кўчаларда кезар кеч кузак,
тўшалади
қалин бахмал тун.
Ажаб, нечук хўрсинмас юрак,
ажаб, нечук у сарҳуш бутун?

Масъудлигин недир сабаби,
нечук борлиқ туюлмас ғариб?
Ой нурида
хотира каби
кўринади илк қор оқариб...



СУНБУЛА

Диёр осмонида сўнди саратон,
жазирама ёзнинг тугади забти.
Энди деразадан
боқар салқин тонг,
энди озор бермас қуёшнинг тафти.

Ахир, ўтиб кетди оташнок дамлар,
юракни нечун бир маҳзунлик чорлар?
Ҳикмат — бу:
эҳтирос тарк этса агар,
ўрнини оларкан теран хаёллар...



ОЙМОМА БИЛАН СУҲБАТ

(Болаларга)

— Айт, самода сузган тўлин ой,
ким ирғитди
сени юксакка?
Кел, ўзимни бир кўриб олай,
Ўхшаркансан тилла ойнакка.
Ой дер:
— Ҳар кеч қотади бошим,
Кенг фалакдан боқиб жаҳонга, —
Сен кўзгуга ўхшатдинг, лекин
Бошқа бола ўхшатар нонга...

СЎНГГИ ҚОР

Чарх урар, ўйнар ғужғон,
ер-кўк бирам дилбарки!..
Қор эмас,
ёғар бу он
бойчечаклар гулбарги.

АКА БЎЛИШ ҚИЙИН

Ака бўлиш қийин, лекин шарафли.
Ҳали мурғак бўлса ғар иниларинг,
тутишмаган бўлса бир иш бошини,
уйлантиришинг керак,
жойлантиришинг керак уларни.
Ака бўлиш қийин...
Марҳум отанг ўрнин босмоқлигинг фарз.
Лекин одам бўлиб кетишса улар,
бари зиё топиб танилса элга,
майли, шаҳарларда яшаб қолишсин,
кўкрагинг тўлмасми нурга, фахрга?!
Ака бўлиш қийин, лекин шарафли.
Умринг қўри синган иниларингни
йўқлаб борганингда соғиниб бот-бот,
сени ота дея қилишса иззат,
онадек кўришса янгасин улар,
бундан ортиқ эъзоз борми дунёда?!
Ака бўлиш қийин, лекин шарафли...

Тошкент

ҲАР ҚАТРАСИ

Ингичка толали пахтага тобора талаб ошиб бораяпти. Республикамизда ана шу пахтанинг 60 фоиздан кўпроғи Сурхондарё области далаларида етиштирилади. Эндиликда саноатимиз талабини қондириш учун воҳадаги пахта майдонларини янада кенгайтириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришнинг аниқ тадбирларини амалга оширишга тўғри келади.

Шу пайтгача қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун воҳада Сурхон дарёси ва унинг ирмоқлари сувидан фойдаланилар эди. 1969 йилда Жанубий Сурхон сув омборининг ишга туширилиши бу ерда сув таъминоти имконини бир мунча яхшилади. Аммо Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган далалар, гарчи бу ерларда Дашнобод, Тўполанг, Сангардак, Хўжаоппоқ каби дарё ва ирмоқлар баҳорда тўлиб оқишига қарамай, пахтазорларда, айни ҳосил тўплаш ойларида сув танқислиги ҳамон сезилиб қоларди. Мутахассисларда мавжуд имкониятлардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш учун яна бир ҳавза барпо этиш, тоғ-тошлар бағрида самарасиз оқиб ётган ирмоқлар сувини бир ерга тўплаш фикри пайдо бўлди.

Чунки қурғоқчил келган йилларда областда кўпгина боғлар, узумзорлар қуриб қолар, ем-хашак базасига жиддий путур етар, чорвачиликни ривожлантиришда катта қийинчиликка дуч келинар эди. Табиат «нотанти»лигига чек қўйиш учун илонизи, ёлғизоёқ сўқмоқлар ўрлаб кетган тоғу тошлар бағрига замонамиз Фарҳодлари ташриф буюрдилар. Аввалларида от-улов билангина юриш мумкин бўлган бу сўқмоқлар эндиликда улкан «Белаз»лар қатнайдиган йўлларга айланди, тоғлар оралиғида кўз кўрса қувонгудай, афсонавий қаҳрамон Фарҳод номи билан аталадиган посёлка бунёд бўлди.

Асрор МЎМИНОВ

ХАЙР, ГАЛЛЕЙ

Хайр, Галлей! Қанча замонлар ўтиб,
Қайтиб келажаксан бизнинг заминга.
Тинчликнинг сафларин биз маҳкам тутиб,
Меҳрли нигоҳ-ла телмурдик сенга.

ҲИСОБДА

Посёлка яқинида кучли бульдозерлар, экскаваторлар наъраси остида Тўполанг сув омбори қурилиши бошлаб юборилди.

Бунёдкор инсон жиловидаги замонавий техника шиддати шу кунларда ҳам авжида. Тўполанг сув омбори қурувчиларининг айтишларича, ҳозирга қадар 50 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилган. 40 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бу ерда келажакда 200 минг кубметр бетон, 100 миллион кубметр тупроқ ишлари бажарилади. Шундан ҳозиргача 20 миллион сўмлик тупроқ ишлари, 120 минг сўмлик бетон ишларини амалга оширишга муваффақ бўлинди.

Асов дарё ва ирмоқлар оқими инсон измига бўйсуниб, сув омбори томон оқа бошлади. Бу ерда келажакда тўпланиши кўзда тутилаётган оби ҳаёт ҳисобига боғу роғлар, пахтазорлар, пайкалу чорбоғлар сатҳи янада кенгаяди.

Қуш учар баландликдан қаралганда кафтдек бўлиб кўринган майдонда жойлашган Фарҳод посёлкасида замондошларимиз ана шундай қудратли қурилиш ишларини бажармоқдалар. Бунёдкорлар қадами етгандан буён бу ерда мактаб, болалар боғчалари, тўртта ошхона, дорихона, поликлиника, кутубхона ва ўн етти минг квадрат-метр тураржой биноси қад ростлади. Ҳозир қўшимча равишда чойхона, кафе, магазин, алоқа бўлими, клуб каби маданий-маиший бинолар қурилиши лойиҳалаштирилаяпти.

Тўполанг сув омборидан фойдаланиш йўлга қўйилгандан сўнг ўзлаштириладиган ерларда 106 минг тонна «оқ олтин», жумладан 65,8 минг тонна ингичка толали пахта етиштириш назарда тутилган.

А. НИКОНЕНКО

Самовий чексизлик сенинг маконинг,
Йўлингда оғишмай этавер парвоз.
Бизнинг замин томон йўл олган онинг,
Агар тирик бўлсам чиқурман пешвоз.

Афсус, сен дунёда яккаю ёлғиз,
Бизнинг тақдиримиз ўхшамас сенга.
Заминдан бир марта кетар бўлсак биз,
Бошқа қайтолмаймиз сендай заминга.

Хайр, Галлей! Қанча замонлар ўтиб,
Қайтиб келажаксан бизнинг заминга.
Тинчликнинг сафларин биз маҳкам тутиб,
Меҳрли нигоҳ-ла боқурмиз сенга.

Келди ҚОДИРОВ

ОТАМГА

Гоҳ ҳаётдан ахтарганимни
Топа олмай тўйиб кетаман...
Шунда сенга термиламан
Бир гўдак каби,
Бош эгаман рўпарангда жим.
Бош эгаман.
Аммо, мусофир ёки
Йўлидан адашган йўловчи мисол
Бир коса сув эмас,
Бошпана эмас,
Порлоқ бир сўз сўраб,
Балқиб турган сўз;
Юпанч сўраб,
Энг порлоқ юпанч
Илтижо қиламан сенга,
Отажон.
Шунда сен Лев Николаевичдай
Қаршимда бўласан намоён;
Худди Лев Николаевичдай
Оппоқ-оппоқ соқолларингни,
Паҳмоқ-паҳмоқ соқолларингни
Елканг оша —
Гўё оппоқ шамол учириб
Кетаётгандай;
Еки барра булут тизмалари
Орасидан чиққан тўлин ой
Жилмаяётгандай
Туюласан менга,
Отажон.
Тушимдамас,
йўқ, йўқ ҳушимда
Бир-бир босиб
мағрур ва сипо
Бўз тепалик устидан секин
Тушиб кела бошлайсан, ана.
Чимирилган кумуш қошлар-у
Истеҳзоли лаблар, биламан,
Ниманидир сўзлайди ҳозир.
Йўқ, отажон,
сен айтган гаплар
Эсимдан чиқмаган,
Чиқмас сира ҳам:
— Ҳақиқатга ишон! — дер эдинг, —
У пўлатдек эгилади-ю
Лекин асло синмайди, — дердинг.
Ишонардим бу доно гапга.
Ишонардим, лекин, отажон
Билмас эдим:
Ҳақиқат бўлса,
Нима учун эгилмоғини,
Нима учун эгилганида
Кўп нарсалар барбод бўлмоғин.
Билмас эдим,
Билмас эдим, йўқ,
Ким эгади бу пўлатларни?
Ҳақиқатдан зўрроқ куч борми?
Бор эканки,
Эгади, демак.
Бор эканки,
Демак, кўп нарса
Барбод бўлар бир эгилишда.
Нима ўзи ўша кўп нарса?
У кимнингдир порлоқ юраги.
Табиат бир марта берган ҳаёт.
Бир марта,
Бир марта
Яна бир марта
Дегани бўлади ўша кўп нарса;
Одамда бир марта деган нарсалар,
Йўқ, нарсамас,
Энг порлоқ ноёб тушунча
Аслида кўп эмас,
Жуда кам, ахир.
Ҳамон қулоғимда янграр, отажон,
Айтардинг ҳамиша:
— Болажонгинам,
Одамда битта бўлади фақат
Онаси,
Одамда битта бўлади фақат
Ватани,
Одамда битта бўлади фақат
Байроғи,
Одамда битта бўлади фақат
Туғроси,
Одамда битта бўлади фақат
Эътиқод...
— Ҳақиқатга ишон! — дединг сен,
Мен ишондим шу доно сўзга
Ва топиндим осмонимдаги
Порлаб турган ёруғ юлдузга.
Фақат катта, олтин ҳарфлар-ла
Мен юрагимга ёзганман, ота,
Сен ўргатган порлоқ сўзларни.
Тушимдамас,
йўқ, йўқ, ҳушимда
Бир-бир босиб
мағрур ва сипо
Тушиб кела бошлайсан, ана,
Мени сўлмас ҳақиқат боғи
Сари бошлаб кетмоққа яна...

Тошкент



Абдумажид ХОЛМИРЗАЕВ

КАПАЛАК

Гулдан-гулга учиб ўтар капалак,
Қанотлари рангдор мисли камалак.
Вужудимга ором берар ранглари,
Енгил учар хаёлимни оралаб.

Гулдан-гулга учиб ўтар капалак,
Тута олмай орқасидан мен ҳалак.
Капалакдай учиб борар ёшлигим,
Орзу билан келажакни чамалаб.

Гулдан-гулга учиб ўтар капалак,
Олислардан олиб келмиш бир дарак:
Капалакдай учиб кетди хаёлим...
Бизга боғлиқ ахир, дўстим, келажак!

Гулдан-гулга учиб ўтар капалак,
Гул баргида пайдо бўлиб бир тилак,
Гўзалликка, эзгуликка чорлайди.
Кўнгил эса капалакдай жонсарак!

ОЛИМЛИК ЗАҲМАТИ

Фан — халқ ҳизматида

Елқин ака билан суҳбатимиз шу куннинг руҳи, ижтимоий ҳаётимизни қайта қуриш муаммолари устида борарди.

— Партиямизнинг XXVII съезди жамиятимиз ижтимоий аҳволига ҳаққоний ва объектив баҳо берди, — деди олим. — Мавжуд камчиликлар, йўл қўйилган хатоларнинг сабаблари рўй-рост айтилди. Яна муҳим томони шундаки, съезд мамлакатимиз ҳаётини қайта қуриш режаларини аниқ белгилаб берди. Худди шу маънода Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми ҳам республикамизнинг ижтимоий ҳаётида муҳим бурилиш ясади. Ҳамма нарса ўзининг номида аталадиган бўлди. Бугун оқни оқ, қорани қора деяоламиз. Ахир, кейинги йилларда юз берган ғирром ишлар, ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлар касофати юқмаган соҳа қолмаган эди-да. Муқаддас фан даргоҳига ҳам унинг кўланкаси етиб келганди. Баъзилар олимлик унвонини, илмий даражасини имтиёз, моддий устунлик деб тушундилар. Олим бўлиш «модага» айланиб қолди. Очиғини айтадиган бўлсак, олимман деганнинг сони бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетди. Ўшанақалар ўзларидаги иллатни анча-мунча ёшларга ҳам юқтиришди. Нега десангиз, унвондор олимларнинг баъзилари ўзларига шогирдлар танлаганларида уларнинг оталари лавозими — мавқеига, моддий имкониятларига қараб иш тутдилар. Шу зайлда ғирромлик излари фан кўчасида ҳам пайдо бўлдики, буни асло кечириб бўлмайди...

Суҳбатдошим шундай дедию бироз хомуш тортганча ўйга толди. Назаримда, ўша субутсизлардан ич-ичидан нафратланар, уларнинг виждонларини энди поклаш нақадар қийин эканлигини чуқур ҳис қилар эди.

— Такрор таъкидлашга ҳақлиман, фан даргоҳи — муқаддас! Унга сидқидилдан берилган иқтидорли кишилар, қобил истеъдодлар йўл олиши лозим, — дея гапида давом этди у. — Бу йўлда астойдил азият чекканлар, ўз умрини унга чинакамига бахш этганларгина олим деган табаррук номга муносиб бўла оладилар.

Биз мансуб бўлган катта авлод фан йўлида бирорта унвонни, мукофотни кўзлаб иш тутганимиз йўқ. Ҳатто ўзимнинг китобимнинг Америкада инглиз тилида босилиб чиққанини ҳам бир йил кейин эшитганман...

Елқин Холматович ўзининг муҳим йирик илмий асари «Иод алмашинуви ва қалқонсимон без гармонлари» китобини назарда тутаётган эди. Бу илмий асар 1961 йилда Америкада инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилганди. Олим 1964 йили мана шу асарида эълон қилинган без гармонларининг без касалликларида ва радиоактив йод таъсирида биохимияси ва клиник морфологияси устида ўтказилган тадқиқотлари учун (профессор Р. Исломбековнинг шу соҳадаги практик ишлари билан бирга) Ленин мукофотини олишга муяссар бўлди.

Маркилик оддий ўқитувчининг ўғли академик, деган юксак илмий унвонга ва олий мукофот лауреатлигига сазовор бўлгунча фан йўлида ҳазилакам азият чекмади. У суҳбат давомида ўша оғир ёшлик йилларини бирма-бир эслади. Оилавий шароитдаги қийинчиликлар оқибатида биринчи босқич (бошланғич) мактабни ҳам икки-уч жойда давом эттиришга мажбур бўлди. Дастлаб у туғилган жойи Қозоғистоннинг Марки шаҳрида ўқиди, кейин эса сабоқ олишни Тошкентдаги Карл Либкнехт номли намунали меҳнат мактабида давом эттирди. Тоғаси Абдулла Алихўжаевнинг ҳомийлиги билан Наманган шаҳридаги Крупская номли 7-болалар уйида яшаб, иккинчи босқич (тўлиқсиз ўрта) мактабни тамомлади. Шундан сўнг Ўрта Осиё Давлат университети педагогика факультети қошидаги икки ойлик тайёрлов курсида ўқиди ва сўнгра мазкур факультетга ўқишга кирди. 1936 йилда Тошкент Медицина институтини тамомлагач, бирмунча вақт турли вазифаларда ишлади. Ўттиз саккизинчи йилдан бошлаб институтнинг профессор А. С. Волинский раҳбарлигидаги биохимия кафедрасига биркитилиши унинг фан изидан изчил интилиши учун шароит яратди. У ўз истеъдодини ва идрокини шу йўлга бағишлади. Йигирма уч ёшга тўлиб-тўлмай «Магний билан оғриқсизлантирилганда кальций ва магний ўртасидаги қарама-қаршилик ҳолати» мавзуида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўша йили республика партия ва ҳукумати ёш олимга ишонч билдириб, уни энди ташкил этилган Тошкент Фармацевтика институтига директор этиб тайинладилар. Шу орада уруш бошланиб қолди. Елқин Холматович 1941 йилнинг 25 июнида кўнгиллилар сафида ватан ҳимоясига отланди. У 2-Украина фронтининг 1-ҳаво десанти дивизиясининг медицина-санитария батальонининг командири вазифасида хизмат қила бошлади. Лекин қирқ учинчи йилнинг 29 сентябрида жанг майдонида оғир яраланди, бошда Харьков госпиталида, кейин эса Тошкент госпиталида даволанди. Оғир жароҳат туфайли тинч меҳнатга қайтди. Яна фармацевтика институтига раҳбарлик вазифасини давом эттирди.

1944 йил охирида Москвада машҳур биохимик Я. А. Парнасга шогирд бўлиб тушиши, 1945 йилга келиб эса расмий докторант сифатида профессор С. Я. Капланский раҳбарлигида Биология ва медицина химияси илмий-тадқиқот институти лабораторияларида тинмай изланишлари унинг учун катта мактаб бўлди.

— Дастлаб москвалик устозларимдан илмий адабиётлар билан қандай ишлашни ўргандим, — деб эслайди олим ўша йилларни. — Менинг учун академик Парнас ва профессор Капланскийнинг ҳар бири катта мактаб бўлди. Ана шу улуғ устозлардан фан йўлида қандай изланиш кераклигини ўргандим. Фаннинг уфқий имкониятлари чексиз эканлигини ўша катта илм маркази бўлган Москвада, улуғ пойтахтимизда сабоқ олган йилларим чуқур ҳис этдим.

Елқин Холматович ўз фаолиятида ташкилий ва илмий йўналишни узвий боғлиқ ҳолда олиб борди. У турли йилларда фармацевтика институтига, Тошкент Медицина институтига, Биохимия институтига, Самарқанд Давлат университетига, Ўлка медицина илмий-тадқиқот институтига, Андижон медицина институтига раҳбарлик қилди, бир неча йил давомида республика Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимида ишлади. Елқин Холматович ўша йилларда ҳам республикамиз фанини ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳақида тинмай ҳаракат қилди. Айниқса, у фаннинг муҳим соҳаларидан бири — биохимияни тараққий эттириш ҳақида алоҳида жонкуярлик кўрсатди. Кўпгина институтларда шу соҳанинг бўлим ва лабораториялари ташкил этилишида жонбозлик кўрсатди. Айни вақтда у Ўлка Медицина институтининг директори вазифасини бажариш билан бирга Тошкент Давлат университетининг биохимия кафедрасини ҳам бошқармоқда.

— Атом асрида фаннинг имкониятлари қанчалик кенглиги янада яққолроқ кўринмоқда, — деди у илмий муаммолар ҳақида гапирар экан. — Ҳар бир фан олдида янги-янги, муҳим муаммолар пайдо бўлмоқда. Масалан, биз биохимиклар учун инсон организмида модда алмашинувини идора қилиш, унинг ички механизмларини ўрганиш ҳар қачонгидан кўра муҳим вазифа бўлиб турибди. Мана шу муаммо ҳал этилса, қанд касали сингари оғир дардларнинг олдини олиш ва уни самарали даволаш имкониятлари туғилар эди.

Ўз умрининг 70 йиллик баҳорини қаршилаётган заҳматкаш олимимиз фан йўлида, инсоннинг саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида тинмай изланмоқда. Биз ҳам унинг эзгу ниятларига тилакдошмиз.

Шомурод СИДДИҚОВ

Чорвадор кўмакчиси

Фан — халқ хизматида

Улуғ Октябрь инқилобига қадар Ўрта Осиё ветеринария хизмати бўйича энг қолоқ ўлкалардан бири ҳисобланарди. Инқилоб арафасида Тошкентдек йирик шаҳарда чорва молларини эмловчи фақат биттагина даволаш пункти бор эди холос. Ҳатто йирик чорвачилик районларида ҳам ветеринария хизмати ва назорати йўқ эди. Бунинг оқибатида жуда кўп чорва моллари турли хил касалликлар туфайли нобуд бўларди, қишлоқ меҳнаткашлари эса, ундан жуда катта иқтисодий зарар кўрардилар.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда ветеринария фанини ҳам ривожлантириш имкониятлари туғилди. Ўзбекистон территориясида ветеринария соҳасида биринчи илмий ишлаб чиқариш муассасаси дастлаб 1924 йил мартида Тошкентда Туркистон Республикаси Ўлка ветеринария-бактериология лабораторияси номи билан ташкил этилди. Ўша йилнинг декабрида у Ўрта Осиё Ветеринария-бактериология лабораторияси деб қайта номланди.

Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилгандан сўнг эса бу лаборатория Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилди. 1926 йилнинг июнида мазкур лаборатория базасида Ўзбекистон Ветеринария-бактериология институти ташкил топди. Орадан саккиз йил ўтгач, институт Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институтига айлантирилди. Бу илмий муассаса 1959 йилга келиб Тошкент шаҳридан Самарқанд районидаги Тайлоқ қишлоғига кўчирилди.

Эндиликда Ўрта Осиё миқёсидаги илмий марказга айланган бу институт ходимларининг ветеринария хизматини яхшилашда хизматлари каттадир.

Республика партия ва ҳукумати институт коллективи учун тегишли шароит яратиб берганлар. Ҳозир бу илмий муассаса йигирмата лаборатория ҳамда Сирдарё областида ва Қорақалпоғистон АССРда таянч пунктларига эга бўлиб, булар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Молларни сақлаш учун тажриба корпуслари мавжуд. Шунингдек, бу ерда қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари чиқиндиларига махсус дориворлар қўшиб даволовчи озуқа тайёрловчи цех мавжуд.

Институт коллективи ташкил топган дастлабки йилларда ёш молларнинг юқумли касалликларини ўрганиш ва унга қарши курашиш ишларини самарали йўлга қўйди. Бу борада қўйларнинг кислородсиз шароитга мослашган микробларига қарши кураш (И. Невский, А. Волкова), паратиф ва вируслар орқали бола ташлашни йўқотиш (А. Волкова, Ғ. Носиров, Н. Мазитов), қўзиларда бўғинлар яллиғланишининг (С. Ильинов, В. Кулаков), ёш моллардаги ўпка яллиғланишининг олдини олиш (А. Сиддиқов), юқумли ичак касалликларини даволаш (А. Сиддиқов, И. Бурлуцкий, М. Бобоева, А. Аҳмедов) каби масалалар бўйича муҳим тадқиқий ва амалий ишлар олиб борилди. Мамлакатимизда биринчи бўлиб олимлардан И. Дукалов ва И. Полковникова раҳбарлигида эчкилар ўпка яллиғланиши касаллиги аниқланди. С. Ильинов бу касалликка қарши умумий чора-тадбирлар усулини ишлаб чиқди ва юқори самарали иммунитет ҳосил қилувчи зардоб яратилиши натижасида бу касалликни йўқотишга муваффақ бўлинди. Институтда бруцеллез юқумли касаллигини ўрганиш юзасидан ҳам чуқур тадқиқот ишлари олиб борилди. И. Н. Невский чорвачиликка катта путур етказиб келган бу касалликнинг олдини олиш давосини топди. Республикамизнинг чорвачилик хўжаликларида бу усул муваффақиятли қўлланилди. Профессорлардан А. Сиддиқов, И. Бурлуцкий, Н. Шевченко, ветеринария фанлари кандидатлари П. Рогожин, Б. Тўрақулов чўчқаларнинг юқумли ринит касаллигининг табиий келиб чиқиши ва унга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Бу эса Ўзбекистон миқёсида ринит касаллигини йўқотиш имконини берди.

Шунингдек, институтда оқсил касаллиги ва уни қўзғатувчи вируснинг турли вариантларини ўрганишга қаратилган текширишлар ўтказилди. Маълумки, Ўрта Осиё республикалари чорвачилигида қон касалликлари кенг тарқалганлиги сабабли маҳаллий қорамолларнинг зотини яхшилаш жараёни жуда секин кечаяпти. Шунинг учун институт олимларидан Г. Оболдуев, А. Богородицкий, И. Галуз, П. Ли томонидан бу касалликни тарқатувчи каналарга қарши курашиш тадбирлари ишлаб чиқилди.


Дастлаб Н. Баданин, кейинчалик Э. Эргашев ва Ш. Азимов раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар йирик ва майда молларнинг гельминтоз касалликларини ўрганиш, унга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламда иш олиб бордилар. Турли воситалар ёрдамида ғўзапояга махсус ишлов берилиб, уни тўйимли чорва озуқасига айлантириш усули ишлаб чиқилди. Лекин шуни айтиш керакки, бу усул ишлаб чиқаришга жуда суст жорий этилаётир.

Институт илмий ходимлари чорвачилик фермаларининг ветеринария-санитария ҳолатини яхшилашга, уларда мавжуд зарарли кемирувчилар ҳамда дайди итларга қарши курашишга ҳам катта аҳамият бердилар. Институтда молларда сил касаллигининг олдини олиш усулларини синовдан ўтказиш муваффақиятли якунланди. Шу асосда тебазид препаратини қўллаш схемаси тузилди ва уни қўлланишда юқори самараларга эришилмоқда. Мазкур касалликнинг олдини олишда кимёвий воситалар ва БЦЖ зардобини қўлланиш йўлга қўйилди.

Институт ҳузуридаги тажриба хўжалиги меҳнат аҳли ҳам республика колхоз-совхозларида ветеринария-санитария тадбирларини жорий этишда чорвадорларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Бу йил академик К. И. Скрятин номидаги ветеринария илмий-тадқиқот институтининг ташкил топганига 60 йил тўлди. Ҳали айтганимиздек, институт республикамизда ветеринария фанини ривожлантириш ва чорвадор хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида бирмунча ютуқларга эришди. Лекин бир нарсани очиқ эътироф этиш керакки, институт лабораториясида ишлаб чиқилган янги усуллар ва илмий тавсияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши жуда сустлик билан амалга оширилаяпти. Шу муҳим масалани ечишга тегишли ташкилотлар ва қишлоқ хўжалик идоралари бугунги талаб ва эҳтиёжлар бўйича иш кўрмаётирлар. Ваҳоланки, бу борада биз қайта қуриш жараёнида фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг энг қулай ва фойдали йўлларини қидиришимиз лозим.

Аҳрор ЖЎРАЕВ



Ветеринария фанлари доктори Анвар Орипов ва илмий ходим Алевтина Куприянова.



Ветеринария фанлари кандидати Робия Хўжаева (ўнгда) ва илмий ходим Элеонора Кочеткова.

Ю. Паканаев фотолари

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Кишиларимизни совет ватанпарварлиги, интернационализм руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий оламини янада бойитиш, социалистик турмушимизга зид бўлган хулқ-атвор, зарарли диний ақидалардан батамом халос қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Кундалик турмушимиздан кенг ўрин олаётган — ёшларни Совет Армиясига кузатиш, никоҳ тўйларини ўтказиш, кумуш ва олтин тўйлар, колхоз ва совхозларга ишга қабул қилишдаги «Бир кафт тупроқ» деб номланган тантаналар, ёшларга паспорт бериш кечалари, Хотира куни, дафн маросимларини ўтказиш каби миллий маросимларимиз шаклланиб, янгича мазмун касб этиб бораётир.

Хўжаободлик бир ўқитувчи яқинда ўз қишлоғида ўтказилган дафн маросими ҳақида бизга шундай ҳикоя қилиб берди:

— ...Кекса устозимиз вафот этдилар. Марҳумнинг бир қанча шогирдлари, у кишини билган кишилар тўпланишдик. Дафн маросимини қандай тартибда ўтказишни маслаҳатлашдик. Қишлоқ мўйсафидлари фикримизга қўшилдилар. Қабристонга микрофон ўрнатдик, миллий мотам куйлари янгради. Бир неча киши сўзга чиқиб, устознинг ҳаммамиз қадрлаган сифатлари ҳақида, камтарлиги, одамийлиги, меҳнатсеварлиги, келажак авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ишлари ҳақида гапирилди. Марҳумнинг хотираси яна бир бор ёдланди... Ҳақиқатан ҳам, дафн маросими ҳақида жиддий ўйлаб кўришнинг пайти келди.

Маросимларда қатнаша олмаганлар албатта унинг хонадонига бориб, фарзандларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдиришлари мумкин. Аммо бу тадбир ташкилий жиҳатдан ҳамиша ҳам кўнгилдагидай уюштирилмаяпти. Хонадоннинг тўрида савлат тўкиб домла ўтиради. Бир-икки соат, баъзан кечгача марҳумнинг хонадонида ўтириб, нималарнидир ўқийди. Аминмизки, у нималарни ўқиётганини ҳеч биримиз тушунмаймиз. Агар бирор фикр билдирсанг: «Таомил», дейишади. Энди кўр-кўрона таомилга бўй эгиб ўтираверишдан ҳам яхши эмас-да. Бунинг ўрнига, марҳумга айтиб улгурилмаган, унинг қариндош-уруғларининг кўнглига тасалли берувчи қалб сўзларини изҳор этиш керак. Ҳамдардлик билдириш керак.

Хўш, яна ўша домла хусусида. У бу ерда бекорга ўтирибдими? Албатта, йўқ. Бунинг учун хонадон эгасидан мўмай пул олади. Биз таомил, деб ёпишиб олган ўша удум орқасидан роҳат-фароғатда яшайди.

Яна бир воқеани ўртоқлашмоқчимиз: уруш йиллари кўпчилик фронтга кетган. Ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган ўртоқ Усмон Юсупов Андижон қишлоқларининг бирига бораётиб, кўчанинг бошида бири қўқон аравага қўшилган отни етаклаб олган, учтаси эса арава ортидан бораётган кишиларни кўриб қолади. Усмон ота уларга етиб олади. Йўловчилар аравада марҳумни қабристонга олиб бораётган эканлар.

— Марҳум ким эди? — сўрайди Усмон Юсупов.

— Мамарайим ака, колхоз тузумининг фаол қатнашчиси. Бояқишнинг ҳеч кими йўқ. Хотини вафот этганига уч йилдан ошди. Икки ўғли фронтда мардларча ҳалок бўлган.

— Колхоз катталарининг хабари борми?

— Ҳа...

— Сизлар бораверинглар, етиб оламиз. — Усмон Юсупов машинасини колхоз идорасига бурдиради.

— Қани, дарҳол активларингизни йиғинг, қишлоқда бир одам вафот этса-ю сизлар бу ерда бемалол ўтирсангизлар, — дейди ота ғазабланиб. Катта-кичик қабристонга тўпланади, райком секретари ҳам отанинг келганини эшитиб етиб боради. Кичик митинг бўлади. Отанинг ўзи марҳумнинг шаънига яхши гапларни айтади. Бундан кейин дафн маросимларини мана шундай тантана билан ўтказиш кераклигини, инсоннинг қадри улуғлигини таъкидлайди. Колхоз раисининг бефаҳмлигидан ранжийди.

Ҳаёт билан видолашган кишининг уйида бўлиш, таъзия билдириш, эҳтиромини бажо келтириш ҳар бир совет кишисининг юксак инсоний бурчи ҳисобланади. Бу маросим бир-икки кишининг ёки бир оиланинг иши бўлмай, жамоатчиликнинг, маҳалла-кўй, эл-юртнинг ишидир. Дафн этиш маросими баъзи жойларда ҳануз хурофотга мойил кишилар измига ташлаб қўйилган. Бу маросимга марҳум хизмат қилган меҳнат коллективлари ва уларнинг раҳбарлари, маҳаллаларнинг эътиборли кишилари бош-қош бўлишлари керак. Минг афсуски, бундай пайтларда марҳумни билганлар, у ишлаган коллектив, оқ-қорани таниган қариндош-уруғлар сустқашлик қилаяптилар. Натижада хурофий анъаналар юзага қалқиб чиқмоқда. Хурофий анъаналарнинг замирида эса бир ёки бир неча кишининг шахсий манфаати ётибди. Ўлимдан сўнг сарпо кийдириш, пул, чой, совун, дурра, кескилик улашиш, марҳумнинг нарсаларини «табаррук» деб бўлишиб олиш ҳамда учи, еттиси, йигирмаси ва қирқини ўтказиш, яқинда Тошкентда пайдо бўлиб, ҳозир русум бўлаётган эллик иккиси ва юз кунлигини нишонлаш, марҳумдан қолган мол-мулкнинг ўндан бир фоизини садақа ва эҳсон қилдириш, йиллигини ўтказиш каби маросимларни хурофий кишилар талаб қилаётирлар.

1952 йил 25 мартда Ўрта Осиё ва Қозоғистон диния кенгаши «Мусибатхона бидъатлари» номли фатво қабул қилган эди. Унда ўлим билан боғлиқ шаклик, ифторлик, арафа, йил оши, катта ва кичик ҳайити, оқ кийиш каби маросимларни ўтказиш гуноҳ ва жиноят деб қораланган эди. Афсуски, маросим ҳомийлари бу фатвони ҳам унутиб юборганлар.

Таъзияга борувчи ҳар бир киши касби-коридан қатъи назар қайғухона соҳибига ёки соҳибасига қуйидаги гапларни айтмоқчи бўлиб келадилар. Масалан:

«...Азизим! Бошингизга оғир мусибат тушибди. Дадил бўлинг. Бу савдо ҳар биримизнинг бошимизда бор. Ўлим-табиатнинг мусибатли қонуни, бас, шундай экан, Сизга бутун оиламиз аъзолари номидан, отангиз ишлаган корхона коллективи номидан ҳамдардлик билдирамиз. Отангиз яхши одам эдилар. У киши ҳаётлигида ҳаммамизга ўрнак эди. Буни эл-юрт, меҳнат қилган коллективи, яқин дўсту биродарлари яхши биладилар. Биздан қандай ёрдам керак бўлса, тайёрмиз. У кишининг хотиралари ҳамиша дилимизда ва тилимизда қолажак. Бардам бўлинг...»

Хуллас, дафн маросимини ўтказиш тадбирларини такомиллаштириш, шароитга мослаштириш керак. Бу масала билан, энг аввало, жамоатчилик, область ва район партия комитетларининг идеология бўйича секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимлари, область сиёсий маориф уйлари, атеистик уйларнинг ходимлари, атеистик клублар, «Билим» жамиятининг аъзолари, қишлоқ Советининг раислари, маҳалла жамоатчилиги мунтазам равишда шуғулланишлари керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари мавзуига бағишланган III пленумида: «Партия ташкилотларининг атеистик ишга ёндашувларини тубдан ўзгартириш зарур. Аниқ мақсадни кўзлаб изчил иш олиб бориш талаб этилади. Партия комитетлари ва ташкилотларининг биринчи секретарлари атеистик ишга бошчилик қилишлари, ўз оилаларида, истиқомат жойларида социалистик турмуш тарзига ёт бўлган қарашлар ва расм-русумларни бартараф этишда актив қатнашиб, шахсий ўрнак кўрсатишлари лозим», деб алоҳида таъкидланди.


Шуни унутмаслик керакки, атеистик пропагандани шошмашошарлик, кампаниячилик билан ўтказиш ярамайди. Инсониятнинг буюк доҳийси В. И. Ленининг: «Диний мутаассибларга қарши курашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак: бу кураш вақтида диний ҳиссиётларни ҳақорат қилган кишилар катта зарар келтирадилар. Пропаганда йўли билан, маориф, маданият йўли билан курашиш керак. Курашни кескинлаштириб юбориш билан биз оммани ғазаблантириб юборишимиз мумкин. Бундай кураш омманинг динга мувофиқ бўлишини мустаҳкамлайди, бизнинг кучимиз эса бирлашишдадир. Диний мутаассибларнинг энг катта манбаи қашшоқлик ва маданиятсизликдадир, биз айнан шу офатга қарши курашишимиз керак», деган сўзларини унутмаслигимиз керак. (ТАТ., 19-том, 214-бет).

Бу йил биринчи марта март ойининг охирги якшанбасида республикамизда Хотира куни ўтказилди. Биз ҳам ўз ота-оналаримиз, яқинларимизни эсга олиш учун туғилган қишлоқларимизга, улар дафн этилган қабристонларга бордик. Дилларни ўртовчи мотам куйлари янграб турди. Митинг ўтказилди. Шу куни қабристонлар тартибга келтирилди. Қабрлар тозаланди, оқланди, супурилиб-сидирилди.

Инсон хотираси азиз. Турли турмуш тарзимизга зид бўлган удумлар ўрнига ана шундай тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишимиз мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бизнинг марҳумга бўлган муносабатимиз тўйдагидай қўй сўйиб, элга ош беришда эмас, унинг хотираси билан, у таълим бергандай яшашимизда билинади.

Олимжон ХОЛДОР,
Шукуржон ВАЛИЕВ
Андижон

Хурофотга қарши курашамиз



Тошкент марказий «Пахтакор» стадионида СССР халқлари IX ёзги спартакиадасининг тантанали очилиш маросими спорт байрамига айланиб кетди.



Спартакиада чемпиони ҳамюртимиз Родион Гатауллин.



Спартакиада чемпиони қозоғистонлик Ольга Гурчак.

В. Ан фотоси

Назира ЙЎЛДОШЕВА

ОНА-ТАБИАТ

Меҳрни ҳам, қаҳрни ҳам билади бу табиат,
Яхши-ёмон неки қилдинг, олиб қўяр ҳисобга.
Билмайман у қайдан олган бу хил ўжар тарбия,
Барча тириклик оламин бир бўлаги ҳисоблар.

Эрта баҳор кўз олдингда чечак бўлар, боғ бўлар,
Далаларга бошлаб чиқар қувнатиб ёш-қарини.
Тутган ризқу бойлигига юрмайсан ҳам қарз тўлаб,
Боқиб келар мана шундай одамин ер шарининг.

Одам — сен эй, табиатнинг бир бутоғ, бир зарраси,
Бир вужудни эслатмасми асли манов беш қитъа?
Бу дарё, бу баланд тоққа разм солиб қарагин,
Бир-бирига суянарлар улар баҳри муҳитда.

Сендай тирик жон улар ҳам, юраги бор, меҳри бор,
Тонгда майса-ўт юзида қатра-қатра ёш кўрдим.
Билолмадим туни бўйи нимадан чекмиш озор,
Дер эди у: «Одамзоднинг мен-ку онаси эдим».

Меҳрни ҳам, сеҳрни ҳам билади бу табиат.

* * *

Ҳамманинг ҳам қўлидан келар шунчаки яшаш,
Беармон даврин суриб заминда ўтган қанча.
Ҳай-ҳай, зар либосингда кетибсан кундай яшнаб,
Умр ўзи нимадир, ета олдингми англаб?

Ўткинчи ҳавасларнинг эмасмисан қурбони,
Қай ишинг китобимга ибрат қилиб ёзгайман.
Ҳалол эканлигингга комилмидир имонинг,
Ҳис қилдингми мен нечун алам билан сўзлайман?

НАТО омборларида ўқдонга солинган ўқ
Не бегуноҳ жонларни олиб қўймиш нишонга.
Тинчлик деб курашмаса лаҳзада бўлар-ку йўқ,
Ўзи-ла ўзи бўлса ер юзида миллионлар.

Қайдаки инсон умрин ялло қилиб ўтказган,
Атрофида не кечар, бермаган аҳамият,
Танбаллиги ўзига қаро кунни етказган,
Узоқ йиллар тараққий этмаган сўнг жамият.

Бисотим кўз-кўзлашмас, қураш берди менга бахт,
Қийқириқмас, ақл-идрок равшан қилган йўлимни.
Инсон, буюк ишларга ўзни чоғламоғинг шарт,
Шунчаки яшаш эса — тирикликнинг ўлими.

ОКЕАН ЁРДАМ БЕРСИН

Табиат абадийдир, — биз — ўткинчимиз, эй, жон,
Коинот абадий сир — чорлаб турар беомон.
Бир томон қора зулмат, қуёшли кун бир томон,
Иккисининг ичинда яша омон, ал-омон!

Ер юзида дарё йўқ, дарё ўзинг, сув ўзинг,
Ҳийла тўла дунё йўқ, дунё ўзинг, қув ўзинг.
Кўксимга уздинг-ку ўқ, қонимни ҳам юв ўзинг,
Кўз ёшим қуриб қолган, ёш тўккин дув-дув ўзинг.

Мураккабдан мураккаб асли ўзи бу олам,
Ўтгани ўтди энди, олддагисидан не ғам?
Дилимни ёрдим сенга кучли бўрон олдидан,
Қолган барча гапларни айтиб берсин океан.

Табиат абадийдир, биз — ўткинчимиз, эй, жон.



ҚУЁШ БИЛАН ОЙ ҚИССАСИ

(АФСОНА)

Сой бўйидан қўшиқ айтиб бораяпти қиз,
Кўзларида жозибали, ёниқ табассум.
Вужудини чулғаб олган бир ёқимли ҳис,
Баҳор ҳусни унда тамом топган тажассум.

Сирли бўлиб туюлади соҳил, майсазор,
Сочларин сув тортқилаган мажнунтоллар ҳам.
Гулпечаклар юрагига гўё қўл солар,
Қизга мафтун бўлиб боқар табиат бу дам.

Ана, учрашувга тайин этилган гўша,
Кўринади қалин баргли ўрмон сингари.
Бутазорнинг панасида кимдир...
Бу — ўша,
Ўша! Қиз унинг бағрига ойдай сингади...

«Жоним, — дейди, — оҳ, соғиндим, жуда соғиндим,
Кутавериб тоқатларим бўлиб кетди тоқ.
Гул-чечагим, ҳаётимнинг танҳо овунчи!»
Қора шарпа пайдо бўлди соҳилда шу чоқ...

Эски одат, таомилга кўра гўдак пайт,
Қашқирмижоз бир худбинга қилмишлар назр.
Қиз-чи, ақлин танигандан этса ҳамки рад,
Қайга борса у ёнида бўларди ҳозир.

Тунда пойлаб хат ёзганин қизнинг бировга,
Ҳар қадамин соя бўлиб этди у таъқиб.
Бора-бора айланди сўнг ашаддий ёвга,
Иккисига ташланмоқда, мана, тутақиб.

«Айт, севгилим, қайга қочиб яширинай, айт,
Қайга оқиб боргум ўзни отсам шу сойга?»
Нақ тепага келиб қолди шарпа ҳам шу пайт,
Қиз айланди сувда тутқич бермовчи Ойга.

Йигит энди соҳил бўйлаб бораркан чопиб,
Оқиб кетаётган қизни тутолмасди ул.
Охир чарчаб бир манзилда қолди тош қотиб,
Сув юзида қиз кўринмай қолганди бутқул.

Шунда оташ-алангага айланди-да «тош»,
Сой сувини айлантира бошлади парга.
Пайдо бўлди уфқда ундан каттакон Қуёш,
Белай кетди ўша Қуёш борлиқни зарга.

Содир бўлди ишқ сеҳридан ажиб мўъжиза,
Сойнинг суви секин бўлиб бораркан тамом.
Булут қизни самоларга олиб учди-да,
Излади қиз йигитини Ой бўлиб гирён.

Йигит эса офтоб бўлиб қолгани ондан
Қиздиради-қиздиради ернинг юзини.
Бири тунда, бири кунда кечганча жондан,
Дуч келган ҳар бир пучмоққа урар ўзини.



ХУШОВОЗ ХОНАНДА



ЎФИРДАН юракларни сел қилиб, бир хонанда куйлаяпти. Гўё хонанда куйламаяпти, дарё куйига тоғлар, феруза осмон, борлиқ акс-садо бераяпти. Хўш, бу сеҳрли овоз соҳиби ким? Муроджон Аҳмедов!

Дарҳақиқат, санъаткорнинг ўзига хос дилбар ашулалари аллақачон қўшиқ шайдолари қалбининг мулкига айланган. Бу қўшиқлар айнан шу санъаткор учун ёзилгандай, бошқа ҳеч бир хонанда уларни Муроджон Аҳмедов каби маромига етказиб, тўлиб куйлай олмайдигандай туюлади кишига. Она табиат бу санъаткорга шундай бир ширали, авж пардада тўлқинланиб оқувчи ажиб бир овоз ҳадя этганки, уни тинглаганда диллар сурурга тўлади.

...Муроджон Аҳмедов дастлаб Қўқон шаҳрининг Галабоққол гузаридаги болалар интернатида таълим олди. У интернатда ўқиш билан биргаликда бу ерда ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнай бошлади. Ҳеч вақт ўтмай янги тузилган «Ўртоқ» колхозида ҳам янги мактаб-интернат очилади. Муроджон энди ўз қишлоғидаги шу билим даргоҳида ўқий бошлади. Бу ерда ҳам у ҳаваскорлик тўгарагига қатнашишни давом эттирди. Бу тўгаракка бешариқлик машҳур халқ ҳофизи Ҳамроқул қорининг истеъдодли шогирди Тошпўлат Султонов раҳбарлик қиларди. Бўлажак ҳофиз Тошпўлат Султоновдан қўшиқ айтиш сирларини ўрганди. Бу ҳақда қўшиқчининг ўзи шундай ҳикоя қилади:

— 1953 йилда Қўқонда область бадиий ҳаваскорларининг кўрик-конкурси ўтказилди. Бу конкурсда бизнинг «Пахтакор» номли ансамблимиз биринчи ўринни эгаллади. Мен унда «Шаҳноз» қўшиғини айтиб, якка-ҳон ашулачилар ичида конкурс ғолиби бўлдим. Область маданият бошқармасининг раҳбарлари мени Қўқон шаҳридаги ёш томошабинлар театри (ТЮЗ)га ишга таклиф қилишди. Бу даргоҳда «Юзингни кўрсатиб», «Ул кун жонон», «Айладинг», «Оҳ ким», «Айлама», «Тошкент ироғи» каби қўшиқларни ўрганиб, қўшиқ мухлисларига туҳфа этдим. 1935 йилда Яйпанда область театри ташкил этилди. Энди мени ТЮЗдан янги ташкил топган шу театрга ишга ўтказишди. «Ғунчалар» спектаклидаги етим бола Эркин, «Гулсара»даги Қодир, «Аршин мол-олон»даги Аскар роллари актёрликдаги илк қадамларим бўлди...

1939 йили республикамизда Катта Фарғона канали қурилиши бошланди. Бу умумхалқ ҳашарига бастакор яратган куйи билан, шоир тўқиган шеъри билан, драматург драмаси билан, хонанда қўшиғи билан, созанда сози билан ўз ҳиссасини қўшди. Еш ҳофиз Муроджон Аҳмедов ҳам ўз устозлари Ҳамроқул қори, Отажон қори, Эрка қори, Шерқўзи ота, Маматбува, Холқора бува, Мамаюнус ота, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров, Мухторжон Муртазоев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Содиржон Очилдиев, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоевалар билан елкама-елка туриб, ўз қўшиқлари билан канал қурувчиларига илҳом бағишлади. Шу муносабат билан ўзини устозлар синовидан ҳам ўтказди.

...Канал трассасининг Риштон участкаси. Тушлик пайти. Қурувчиларнинг нигоҳи Муроджон Аҳмедовда. У яйраб, бутун вужуди билан берилиб, «Каналимга келинг» қўшиғини куйламоқда. Қўшиқ тинди. Атрофни гулдурос қарсаклар тутиб кетди. Хонанданинг истеъдодига қойил қолган каналчилар уни саҳнадан қўйиб юборгилари келмасди. Бир пайт таниқли санъаткор Ҳалима Носирова ўртага чиқиб келди.

— Ҳурматли ҳашарчилар, — деди халққа қарата, — Муроджоннинг сеҳрли, қўнғироқ овози мени ҳам мафтун этиб қўйди. Бу овоз кўз олдимда йигитчанинг келажагини намоён этди. Ишонч билан айтаманки, келгусида ундан зўр санъаткор чиқади, у вақти келиб Ўзбекистон булбулига айланади.

Севимли актрисанинг дилдан айтган бу доно сўзлари Муроджон Аҳмедовни янги-янги изланишларга, овозига янада сайқал беришга ундади.

Муроджон Аҳмедов 1939—1940 йилларда Ватан олдидаги солдатлик бурчини адо этди. Санъаткорнинг ҳарбий хизмати

ҳам мазмунли ўтди. Полк ва дивизиянинг ҳар бир йиғилиши Муроджон Аҳмедовнинг қўшиқларисиз ўтмас эди. Фақат бугина эмас, қўшиқчининг овози солдат дўстларининг кичик давраларида ҳам жаранглаб турди.

Муроджон Аҳмедов 1940 йилнинг ўрталарида ҳарбий хизматни тугатиб, яна Қўқонга қайтди. Санъатга бўлган муҳаббат уни Ҳамза номидаги Қўқон музикали драма театрига етаклади. Бу вақтда Ўзбекистон халқ артисти Занжирали Мирзатов театрда бош режиссёр эди. Муроджон Аҳмедовнинг шу театрга илк қадам қўйиши ҳақида Занжирали Мирзатов ўзининг хотираларида шундай деб ёзади: «...Соат ўн бешта кам тўққиз. Мен эндигина ишга келиб, портфелимни стол устига қўйишга улгурмаган ҳам эдим, бирдан эшик тақиллаб қолди.

— Киринг, марҳамат, — дедим эшикни секин очиб. Қорачадан келган, ёноқлари кулиб турувчи 22—23 ёшлар чамасидаги бир йигит кириб келди. Йигитни ўтиришга таклиф этиб: «Хўш, хизмат», дедим. Йигит уялинқираб яқинда армия сафидан қайтганлиги, бундан илгари ёш томошабинлар ҳамда колхоз-совхоз театрларида хонанда ва актёр бўлиб ишлаганлиги, мазкур даргоҳда хизмат қилиш орзу-нияти уни бу ерга бошлаб келганлигини изҳор қилди. Мен бу йигитга бир дақиқа қаттиқ тикилиб қолдим. Унинг ўтли нигоҳларида, қош ва киприкларида, юзларининг тиниқлигида, сўзларининг мулойимлигида, одобида анчадан буён излаб юрганим — Тоҳирни кўрдим.

— Майли, ўғлим, сен эртадан бошлаб бизда ишлайсан, — дедим. Муроджон ғоят хурсандлигини айтишга сўз тополмай хонамдан чиқиб кетди. Орадан икки-уч кун ўтгач, театрда саҳналаштирилаётган «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклидаги Тоҳир образини ишонч билан унга топширдик. Ишончимиз оқланди. Муроджон бу образни маҳорат билан ўйнаб қиёмига етказди, халқ орасида ҳам Муроджон, ҳам Тоҳир бўлиб қолди».

Муроджон Аҳмедов Қўқон театрида спектаклдан-спектаклга, қўшиқдан-қўшиққа ўсиб, элга танилиб борди. 1941 йили Янгийўл шаҳрида ташкил этилган Тошкент область театрини санъаткор кадрлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов бошлиқ Комил Яшин, Тўхтасин Жалилов ва Ғанижон Тошматов Фарғона водийсига, жумладан, Қўқон шаҳрига ташриф буюришди ва театрда қўйилаётган «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини томоша қилишди. Спектакль тамом бўлгач, Усмон Юсупов Муроджон Аҳмедовни ўз ҳузурига чақириб: «Халқ ўртасидаги ҳурматингга қойил, ўғлим, қаерда бўлсанг ҳам, халқимиз учун, санъатимиз учун ҳалол меҳнат қилсанг шунинг ўзи кифоя», деди.

Муроджон Аҳмедов 1940—1955 йилларда Қўқон музикали драма театрида, 1956 йилдан 1979 йилгача Максим Горький номидаги Фарғона область музикали драма ва комедия театрида хизмат қилди. Бу йиллар давомида қанчадан-қанча роллар ижро этди. Бу давр мобайнида у «Қурбон Умаров» пьесасида Умаров, «Гулсара»да Қодир, «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод, «Лайли ва Мажнун»да Мажнун, «Алпомиш»да Алпомиш, «Ревизор»да Осип, «Майсаранинг иши»да Мулладўст, «Нурхон»да Ҳайдар, «Равшан ва Зулхумор»да Равшан, «Холисхон»да Рустам, «Ватан ишқи»да Субҳонқул, «Гул ва Наврўз»да Наврўз, «Азиз ва Санам»да Азиз, «Кумуш тўй»да полковник Содиқов, «Қароқчилар»да Карл Моор образларини яратди.

Муроджон Аҳмедовнинг кўп йиллик санъаткорлик фаолиятида қўшиқчилик ва актёрлик кирралари ҳамоҳанг ривожланди.

Санъаткорнинг қўшиқ ижрочилиги маҳорати айниқса бетакрордир. У хонанда сифатида икки юзга яқин лирик, классик ва мақомлардан ашулалар ижро этади.

Муроджон Аҳмедовнинг қўшиқ ўрганиш услуби ёшлар учун айниқса ибратлидир. У қўшиқ ўрганаётган пайтда ҳам актёрлик фаолиятидаги каби аввало бўлғуси қўшиқ матнини бир неча бор ўқиб чиқади, ўзи учун тушунилиши қийин бўлган сўзларни ғазал илмини чуқур билувчи кишилардан сўраб-билиб олади. Қўшиқ қалбидаги қаҳрамоннинг дарди, ташвиши, ички кечинмалари билан яшайди. У шогирдлари — Жалолхон Охунов, Қобилжон Юсупов, Хайрулла Лутфуллаев, Ғуломжон Ёқубов, Зокир Султонов, Жўрахон Пўлатов, Убайдулла Алиев, Раҳимжон Холбеков, Рашид Содиқов, Хурсаной Умароваларга ҳам ана шундай фазилатларга эга бўлишни маслаҳат беради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор М. Муртазоев севимли хонанда ҳақида шундай деган эди:

— Мен Муроджон Аҳмедов билан қўшиқ устида ишлаётганимда яйраб кетаман. Унинг илмлилиги, ижодкорлиги менга енгиллик туғдиради. Мен куйни қандай ишлаган бўлсам, у шундайлигича айтавермайди. У қўшиқни куйлаётганда унга ўзидан нималарнидир қўшади, унга сайқал беради, ранг беради.

Муроджон Аҳмедовнинг ўзбек совет санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга 1958 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист», 1967 йилда «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвонлари берилди.

Дилкаш хонанда Муроджон Аҳмедов, азамат пахтакорлар, чўпон-чўлиқлар, миришкор деҳқонларнинг қаҳқаҳа, сурурга тўла давраларида тўлиб-тошиб қўшиқ айтишни, қўшиғи билан уларнинг кўнглини чоғ қилишни, уларни янги меҳнат ғалабаларига руҳлантиришни яхши кўради.

Назиржон НАЗАРОВ,
Носиржон ОХУНОВ,
Муқимий номли Қўқон Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчилари

Эргаш МУҲАММАД

ТУЛПОР

Шоир Эргаш Муҳаммад «Менинг сайёрам» шеърий асарини ёзди. Мазкур асарнинг жаҳон болалари ҳаётига бағишланган биринчи қитъасида Ватан ҳамда Тинчлик ишига камарбаста кичик пахтакор-ўқувчилар ҳаёти, кўпмиллатли Советлар диёридаги ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги бахтиёр келажак эгаларининг порлоқ истиқболи ҳамда капиталистик зулм остида бахтли болалигини йўқотган хорижий эллар болаларининг оғир ҳаёти тасвирланади. Шу асардан парчалар босамиз.

Ойсанамни Баҳодир
Хивчин отга миндириб,
Чопар эди, Ойсанам
Қўйди «от»ни синдириб,
Тупроқ йўлда иккиси
Ултираркан хафаҳол,
Ойсанамга Баҳодир
Деди: — Майли, бу-ку тол,
Катта бўлсам ҳали мен
Тулпор олиб келаман.
— Бувим айтган, ҳов ўша,
Учар отми? Биламан...
— Миниб икков тулпорни
Юлдузларга учамиз,
Юлдузларнинг момоси —
Ойммомони қучамиз.
— Юр, бувимнинг олдига
Айтиб берар эртаклар, —
Баҳодирни Ойсанам
Қўймай уйга етаклар.
Ойсанамнинг бувиси
Олқай-олқай замонин,
Конфет бериб уларга,
Тўкиб солди армонин:
— Яшаяпсиз, болалар,
Шундай бахтли замонда.
Юлдуз сирин ўрганиб,
Учар одам осмонда.
Ҳар уйда бор телевизор
Жами жаҳон ичида.
Шу-да, эртак айтгани
Одам янтоқ учида.
Бундан ортиқ не керак,
Замон-замон сизники,
Бизнинг ёшлик хайф кетди,
Бутун армон — бизники.
Болаликда бувангнинг
Тулпор эди орзуси.
Унга қандай етсам деб,
Келмас эди уйқуси.
Орзу билан бўй етдик,
Орзу билан қўшдик бош.
Бола-чақа ўстирдик,
Меҳнат билан ўтди ёш.
Меҳнат қилиб ҳаттоки
Вақт топмадик эртакка.
Тулпор тугул бувангиз
Елчимади эшакка.
Қайда бундай тўқчилик,
Оғир эди у маҳал.
У чоғ ўзи биз тугул
Давлат эди камбағал.
Аммо шуни айтайин,
Пахта териб қучдик шон,
Тулпор бўлди бизга руҳ,
Қанот бўлди бизга нон.
Ҳолва экан у кунлар,
Уруш солди кўп жабр.
Буванг кетди урушга,
Ситамимга йўқ таъбир.
Ойсанамнинг дадаси —
Уғлим у чоғ ёш эди.
Ҳар бир ўтган кун эса,
Бошга тушган тош эди.
Кутар эдим бирма-бир
Аччиқ тишлаб кунларни.
Эртак айтиб ўғлимга
Утказардим тунларни.
Болаликда дадангнинг
Тулпор эди орзуси.
Унга қандай етсам деб,
Келмас эди уйқуси.
Гоҳо менга дер эди:
— Ойи, сизга, улғайсам,
Тулпор олиб келаман.
Сизни унга миндириб,
Юлдузларга еламан.

Миндиргандек тулпорга,
Юзларидан ўпардим.
Изинг қутлуғ бўлсин деб,
Изларидан ўпардим.
Буванг урушда ўлди,
Даданг бўлди пахтакор.
Ойинг — машҳур теримчи,
Мана сен бор — бахти бор.
— Тулпорни мен улғайсам
Келтираман, моможон.
Ойсанамда ва сизда
Қолдирмайман ҳеч армон.
Чақмоқ қамчим бўлади,
Булутларни ёраман,
Юлдузларга элтаман,
Ойга олиб бораман.
Момо кўнгли тоғ бўлиб
Баҳодирнинг сўзидан,
Босиб уни бағрига,
Деди ўпиб юзидан:
— Яшаяпсиз, болалар,
Шундай бахтли замонда.
Тулпорсиз ҳам одамзод
Учиб юрар осмонда.
Тулпор яшар эртакда,
У — орзулар отидир.
Унга бўлмас эришиб,
Унга етмоқ — мангу сир.
Ҳувиллаган сингари
Чаманзорлар булбулсиз,
Сен ҳам шуни билгинки,
Яшаб бўлмас тулпорсиз,
Кимки севса Ватанин
Тулпор унга ёр бўлар,
Элу юрти сафида
Номи мангу бор бўлар.



БАХТ ОВОЗИ

Габровода яшар бир одам,
Дерлар уни Антоний бобо,
Зўрға-зўрға босади қадам,

Мададкори — қўлдаги асо:
Чопиб қолар болалар шу зум,
Чол ҳассаси берса гар садо.

Топган каби шодлик тўла хум
Қуршаб олар бобони дарҳол
Юзларида порлаб табассум.

Чол бир четга чўкиб бемажол
Ва қўйнидан олиб халтасин,
Ҳуштакларин улашар хушҳол.

Кўрган янглиғ гўё отасин
Етимлар ҳам отишиб хандон,
Бермас сўнгра ҳуштагига тин.

Чол ўзи ҳам жилмайиб шодон,
Болаларга қилади ҳавас,
Кипригига қўнади осмон...

Болаларга ҳуштак бўлса бас,
Текин ҳуштак чалғу аммо
Баъзилари раҳмат ҳам айтмас.

Бироқ буни Антоний бобо
Сира-сира олмас кўнглига,
Ҳуштак ясаб чиқар ҳар сабоҳ.

Бутун қишлоқ қарар йўлига,
Бахт-ҳуштакни бир чалмоқ учун
Муштоқ боқар чолнинг қўлига.

Бобо умри ўтар инчунин, —
Болаларнинг қувончин кўзлаб
Ҳуштакларга сарф этар кучин.

Уруш пайти болалар бўзлаб
Юрганини кўрган у ахир,
Чол кўрганин беролмас сўзлаб...

Какрадан ҳам юз бора тахир,
Тахир бўлган қисматлар у чоқ,
Гўдакка ҳам боқмаган тақдир.

Болаларни ямлаган ўчоқ,
Ўтин бўлиб ёнган орзулар...
Ажал бўлиб боққан ҳар пучмоқ...

Эслаб қолса, юлқилаб юлар
Чолнинг қалбин, чирқирар хаёл,
Боши узра азроил кулар...

Ҳайриятки, жилмайиб иқбол,
Юрти бўлди фашистдан озод,
Ўзи жангдан чиқди бемажол.

Аммо юртим бўлсин деб обод,
Толган белин боғлади маҳкам,
Меҳнат билан тер тўкди кушод.

Букун юрти баҳордай кўркам,
Қушлар учар, осмон мусаффо,
Мусаффодир эл нияти ҳам.

Мактаб бағри қайноқ доимо,
Боғчалардан бўйлар келажак...
Пенсияга чиққан сўнг бобо

Бекор қолди, сиқилди юрак,
Ер бўлдию эзгу бир мақсад,
Топиб олди ўзига эрмак.

Берди сопол ҳуштаклар мадад:
Чалса қувнаб болалар уни
Чол севинчи билмас сира ҳад.

Келиб турса дейди ҳар куни,
Милтиқ эмас, ҳуштаклар сози.
Шу ўй билан оқарар туни.

Хаёлида янграр дил рози:
Ҳуштакларда болалар қалби —
Янграр ахир бахтнинг овози!..

Ҳуштак чалсин болалар ялпи!

ҚУВНОҚ БОБО

Шифок шаҳрин биқинида
Яшар Берталан,
У яшаган қишлоқни дер
Болотонсиплак.
Қуёш билан бирга турар
Ҳар кун эрталаб
Ва бобосин суратига
Тикилар андак.
Ишток бобо Берталаннинг
Бобоси бўлган,
Боқар эди суратдан у
Жуда ҳам ғамгин.
Узи эса уруш пайти
Қамоқда ўлган,
Бироқ доим бўлган унинг
Мақсади тамкин.

Кўрган чоғи бобосининг
Ғамгин суратин,
Бешга кирган Берталан ҳам
Бўларди беҳол.
Отасига борар эди
Олиб оғир тин,
Сўнг кетма-кет отасига
Берарди савол:

— Ишток бобом нега ғамгин —
Боқар, отажон?
Бўлмасмикан берсак унга
Қувноқ кайфият?
— Бутун умри ғамга ботган,
Эрк деб берган жон.
Бахтимизда турар порлаб
У қилган ният...

Мана, сен ҳам бахтиёрсан,
Эл ҳам бахтиёр.
Ватанимиз бағри бўстон,
Эркин ва озод.
Болаларнинг кулгусида
Бобонг ҳусни бор,
Душман қийнаб ўлдирса ҳам,
Лекин руҳи шод...

Болакайнинг кўнгли тўлмас
Жавобдан бироқ,
Бўлмасин дер суратда ҳам
Қайғуга ўрин.
Ёқмоқ учун ота ўғлин
Кўнглида чироқ,
Кока-кола олгин дея
Узатар форенд.

Ўша заҳот чиқар чопиб
Кўчага бола,
Кока-кола ичмас, аммо
Форенд ҳам қайтмас.
Неча ойким татиган йўқ
У кока-кола,
Форендларни не қилмоқда,
Ҳеч кимга айтмас.

Кўл бўйида расм чизган
Рассом ёнида
Ўралашиб юрар бироқ
Бола узукун.
Рассом ётиб бироз ҳордиқ
Олган онида
Секин бориб бола унга
Ерилди бир кун:

— Расм чизиб сотасизми?
Қанча туради?
— Э, болакай, унинг нархи
Келмас сенга мос.
Санаб бер-чи, юзга қадар? —
Рассом сўради.
— Ўрганганман санашни мен
Ўнгача холос.

— Эҳ-ҳе, ҳали санашни ҳам
Билмас экансан.
Нега керак бўлиб қолди
Расмлар сенга? —
Рассом кулди. — Балки варрак
Қилай дегансан?
— Кулиб турган расми керак
Бобомнинг менга.

— Сенинг ўзи исминг нима?
Бобонг ким бўлган?
— Ишток бобо невараси,
Мен — Берталанман.
Менинг бобом уруш пайти
Қамоқда ўлган...
Жиддий тортиб деди рассом:
— Кел эрта билан.

Кекса дарахт кавагидан
Тугунча олиб,
Маҳкам ушлаб бобосининг
Расмини қўлга,
Бобосини ҳалок этган
Урушдан нолиб,
Эртасига эрта билан
Тушди у йўлга.

Кўл бўйида кутиб олди
Болани рассом,
Гўё улар қалби бўлиб
Чарақлар қуёш.
Меҳр ҳисси қуршаб олди
Болани тамом,
Порлар эди кўзларида
Севинч тўла ёш.

Бобосининг суратини
Бермасдан бурун
Секингина қўйнидаги
Халтани олди.
Рассом сари чўзиб деди:
— Булар сиз учун.
Тугунчани кўриб рассом
Ҳайратда қолди.

Қўли билан пайпаслаб сўнг
Сўрди: — Нима бор?
— Ҳаммаси пул, қанчалигин
Билмайман аммо.
— Қайдан олдинг? Менга бу пул
Керакмас зинҳор!
Дарҳол элтиб жойига қўй,
Кўрмайин асло.

— Ўзимники, бу пулларни
Ўзим йиққанман.
Кока-кола ич деб берган
Пулларни ҳар кун
Кекса дарахт кавагига
Элтиб тиққанман...
— Кока-кола ичмай, пулни
Йиққандинг нечун?

— Олмоқчийдим бобом учун
Табассум сотиб, —
Узатди у ғамгин тушган
Бобо суратин,
Қолган эди гўё кўзда
Кўз ёши қотиб.
Кўзи ёшга тўлиб рассом
Яширди бетин...

Сўнг авайлаб, чизиб келган
Расмини очди,
Бобоқуёш турар кулиб
Борлиғи билан.
Гўё ундан қуёш чиндан
Нурларин сочди,
Бобосига боққан янглиғ
Боқди Берталан.

Кулган қуёш ёноғида
Қулдиргич мисол
Жарангларди табассумнинг
Қўнғироқчаси.
Нур шамоли — соқол бўлиб —
Эсади иқбол.
Кўз ўрнида кулган бахтнинг
Қўш чироқчаси.

Бобосига ўхшаб кетар,
Ўхшамайди ҳам,
Бобосидек севиб қолди
Расмни лекин.
Таскин топди бола кўнгли,
Бўлди хотиржам,
Тугунчасин рассом томон
Итарди секин:

— Уйга олиб боролмайман,
Билмасин отам,
Кока-кола ичолмайман
Сўнгра бир умр.
Пайқаб етди болакайнинг
Қалбин рассом ҳам,
Тугунчани ололмасди
У ҳам бари бир.

Аммо пулни кўрди санаб,
Минг форенд экан.
Амал қилди иккиси ҳам
Ўзин онтига:
Иккаласи шаҳар бориб
Бола номидан
Пулнинг барин топширишди
Тинчлик фондига.
Кока-кола пулларини
Йиғиб Берталан
Қувноқ бобо олганидан
Қувончга тўлди,
Хурсанд бўлиб боқар унга
Ҳар кун эрталаб,
Қуёшни ҳам Ишток бобо
Дейдиган бўлди...

1986



ФИЛ ҲАМ ГАПИРАДИМИ

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Филлар одатда тўда бўлиб яшашади. Улар алоҳида оила бўлиб бир-бирларидан ўнлаб километр узоқларда юришади. Зарурат бўлганда эса тезда бир жойга йиғилишади. Олимларни кўпдан бери: «Филлар маълум масофадан туриб бир-бирлари билан қандай қилиб гаплашадилар?» деган савол қизиқтириб келарди. «Эндиликда, — деб хабар беради Америка журнали «Сайенс дайжест», — Корнелл университетининг мутахассислари филлар инсон қулоғи англамайдиган паст-баланд товуш чиқаришларини аниқладилар. Бу товушлар 12 милгача етади».

АНТИҚА МУЗЕЙ

Украина ССРнинг Винница областида ажиб бир музей ташкил этилди. Казантин районининг Белополье қишлогида очилган мазкур музей шу ерлик аҳоли ва мактаб ўқувчиларининг ҳаракати билан барпо бўлди. Музейдаги экспонатлар нон ва нонни етиштирувчи кишиларга бағишлангандир. Қирқ йиллик иш стажига эга бўлган қишлоқ ўқитувчиси А. Бойко ўз шогирдлари билан бирга ўнлаб ҳовлиларда, омборхоналарда, кўҳна темирчилик устахоналарида, қисқаси, ота-боболаримизнинг нон ва дон етиштиришга алоқадор куроллари топилиши мумкин бўлган жойларни қараб чиқди. Ўқувчилар томонидан топилган нарсалар ва Ватутин номли колхоз аъзолари қайта тиклаган шамолтегирмон музейга асос бўлди. Шамолтегирмон ичига жойлашган музейда бир неча бўлим мавжуд. Айниқса, революция йилларида ва уруш йилларида ёпилган нонларга, гулдор нонларга, космонавтлар учун ёпиладиган атиги тўрт ярим граммлик «буханка»ларга бағишланган экспозициялар гоят қизиқарлидир.

ҲАЛОЛЛИККА НИМА ЕТСИН!

Отаулла ОҚИЛОВ

Ҳалолга барор, ҳаромдан ҳазар!

Бу чуқур фалсафа биринчи марта юрагимда ўчмас из қолдирганида ўсмирлик ҳаётимда янгиланиш сездим.

Имтиҳонлар яқинлашиб қолган кунлар эди. Уқишга ҳафсаласи йўғроқ курсдошларимиздан бири имтиҳон арафасида талабчанроқ домлаларимиздан бирининг «кўнглини овламоқчи» бўлиб, катта челакка икки шиша ичимликни жойлаб, устини чиллаки узум билан тўлдириб, домланинг уйига ташлаб чиқибди. Шу воқеанинг эртасигаёқ институтнинг тажриба ўтказиш залида ўша домланинг охирги лекцияси бўлиши керак эди. «Совға» олиб борган студент эса, домланинг назарига тушиш, ўзини танитиш учун биринчи қаторда гердайиб ўтирганида домла залга рафиқасини бошлаб кириб қолди. Келинойининг қўлида ўша, ёпғичи ҳали очилмаган — «совға» қилинган челак...

Домла жуда асабий, умр йўлдошига мурожаат қилиб: «Хоним, қани кўрсатинг ўша тантибойваччани», деди. Залда ғалати тебраниш бошланди. Келинойи ҳам дарҳол кечаги меҳмонни таниди. Домла эса, унинг қўлига челагини тутқазиб, залдан ҳайдаб юборди. Сўнгра бизга қарийб ярим соат ҳаромдан ҳазар қилиш кераклиги ҳақида куйиниб гапирди.

Бу воқеа биз, бўлажак шифокорларга бир умрга етгулик ибрат бўлган эди, десак, хато бўлмас.

Маълумки, чақалоқ онадан ёмон бўлиб туғилмайди. Вақт ўтган сайин, ўраб турган муҳит уни тарбиялайди. Шундай экан, биз ўзимиздаги яхши хислатларни иложи борича авлодларимизга юқтиришга ҳаракат қилишимиз керак.

Яна бир мисол:

...Жумабой ота негадир эрталабдан ўзини нохуш сезди. Ўғиллари, келинлари ишда, набираси Алишерни мактабдан келиши биланоқ дармон дориси олиб келиш учун аптекага чоптирди. Алишер дорини олиб, аптека зинасидан тушаётганда оёғи остида ётган чарм ҳамённи кўриб қолди. Бола олазарак бўлиб, ҳамённи олди. Энди дадаси ваъда қилиб юрган, «аъло ўқисанг олиб бераман», деган велосипеди накд бўладиган бўлди. Эртага у велосипедни мўмайгина шу пулга сотиб олиши мумкин.

Воқеадан хабар топган бобонинг дарди бир зум чекингандек бўлди. Улар етаклашиб аптекага бордилар. Ҳамёндаги дори учун врач ёзиб берган қоғозда касалнинг фамилияси қайд этилган экан. Шунингдек, врачнинг ҳам фамилияси бор. Дарҳол уни сўроқлаб поликлиникага бордилар. Бош врач ўша врачни ва беморнинг анкетасини топтирди. Адрес аниқланди. Учовлон беморнинг уйига етиб келдилар. Уй бекаси бир пенсионер кампир бўлиб, шу бугун почтадан нафақасини олган экан. Меҳмонларга қалб ташаккурини изҳор этди. Ўз қилмишидан ўта мамнун бобо ва набира уйга қайтганларида алламаҳал бўлганди. Уйга келиб, бобо набирасига: «Фақат пешона тери билан топилган пулгина ҳалол бўлади, болам, сенга энди ўзим велосипед олиб бераман», деб ваъда берди.

Бундай ибратомуз, ҳаётий, ҳалолликка тимсол бўладиган воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Баъзан ҳаётда ҳаромхўрликни касб қилган, ўзгалар ҳамёнига, жамоатчилик луқмасига кўз олайтирган шахслар, ҳар хил ёшдаги, касбдаги йирик ва майда ҳаромдан ҳазар қилмайдиган пораҳўрларга дуч келасан киши. Тўғри, ҳозир бундайларнинг пайтавасига қурт тушиб қолган. Ҳалол қўллар уларнинг гирибонида. Бу чайир қўлларни бирор муддат бўшаштирмаслик лозим. Бу — жонажон партиямизнинг талаби, халқ талаби.

...Чаманой аянинг оиласи, навбати келиб, кўп қаватли иморатдан янги шинам квартира олди.

— Вой, айланайлар, бу квартира дегани жоннинг роҳати экан, на кўмир ва на ўтинга эҳтиёж туғилади. Хусусан, ваннасини айтмайсизми, ошхонага кирсанг, баҳри дилинг очилади, — деб аянинг оғзидан бол томиб юради. Кунлардан бир куни ошхонада тўсатдан сув трубаси уланган еридан ёрилиб кетди. Кампир шошиб қолди. Улар 2-қаватда яшайдилар. Шу заҳотиёқ уй-жойдан фойдаланиш бошқармасига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди. Улар дарҳол ёрдам берамиз, деб ваъда қилдилару аммо вакил бир соатдан кейин мотоциклини патиллатиб келди. Унгача ая қўшниларини ёрдамга чақириб, тоғоралаб сувни ваннага тўкиб турдилар. Шоп мўйловли вакил йигит кириб келиши билан кампир бечора оғзидан бол томиб, уни олқади. У эса у ёқ-бу ёқни кўрган бўлди-да:

— Бувижон, — деди тўсатдан, — бу бедаво дард, трубанинг ёриғини елимлаб бўлмайди, шу ерни кесиш ва пайвандлаш лозим. Менда эса эҳтиёт қисмлар йўқ. Умуман, бир мақол бор: «Қуруқ гап қулоққа ёқмас», дейдилар. Бирор нима атаворсангиз, таниш ўртоқларимни шу ишга кўндириб, эҳтиёт қисмларини олиб келаман. Узимга бир тийинингиз ҳам керак эмас.

— Бўйларингдан бувинг айлансин, неча сўм берсам иш битади?

— Иккита шишага етарли бўлса, бас.

Ичимликнинг дарагини эшитган кампирнинг ғазаби қўзиди:

— Шишанг нимаси, болам, бутун мамлакат ичкиликни тарк этиб турсаю, гапингни қара-я! Ҳозироқ бошлиғингга бориб арз қиламан, мана, қўшниларим гувоҳ.

Кампирнинг бўш келмаслигини сезган техник ижирғаниб ишга тушди.

Аммо шундай ҳолларда ҳаммамиз ҳам жиноятнинг олдини олиб, ҳаромхўрлар ҳақида тегишли идораларга хабар қилмай, ишимизнинг битишини маъқулроқ кўрамиз, ўз хоҳишимиз билан уларнинг тузоғига «илиниб» қоламиз.

Ҳалол ва ҳаром ибораларини халқимиз одиллик нуқтаи назаридан ижод қилганлиги маълум. Ҳалол дейилганда аввало, муҳтарама онамизнинг бизга ҳаёт бахш этган оқ сутини тасаввур қиламиз. Бу сўз кўчма маънода кишиларнинг одамийлигини, ростгўйлигини баҳолайдиган мезон бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ҳалол ва ҳаром ибораларини кишиларнинг кийим-кечак, уй-жой, хуллас, маънавий ва моддий борлиғига нисбатан ишлатишга кўникиб қолганмиз. Бу борада ҳалол ва ҳаромнинг мезони битта — меҳнат, у ҳам бўлса, пешона тери ҳисобига топилган бойлик — ҳалол, меҳнатсиз — амалдан, касбдан фойдаланиб, эгри йўл билан (совға, пора, курортга кузатиш, ўқиш ва ишга жойлаштириш ва ҳоказолар эвазига) топилган сохта бойлик — ҳаром, бу разолат, касофат ва жиноятдир.

Таажжубки, илгарилари шаҳар ва қишлоқларимизда, гузарларда яккам-дуккам қассоб, сартарош дўконлари бўларди. Уларда хизмат қилувчилар одатда кексалар бўларди. Энди-чи? Азим пойтахтимиз Тошкент, область марказларидаги колхоз, совхоз бозорларига бир назар ташланг, қатор гўшт расталарида мўйлаби сабза ура бошлаган ёшларни кўрасиз. Уларнинг аксарияти ўзларидаги ишчанлик, уддабуронлик каби яхши фазилатларини эгри йўл билан бойлик топишга сарф қилади. Мисол: бир куни пойтахтимизнинг Октябрь колхоз бозоридаги гўшт дўконларидан бирида гўшт танладим. Сотувчи йигит, афтидан шу ерда ишлаётган отаси ёки акасига ёрдам бераётган бўлса керак, мен танлаган гўшт бўлагини тарозу палласига чапдастлик билан қўймоқчи эди. Шу пайт маҳоратсизлик қилиб, гўштга яширинча қўшиб бермоқчи бўлган муштдан каттароқ суяк бўлаги тарозу палласидан тушиб кетди. Сотувчи қизариб, дудуқланиб қолди. Менинг эса шундай йигит эгри йўлга киргандан кўнглим ўксиди. Улар ҳатто ўрта маълумотли, айримлари эса ҳатто олий маълумотли бўла туриб, деярли ўрта ёш, кексалар қилиши мумкин бўлган касбга шайдолар. Улар мартен печларида пўлат эритсалар, пахта далаларида жавлон урсалар, элюрт корига ярасалар, ҳалол меҳнатлари эвазига Ватан ва халқ олқишини олсалар, обрў орттирсалар, қанчалик муваффақиятга эришган бўлардик.

Минг афсуски, ўтган ўн йиллар ичида айрим мактаб ўқувчилари билан уларнинг ота-оналари ҳам биргалашиб ўқидилар. Синфдан синфга ўтиш имтиҳонлари, хусусан, етуклик аттестати баҳолари, қолаверса, олтин медаль ва ҳоказа меҳнат билан, пешона тери, билим билан қўлга киритиш мумкин бўлган баҳоларнинг энг «катта»лари ўз фарзандлариники бўлишига армонсиз ҳаракат қилдилар. Уша йилларда олий ўқув юртларига кириш даҳмазага айланганини айтмайсизми? Оз бўлса-да пораҳўр, ҳаромхўрлар учраб турганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Улар — сув юзидаги кўпиклар. Улар зинҳор совет воқелигига, турмуш тарзимизга заррача доғ туширолмайдилар. Лекин биз, ҳар биримиз зийрак бўлишимиз, жойида уларни шарманда қилмоғимиз, барча ҳаромхўрларни тутган ҳамон жамоат орасида таъзирини беришга одатланишимиз керак.

Бу борада маҳалла комитетлари, мактаб, ота-оналар Советлари, тегишли ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик, — ҳамма ёппасига енг шимариб иш тутса, бу ёмон иллат, мафкуравий «яра» тез орада бартараф этиларди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев узоқшарқликлар билан бўлган учрашувларда бу борада ҳаммамизга ибратли гапларни айтди.

Мамлакатимизда, жонажон диёримизда илм олиш, даволаниш текин. Барча миллат вакиллари совет қонунчилиги билан тенглаштирилган. Шундай экан, бировнинг бировдан устун бўлиб яшашига йўл йўқ.

Улуғ Ленин: «Меҳнатсиз турмуш ўғриликдир, санъатсиз турмуш ваҳшийликдир», деб башорат қилганидек, меҳнатсиз ҳаром йўл билан топилган маблағ ўғриликдир, такрор айтамиз, бу хавфли, хуфя ўғриликдир.

Келинг, азизлар! Биз ҳаммамиз — ёшимиз, касбимиз, мавқеимиз, мансабимиздан қатъи назар, барча жабҳаларда, юриш-туришимизда, фикр-ўйларимизда, мунозара ва мусоҳабаларда ўз виждонимиз олдида ҳалол бўлайлик.

Ҳалолга барор, ҳаромдан ҳазар! Бу ажойиб даврмиз тақозосидир.

ШАХ МАТ

БАҲС ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

Каспаров — Карпов ўртасидаги реванш матчининг тугаганига ҳам бир ойдан ошиб қолди. Лекин дунёнинг энг кучли бу икки шахматчисининг ўзаро баҳси ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳамон қизғин давом этмоқда. Келинг, биз ҳам ўша ҳаяжонли дамларни яна бир эсга олайлик. Зеро, икки гроссмейстер ўйнаган партиялар қайта-қайта ўрганишга арзийди.

Гарри Каспаровнинг беллашувга жуда жиддий тайёргарлик кўргани матчнинг бошларидаёқ яққол сезилди. У айниқса Грюнфельд ҳимоясини назарий жиҳатдан пухта ўрганганлиги, амалда ҳам ундан усталик билан фойдалана билишини намойиш этди. А. Карпов матчнинг Лондон қисмида айни шу ҳимоя услубига муносиб зарба бера олмагани учун ҳам устунликни қўлдан бой берди. Ленинграддаги баҳсда эса Каспаров ўзининг устунлигини мустаҳкамлашга эришди. Жумладан 16-ва 14- партияларда у оқ доналар билан ўйнаб, рақибига кетма-кет кучли зарба берди.

Аммо бу А. Карпов бўш ўйнади, деган гап эмас, албатта. Мухлислар унинг ҳар бир партияда ўз кучини ҳужумга ташлаганини, ҳар бир қулай имкониятдан самарали фойдаланишга интилганини кўриб, унинг истеъдодига яна бир карра тан бердилар.

Энди эътиборингизни реванш матчида ўйналган икки партияга тортмоқчимиз. Уларнинг ҳар бири рақибларнинг кучи ва маҳорати ҳақида тўла таассурот беради, деб ўйлаймиз.

Тўртинчи партияда рақиблар Нимцович ҳимоясининг фаол вариантлари бўйича баҳслашдилар. Оқлар (Каспаров) ўйиннинг дастлабки қисмида сипоҳларини, айниқса филларини қулай жойга жойлаштирганлиги учун рақиб позициясига жиддий таҳдид сола бошлади. Карпов аҳволни соддалаштиришга эришдию, лекин фарзин қанотидаги пиёданинг тинимсиз юқорига интилиши ишни мушкуллаштирди ва Каспаров ғалабага эришди. Бу ўйин қуйидагича бошланди.

1. d4 Кf6 2. c4 e6 3. Кc3 Сb4 4. Кf3 c5 5. c3 cd

Бундай вазият Каспаров — Карпов баҳсларида бешинчи марта учраганини айтиб ўтиш керак. (Уч марта ўтган матчда, бунисида эса иккинчи марта). Қани, кўрайлик-чи, бу ёғи қандай давом этаркин...

6. К:d4 0—0 7. Сc2 g5 8. Фb3 С:c3 9. bc Кc6 Эътибор беринг: бу юриш бугунгача на назарияда, на практикада учраган эди.

10. cd Ка5 11. Фc2 К:d5 12. Фd3!?

Вазият қалтислашаяпти. Оқлар Кd4-b3ни юрмоқчи.

12. ...Сd7 13. c4 Кe7.

Карпов бу юришни қилишдан олдин роса ўйланди. Чунки 13... Кb4 ҳам маъқулроқ кўринаётган эди-да. Лекин бу ҳолда 14. Фc3 Кac6 дан кейин оқлар фарзин қанотидаги ташаббусни янада кучайтириш имконига эга бўларди.

14. 0—0 Лc8 15. Кb3! К:c4. 16. С:b7 Лc7 17. Са6 Кe5

Сипоҳларнинг тактик ўйини давом этмоқда. Бунинг натижасида оқлар ўзининг ажралиб қолган c4 даги пиёдасини b7 даги пиёдага алмаштирди. Оқибатда позициялар очиқ характер касб этди. Бу вазиятда кимнинг сипоҳлари қулай жойлашган бўлса, ўша устунликка эга бўлади.

18. Фe3

Карпов бу юришга жавоб топиш устида 25 минут ўйлади.

18. ...Кc4

19. Фe4! Кd6 20. Фd3!

Бир қарашда оддийгина юриш. Лекин очиқ позицияларда қандай юриш қилишни танлаб олиш осон эмас.

20. ...Лc6 21. Са3 Сc8 22. С:c8 Кd:c8 23. Лfd1 Фd3 24. Л:d3 Лe8 25. Ла.d1

Ўйин хийла мураккаблашди.

25...f6 26. Кd4 Лb6 27. Сc5 Ла6

Шундай қилмаса, қоралар e6-даги пиёдасидан ажраб қолиши турган гап.

28. Кb5 Лc6 29. С:e7 К:e7 30. Лd7

Оқларнинг сиқуви хавфли равишда кучаймоқда. Улар a7 даги пиёдага икки томондан ҳужум қилиб, 31. Кd6 ни юриш билан таҳдид солишмоқда.

30. ...Кd6

Қоралар пиёдани беришга мажбур. Бошқа чора йўқ.

31. Л:a7 Кf8 32. a4

Оқларнинг устунлиги яққол сезилиб қолди. Уларда бир пиёда кўп, сипоҳлари эса керакли жойда турибди.

32. ...Лb8 33. e3 f5 34. Крg2 e5 35. Лb3 Крh7

36. Лc3 Лbc8 37. Л:c6 Л:c6 38. Кc7!


Руҳларнинг алмашиниши қораларнинг аҳволини енгиллатмади.

38...Кe6 39. Кd5 Крh6 40. a5 e4

Учрашув шу ҳолда кечиктирилган эди. Эртасига Карпов ўйинни давом эттирмай, мағлуб бўлганлигини тан олди.

Одатда, мағлубиятдан сўнг енгилган томон танаффус қилиб ўзига келиш учун дам оларди. Аммо Карпов ундай қилмади. Бу кўпчиликни ҳайратга солди. Бундай дейишимизнинг сабаби бор. Бундай учрашувдаги мағлубият ҳар қандай шахматчини ҳам довдиратиб қўйиши аниқ. Бироқ галдаги ўйин бунинг аксини кўрсатди...

Бешинчи партияда А. Карпов оқ донада ўйнади. Рақиблар Грюнфельд ҳимоясини қўлладилар. Диаграммадаги сиз кўриб турган вазият эса 20-юришдан кейин вужудга келди. Қораларнинг a5 даги пиёдаси фарзинга чиқа оладими? Карпов бу саволга «йўқ» деб жавоб берди. Бунга у қандай эришди?



21. f3 a4 22. Лhe1! a3 23. Кf2 a2 24. Кd3 Ла3 25. Ла1 c5?

Қораларнинг қарши ҳужуми барбод бўлаётганлигига шубҳа йўқ. Каспаров ҳужумга чора истаб, бир пиёдасини қурбон қилишга мажбур бўлади.

26. hg hg 27. С:g5 Крf7 28. Сf4 Лb8 29. Лec1 Сc6 30. Лc3 Ла5 31. Лc2 Лb a8 32. Кc1.

Қоралар пиёдасидан ажралиши муқаррар. Руҳларнинг алмашиниб кетишидан ҳам оқлар манфаатдор. Шунинг учун қоралар таслим бўлишди.

Реванш матч ана шундай муросасиз курашлар остида ўтди. Гарри Каспаров жаҳон чемпионлигини яна ўз қўлида сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Реванш матч тугагани билан бу икки гроссмейстернинг ўзаро баҳслари давом этаверади.

Ғолибни эса барча шахмат мухлислари номидан табриклаймиз.

Шоҳрух АКБАРОВ

Журналнинг 8-сонида шахмат мухлислари эътиборига ҳавола қилинган масалаларнинг жавоблари:

1-МАСАЛА. Қоралар бошлайди: 1. Лc6!! b:c 2. a7 f5. 3. c7 f4! 4. h4 q4 6. h5 h6. Қораларнинг пиёдаси фарзинга чиқди. Оқлар мағлубиятга учрайди.


2-МАСАЛА: 1. Сh6! a3 2. d3! a2. 3. Cd7+Крd5 4. c4+Крc5. 5. Крb7 a1Ф. 6. Cf8x.

3-МАСАЛА: 1. Кe1 Л:e1 2. d5 Лd1 3. d6! Крq3. 4. Крc7 Лc1+ 5. Крb6 Лb1+6. Крc6 Лc1+ 7. Крd5! Лb1 8. d7 Крf4. 9. Крc4! Лc1+10. Крb3 Оқлар ғалабага эришди.

«ЖЎЖАЛАР БАҲСИ»

— Сен каттами, мен катта?..
— Сен баландми, мен баланд?..

А. Абальян фотоэтюди



Ҳақир-Шиқанак

ИЧКИЛИКНИ ТАШЛАДИМ

(Ишонса бўладиган воқеа)

Нега ишонмайсиз? Бу гапни ҳушёрлигимда айтяпман-а. Оббо, ичувчи: «Ўғил кўрдим» десаям ҳеч ким ишонмас экан-да. Бўлмаса, қулоқ солинг:

— Битта ароқдан ўранг, — дедим бекорчиликдан ҳомуза тортиб ўтирган сотувчига пул узатиб.

— Мудирга киринг. Унинг ижозатисиз сотолмайман, — деди у столни чертаркан.

— Хўп, кирсак киribмизда, — деб сотувчи кўрсатган эшикни очиб, ичкарига қадам босдим.

— Паспортингиз борми? — деди мудир кроссворддан кўзини узмай.

— Йўқ-ку...

— Олиб келинг.

— Паспорт нега керак, билсак бўладими? — дедим ажабланиб.

— Жуда керак-да. Ешингизни билмоқчимиз. Йигирма бирга кирганмисиз, йўқми? — деди мудир бошини кўтариб.

— Кўриб турибсиз-ку...

— Оббо, кўриб турибман, кўр ҳам эмасман. Аммо паспорт керак, балки сиз ичаверib йигирмада «қариб» қолгандирсиз.

Ноилож, уйга қайтиб, паспортни олиб келдим.

— Жуда соз, — деди мудир уни варақларкан. — Энди соғлиғингиз ҳақида битта справка олиб келасиз. Эҳтимол, сизга ичиш ман қилингандир. Бир пиёла отиб, бирданига инфаркт...

Бу гапдан эсим чиқиб кетди. Лекин ўзимни босиб, врачга югурдим. Аввал рентгендан ўтдим, кейин кўз дохтирига учрашдим, кардиограмма қилдирдим. Ниҳоят, справка олишга муяссар бўлдим.

— Маошингиз ҳақида ишхонангиздан қоғоз келтиринг. Албатта, ароқни осмондан тушган пулга олмайсиз. Тўғрими? Ҳа, балли, маошга. Маош эса ўлчоғлиқ. Унинг қирқилиши эса оила бюджетини кесиш деган гап...

Тишимни тишимга қўйиб, кечгача овора бўлиб, справка олдим.

— Уйланганмисиз? — сўради мудир мен тутган қоғозни оларкан.

— Ҳа, албатта, — дедим зўрға, бир ишкални кутиб.

— Унда никоҳдан ўтганингиз ҳақидаги гувоҳномадан бир нусха керак. Ароқ — оиланинг душмани... Болаларингиз ҳақидаги справкалар ҳам эсдан чиқмасин.

Уни ҳам амалладим. Энди бўлгандир, дея умид билан яна мудир ҳузурига йўл олдим.

— Гап бундай бўлибди, — деди мудир қоғозларни кўздан кечириб. — Ҳа, дарвоқе, сал бўлмаса, ёддан кўтарилибди. Сиз ичкиликбозликка қарши кураш кўнгилли жамиятига аъзомисиз?

— Биринчи эшитишим, — дедим ҳадиксираб.

— Унда бу жамиятга аъзо бўлиб, билетингиздан кўчирма олиб келинг. Ҳозир биринчи галда жамият аъзоларига ароқ сотилади.

Нима дейишни билмай, ташқарига чиқдим. Жамият идорасини зўрға қидириб топдим. Аъзо бўлиш ҳам қийин экан. Аввал суҳбатдан ўтиб, ариза бердим ва аъзолик билетини олиб нусха кўчиртирдим. Ва мен учун қадрдон бўлиб қолган мудир қаршисида пайдо бўлдим.

— Яхши, яхши. Энди сўрашнинг айби йўқ, ҳушёрхонага тушганингиз йўқми?

— Йўқ! Йўқ! Умуман тушганим йўқ! — дедим овозимни баландлатиб.

— Ўзингизни босинг, бу ерда бақириш мумкин эмас. Ундан кўра, ҳушёрхонага тушмаганингизни исботловчи қоғоз тайёрланг.

Бу қоғозни олгунча жоним ҳалқумимга келди. Чунки у ердагилар кейинги беш йилда бу даргоҳга тушган «меҳмонлар» рўйхатини обдан кўздан кечиришди. Номимни тополмагач, бир парча қоғоз беришди.

— Ана бу бошқа гап, — деди мудир бу ҳужжатни ҳам эндиликда қаппайиб қолган «делом»га ёпиштираркан.— Хўш, э-ҳа, хотинингиздан тилхат йўқ-ку. Усиз ҳеч иложимиз йўқ. Сиз бориб хотин билан машмаша чиқарсангиз, бошимиз балога қолади. Шунча югурган, яна бир ҳаракат қилинг...

Мудирнинг сўнгги гапи бошимга гурзи бўлиб тушди. Ахир, хотинга пулемёт тўғриласанг ҳам тилхат бериб бўпти. Охирги «хўрликка» чидаб туролмадим ва сапчиб ўрнимдан туриб кетдим:

— Ҳой биродар, беш кундан бери югураман. Барча хўрликларингизга чидаб келдим. Энди тоқатим тоқ бўлди, пичоқ бориб суякка етди. Бас, ароқ ҳам, югур-югур ҳам керак эмас. Шу бугундан бошлаб ичишни ташладим. Бошқа оғзимга олсам...

—Ихтиёрингиз,— деди мудир совуққина.

Бундан баттар ғазабланиб кетдим ва эшикни қарсиллатиб ташқаридан ёпдим. Орқамдан эса мудирнинг кимгадир телефон орқали: «Бугун 33 киши ичкиликни ташлади, ҳаракат қилаяпмиз...» деган сўзлари қулоққа чалинди...

Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ

Ҳақир-Ҳақиқатлар

«Дохтирликни битириб чиққан ўғлим: «Дада, нега балиқларнинг ўпкаси шамолламайди?» деб ажабланади. Қизиқ, институтда болаларни нимага ўқитишади?»

(Ўғлини таниш-билиш орқали институтга киритган отанинг саволи)

* * *

«Илҳомни ахтариб топиб бўлмайди, унинг ўзи шоирни топиши керак» дейди тўғарак раҳбаримиз. Қизиқ, адресини билмаса шоирни қандай топади?»

(Соддадил қаламкашнинг ажабланиши)

* * *

«Абутанбал Ширинжонов ишхонада тушгача ухлайди, сабабини сўрасак: «Мен ярим штатда ишлайман деб важ қилади».

(Шикоятдан)

* * *

«Ўтиб кетаётган қизга: «Жонидан, кипригингнинг эпкинига шамоллаб қолдим» деган эдим, унда, ўпкангизни алмаштиринг, деб кулди».

(Шилқим йигитнинг эътирофи)

ДОҒИСТОН ХАНДАЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги институтида ўқийдиган Нурилла Махачқалъадан қишлоққа практикага келиб, бир кишидан ижарага уй сўради:

— Хотинларни ижарага қўймайман, — деб жавоб берди хўжайин.

— Вах! Мен эркакман-ку!

— Бунақанги сочи узун эркакларни ҳали кўрган эмасман, — деди уй эгаси.

* * *

Тўрва соқол, пахмоқ сочли студент Ҳасан таътил кунлари овулга келди. Мажнунсифат таъвия кўриниши билан Аслиддин хитоб қилди:

— Ҳа, энди мен ҳақиқатан ҳам одамнинг маймундан пайдо бўлганига ишондим.

* * *

Йиғилишларда ҳеч кимга гап бермай валдирайверадиган кишидан қўшниси нолиди:

— Ҳожиси тушмагир жуда вайсақи-да, бир лаҳза оғзи тинмайди.

— Зарари йўқ, лабига пашша қўнмайди, — деб жавоб берди ҳамсуҳбати.

* * *

Умар лўкиллаб югураётган тўқсон ёшли чолга деди:

— Довуд бобо, дохтир сизга югуришни ман қилган эди-ку!

— Уша дохтир касалхонага тушиб қолди, — деб югуриб кетди қария.

Директор: — Иккаламизга кўплик қилади, яна бир шерик чақиринг!



К. Раҳмонов чизган расм.

ЛАТИФАЛАР

Оёғи ерга тегмай югуриб келаётган кишидан сўрадилар:

— Тинчликми, биродар, қаёққа югуриб кетаяпсиз?

— Йўлимни тўсманг, азизим, кўрмаяпсизми, икки киши мени қувлаб келаяпти!

— Нега қувади?

— Ҳе, асти сўраманг, неча йиллар меҳнат қилиб киносценарий ёзган эдим. Улар сценарийни ўқиб чиққач, сенга шерик — соавтор бўламиз, — деб этагимдан маҳкам ушладилар, аранг силтаниб қочдим. Ана келиб қолишди.

Чопағон автор шундай деб яна югуриб кетди. Шерик авторлар уни қувиб кетишди.

* * *

Пьеса охирида Отелло Дездемонани бўғиб ўлдирмоқчи бўлиб унга яқинлашган эди, барваста Дездемонанинг жаҳли чиқиб, Отеллони бир уриб, сулайтириб ташлади. Репетицияни бошқараётган режиссёр қичқирди:

— Дездемона, бу қандай қилиқ? Пьесада Отелло сизни бўғиб ўлдириши керак-ку, ахир!

— Ўз эридан қўрқмайдиган хотин бегона эркакка бўғдириб қўяр эканми? — деди ҳаваскор артистка жаҳл билан.

* * *

— Кираверишда оғзи очилиб қолган йиртиқ ботинка турибди, унинг маъноси нима? — деб сўради меҳмон уй эгасидан.

— Ўша ботинкани узоғи билан бир ҳафта кийдим, оғзи очилиб, ишшайиб қолди. Уни даҳлизга қўйганимдан бери уйда сичқонлар кўринмай қолди. Ҳар қалай фойдаси тегди-ку,— деди кулиб мезбон.

* * *

Узоқ ўтириб қолган эзма меҳмон, ниҳоят, жўнашга ҳаракат қилиб узр сўради:

— Сизларга ортиқча халақит бермадимми?

— Йўғ-эй, — деди мезбон эснаб, — уйқудан турадиган вақт бўлди.

* * *

— «Бюрократ» деган сўзнинг маъноси нима? — деб сўради бир содда киши дўстидан.

Дўсти жавоб берди:

— Агар ишингиз тушиб, шаҳар телефонлаштириш бошқармасига борсангиз, ўша ерда ишни пайсалга соладиган, одамларни овора қиладиган кимсаларга кўзингиз тушади. Ана шу сансалорчи кимсалар халқ тилида бюрократ дейилади.

Турғунбой ҒОИПОВ

* * *

Бир киши ўғлини қассобнинг дўконига етаклаб келиб деди:

— Ўғлимни шогирдликка олиб келдим: эти сизники, суяги бизники.

Унинг гапига қулоқ солиб турган Афанди кулиб юборди:

— Соли қассоб суякка ўч одам, эҳтиёт бўлинг!

* * *

Ўжарлик билан оёғини тираб турган боланинг онасидан Афанди сўради:

— Қизим, ўғилчанинг оти нима?

— Соат, — деди аёл йиғлагудай бўлиб, — боғчага бормайман деб юрмаяпти.

— Қулоғини бурасангиз юриб кетади, — деб маслаҳат берди Афанди.


А. ИСОМИДДИНОВ

КРОССВОРД

Энига: 1. Ер куррасининг нусхаси. 3. Йўл иншооти. 9. Оғир саноат тармоғи. 12. Электр токини автоматик тарзда улайдиган асбоб. 13. Тирик организм учун зарур органик модда. 14. Куч ўлчови бирлиги. 17. Мардлик, жасорат. 18. Ой номи. 19. Узун баргли шифобахш гиёҳ. 20 Ўзбек халқ достони. 22. Физика фани соҳаси. 24. Қаҳрамон шаҳар. 27. Миллий қўшиқ жанри. 28. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси. 29. Ҳажм ўлчови. 32. Ўзбекистонда цитрус мевалар етиштиришга катта ҳисса қўшган таниқли соҳибкор. 33. Миллий музика асбоби. 34. Туркман совет адиби Х. Деряев асари.

Бўйига: 1. Жуда тез югурадиган йиртқич. 2. Тагорнинг «Ҳалокат» романи қаҳрамони. 4. Дон туйишда ишлатиладиган рўзғор буюми. 5. Ватанимиз жануби-ғарбидаги тоғ системаси. 6. Ип газлама. 7. Иттифоқдош республика пойтахти. 8. Коинот жисмининг ҳаракат йўли. 10. Қурама тоғи жануби-ғарбидаги кон. 11. Атоқли совет олими, космонавтика ва ракета техникаси асосчиси. 15. Форс-тожик шоири, тожик совет шеърияти асосчиларидан бири. 16. Эльба дарёси бўйидаги шаҳар. 21. Леонардо да Винчининг машҳур санъат асари. 23. Сибирдаги дарё. 24. Номдош сўзлар. 25. Сувсарлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон. 26. Минерал, углерод тури. 30. Серсоя дарахт. 31. Ипак газлама.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Икромий. 4. Вильнюс. 9. Олой. 10. Босволди. 11. Бақа. 14. Карам. 16. Азиза. 18. Азов. 20. Обаки. 21. «Одина». 22. Меҳнатобод. 26. Акробатика. 29. Грамм. 30. Брест. 31. Омск. 32. «Демон». 34. Астат. 38. Айиқ. 39. Сентябрь. 40. Арпа. 41. Фабрика. 42. Шафтоли.

Бўйига: 2. Кран. 3. Ирода. 5. Илдиз. 6. Юган. 7. Помидор. 8. Марокаш. 12. Гажим. 13. Взвод. 15. Магнитофон. 16. Автоматика. 17. Наманган. 19. Николаев. 23. Ейск. 24. Оҳак. 25. Агрегат. 26. Ампер. 27. Абхаз. 28. Отчопар. 33. Очерк. 35. Сурма. 36. Хина. 37. Орол.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Хирмонга барака!

Р. Альбеков фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда марказий газета-журналлардан фойдаланилди.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.


Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 25.09.86 й. Босишга рухсат этилди 30.10.86 й. Р-11043 Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи. 7,80. Тиражи 201849. Буюртма 4722. Нашр А —114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000: Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



Кўчма магазин келди.



Олмазорда.

Н. Муҳаммаджонов фотолари



Бувайдалик аълочи савдо ходими Эркиной Назарова.

А. Жумаев фотоси



Р. ЭШМАТОВ. ТУШЛИК.

ISSN 0134—2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.